

И.Қ.Назаров

**ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ
АСОСИЙ МУАММОЛАРИ**



Тошкент-2013

910/075)

Н-18


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

И.Қ.Назаров

ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазиригининг 2012 йил 26 декабрдаги 507-сонли буйруғига асосан география таълим йұналишлари талабалари учун үкув құлланма сифатида нашрға тавсия этилган. Рўйхатга олиш рақами: 507-004.

Тошкент
“Мұхаррир” наурызети
2013



УУК: 910 (075)

КБК 26.8

Н-18

Назаров, Исройл.

**Н-18География фанининг асосий муаммолари (укув қўлланма): Назаров, И./
Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта маҳсус таълим вазирилиги. – Тошкент:
Муҳаррир, 2013. - 212 б.**

Географик борлиқ, жараён, ходисалар ва улар ҳақидаги тушунчалар инсонлар-
нинг қўндалик хаёти ва иш фаолияти билан шундай чамбарчас боғланиб кеттани,
бир карашда бу фан жуда тушунарли, сода ва осонгинадек туплади. Аслини
олганда, мутлако бундай эмас. География-турли кулаамдаги худудларга багишлан-
ган фан. Ҳар бир худуд (геосистема) эса, ўзига хос бир дунё. У узининг борлиги, бир
бутунилиги билан бошқа худудлардан фарқланади ва катта тизимнинг (Коинот, Гео-
график кобикнинг) ажралмас кисми хисобланади. Молда ва энергия алмашинуви
туфаили вужудга келган мазкур боғланиш ва фарқланишлар мөхиятини билиш-
жула мураккаб географик вазифа. Ушбу вазифани бажариш диалектик мантиқ ва
умумгеографик синтез асосида тегишли хулосалар чиқаришни талаб килади. Бу
география фанининг кўп киррали ва мураккаблигидан бир нишонадир. Ушбу ўкув
қўлланмага асл (тор) маънодаги, яъни комплекс географияга тегишли бўлган бир
неча долзарб муаммолар киритилган ва бу борадаги вазифаларга ургу берилган.

Мазкур ўкув қўлланма университет ва педагогика институтлари, география
таълим йўналишларининг биттирувчи курс галабалари, магистрантлар, географ-
изланувчи ҳамда академик лицей, коллеж ва умумтаълим мактабларининг
география ўқитувчиларига мулжалланган.

УУК: 910 (075)

КБК 26.8

Масъуда мұҳаррир:

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети география
факультети, табиий география кафедраси мудири, г.ф.н., доц.

М.Т. Миражмадов

Тақризчилар:

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети география
факультети, ижтимоий география, миңтақавий иқтисодиёт ва лемография
кафедраси профессори, г.ф.д., Ўзбекистон География жамияти президенти

А.С.Салиев

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети география
факультети табиий география кафедраси доценти, г.ф.н.

Ш.С.Зокиров

Низомий номидаги ТДПУ география ва уни ўқитиш методикаси кафедраси
мудири, г.ф.н., доцент

Н.Р.Алимқулов

ISBN 978-9943-25-261-5

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
BUKHARA STATE UNIVERSITY

I.K. Nazarov

THE MAIN PROBLEMS OF THE SUBJECT GEOGRAPHY

This text book is recommended to publication as a text book
for the students of the department of geography according to
order №507 on December 26 2012 of the Ministry of Higher
and Secondary Special Education of the Republic of
Uzbekistan. The registration number is 507-004.

Tashkent
“Muharrir”
2013

Geographic environment, process, events and notions about them are so deeply connected with everyday life and jobs of people that it may seem that this subject is very understandable, simple and easy. But in fact it is not so completely. Geography is the subject devoted to different regions. Each region (ecosystem) is a special world. It differs from other regions with its surroundings. Entirety and it is considered to be inseparable part of the huge chain (of space, geography outer covering). This connection and differences have come out because of substance and energy change, to know essence of them is a very complicated geographic task. This task can be fulfilled according to dialectic logics; it demands common geographic synthesis and concrete conclusions. This shows geography being multifunctional and complicated. A number of important problems belonging to complex geography and their task solutions are included in the following text-book.

This text-book can be useful for geography department students of Universities and Pedagogical Institutions, for scientific researchers, graduates, graduate students geography teachers of academic lyceums, colleges and schools.

Responsible editors:

Uzbekistan National University by name Mirzo Ulugbek, Geography Faculty, the head of the department "Natural Geography and geographic education methods", g.d.

M.T.Mirakmalov

Reviewers:

Uzbekistan National University by name Mirzo Ulugbek, Geography Faculty, the head of the department "Social Geography, continental economics and demography", the president of Uzbekistan Geography Society, g.d., professor

A.S.Soliyev

Uzbekistan National University by name Mirzo Ulugbek, Geography Faculty, docent of the department "National Geography"

Sh. S. Zokirov.

Tashkent state Pedagogic University by name Nizomy, the director of Geography cashedra, docent

N.R.Alimkulov.

География – ҳудудлар фалсафаси. Муаллиф.

КИРИШ

Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабхаларида, шу жумладан, олий таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Давлатимиз томонидан қабул қилинган “Таълим тұғрисидаги конун” ва “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни (1997) амалга ошириш йүлида тизимили ва узлуксиз табдирлар амалиётта жорий этилмоқда. Айниқса, олий таълимда үқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси асосида қатор методик құлланма, дарсліклар яратилди ва яратылмоқда. Шунга қарамасдан, айрим фанлар бүйича давр талабига жавоб берадиган үқув адабиётлари ҳозиргача етарлы әмас. Айниқса, фанларнинг назарий асосларига бағишлиланган үқув адабиётлари ҳозирги давргача тұла-түкис яратылмаган. Мавжудлари эса, бириңчидан, фаннинг айрим соҳаларига бағишлиланган, иккінчидан эса маънавий эскирган. Жумладан, 5440500 – География олий таълим йұналиши бүйича намунавий үқув режасида “География фанининг асосий муаммолари” үқув фаны IV босқич талабаларига иккиге бўлиниб (табиий ва иқтисодий-ижтимоий география тарзида) үқитилади. Шундан иқтисодий-ижтимоий географияни асосий муаммолари бўйича А.Солиев, Л.Қаршибоева (1999) ва А. Солиев, Р. Маҳамадалиев (2002) томонидан ёзилган үқув құлланмалари мавжуд. “Табиий географиянинг асосий муаммолари” үқув фаны бўйича эса ҳанузгача ўзбек олимлари томонидан дарслік у ёқда турсин, бирорта үқув құлланма ҳам яратылган әмас. Собиқ Иттифоқ даврида рус олимлари томонидан ёзилган үқув адабиётлари эса бириңчидан,

маънавий эскирган, иккинчидан, мазкур адабиётлар ўз моҳияти билан асосан Россия ҳудуди ва табииати мисолида битилган.

“География фанининг асосий муаммолари” номли мазкур ўқув қўлланма қўйидаги илмий-услубий асосларга эга:

1. Намунашвилик ўқув режада табиий географияга тегишили бўлган 20 соатли маъруза соатларини инобатга олган ҳолда 10 та мавзу ташлаб олинди.

2. Ёритилган мавзулар тор(асл) маънодаги, яъни комплекс географик мазмундаги энг долзарб муаммоларга бағишланган.

3. Ўқув қўлланмани умумгеографик маънода номланишига асосий сабаб ёритилган 10 та мавзудан 8 таси умумгеографик мазмунга эга, қайсики бу мавзулар бир қарашда табиий географияга тегишилидек кўринса-да, моҳиятига кўра ҳам табиий, ҳам иқтисодий-ижтимоий географияга тегишилдири.

4. Мавзуларни ёритища географик қонуният, ғояларни кундалик амалиёт билан боғлаш имкониятларига ургу берилди. Чунки яхши назария амалиётни самарали ташкил қилиш қалитидир.

5. Фалсафий-диалектик қонуниятлар, категориялар барча фанларнинг ривожланиши учун методологик қуролдир. Шу боис фалсафа фани билан географиянинг узвий боғлиқлиги, айниқса, географик тадқиқотларда диалектик мантиқ асосида ёндашиш зарурлигига эътибор қаратилди.

6. “Тизимли ёндашувсиз география фани йўқ”. Бу муаллиф учун асосий таянч ғоя. Барча мавзуларда географ-тадқиқотчи қайси мавзуга қўл урмасин, умумгеографик синтезга интилиши стратегик йўл эканлиги қайд қилинди.

7. Муаллифнинг 44 йил давомида (шундан 23 йил кафедра мудири сифатида) Бухоро давлат университетида

орттирилган илмий-педагогик тажрибалари, айникса, унинг учун қадрли булган ЎзМУ географ-олимлари билан илмий-педагогик ҳамкорлиги ушбу кўлланмани ёзиш имкониятларидан бири бўлди.

Қайд қилиш жоизки, география- кўп қиррали мажмуали фан. Унинг тор (асл) маънодаги, яъни комплекс мазмундаги муаммолари жуда кўп. Уларни битта китобда жамлашнинг имкони йўқ. Бундан ташқари, географияга тегишли кент маънодаги тармоқ фанларнинг муаммолари эса сон-саноқсизdir. Уларни замонавий талаблар асосида ёритиш навбатда турган вазифалардандир.

Қайд қилиш жоизки, комплекс мазмундаги муаммолар хақида ёзиш жуда қийин. Чунки географик тизимлар ута мураккаб тузилишга эга. У жонсиз, жонли табиат ҳамда иқтисодий-ижтимоий борлик билан ўзаро боғланган, бир бутунликдан иборат. Мазкур тизимли тузилмаларни ўрганиш тизимили ёндашувни, аникроғи, умумгеографик синтезни талаб қиласи. “Географик синтез географик тадқиқотларнинг олий босқичи. Бу эса жуда қийин”, -деб ёзган эди машҳур иқтисодий географ Ю.Г.Саушкин (1980, 206-бет). Шу боисдан бўлса керак республикада география фанининг асосий муаммоларига бағищланган ўкув кўлланмалар, дарсликлар йўқ хисобида.

Сизга ҳавола этилаёттан мазкур ўкув кўлланма албатта камчиликлардан холи эмас. Бу ўринда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Бўрибой Аҳмедовнинг қуйидаги фикрларини келтириш кифоя: “Ҳар қандай илмий тадқиқот, тадқиқотчи илмининг даражаси, унинг назарий ва амалий савиясига, ахборот берувчи манбанинг тўлалиги, сифати ва сонига ҳам боғлик бўлади. Шунинг учун ҳам юз фоиз тўла, мукаммал ва тамоман хатодан холис китобнинг узи бўлмайди” (1994, 6-бет). Ушбу хикматомуз

фикр сизларга ҳавола қилинаётган ўқув қўлланмага ҳам тўла тааллуқлидир. Мутахассисларнинг қўлланма шаънига билдирилган холисона танбех, камчилик ва истакларни муаллиф қабул қиласи ва уларга ўз миннатдорчилигини билдиради. Муаллифда ушбу ўқув қўлланмани ўқув дарслиги даражасига етказиш ниятлари ҳам бор.

Қўлланманинг масъул муҳаррири, тақризчиларига ва ушбу китобни яратилишида ўз маслаҳатлари ва қўмагини аямаган, ЎзМУ география факультети, қуруқлик гидрологияси кафедрасининг мудири, г.ф.д., профессор Ф.Х.Ҳикматовга ва БухДУ фалсафа кафедрасининг мудири, ф.ф.н., доцент Р.Ў.Шокировга ҳамда мустақил изланувчи Г.С.Ҳалимовага муаллиф ўзининг самимий миннатдорчи-лигини билдиради.

1 - мавзу: ФАН, ФАНШУНОСЛИК. ГЕОГРАФИЯНИНГ ФАНЛАР ТИЗИМИДАГИ ҮРНИ

1. Фан ҳақида түшунча.
2. Илмий мактаблар.
3. Фаншунослик ва у билан боғлиқ илмий муаммолар.
4. Географиянинг фанлар тизимидағи үрни.

Фан – борлық олам ҳақидағи чин (объектив) билимлар тизими, ижтимоий онг шаклларидан бири. У катта ва юксак илмий салохиятни, ижодий күч-кувватни бирлаштиради, илмий дунёкарашни шакллантиради, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ва маңнавий барқамол инсонни тарбиялашнинг илмий асосларини яратади. У мамлакатда құдратли илмий-интеллектуал жамоани яратышга хизмат килади. Фан ижтимоий ҳаётнинг энг мураккаб ва юксак ақлий меңнат талаб қиласынан нуфузли соқасидир.

Тарихий-ижтимоий тараққиёт давомида фан жамияттинг ишлаб чиқариш күчларига айланиб боради. Фан тараққиёт пойдевори сифатида жамиятта хизмат килади.

Инсон үз кузатышлари ва ҳаёттің тажрибалари асосида үзини үраб турған табиат, борлық олам ва унда содир бұладын ҳодиса ва жараёнлар ҳақида маңлум даражадаги билимга эга булади. Вақт давомида бу билимлар тобора кенгайиб ва такомиллашиб боради. Нихоят, борлық ҳақида одамларда илмий түшүнча ва дунёқарааш шаклланади. Файласуфлар дунёқараашни уч шаклға ажратадилар. Булар мифологик (афсонавий), диний ваnihоят илмий-фалсафий Демак, ҳаёттің билимлар ижтимоий тараққиёт туфайли илмий мазмунға эга булиб боради Билим борлық, дунё ҳамда муайян сохаларга оид умумий түшүнчалардир. Илм әса, үқиши-урганиш ва тадқиқот, таҳлил этиш билан

эришиладиган билимдир. Билим кенглиги, илм эса чуқурлиги билан фарқ қиласи, деган тушунчалар бор. Илм – тартибга солинган билимдир, деган эди машхур инглиз файласуфи ва социологи Г.Спенсер (1820-1903).

Фаннинг илк куртаклари кишилик жамиятининг шакланиши билан пайдо булган. Фанларнинг шакланиши ва ривожланиш ўочиги “Кўхна дунё”, яъни Юноистон, Ўрта дengиз соҳиллари эканлиги илмий жамоатчилик томонидан тан олинган. Дастлабки, антик даврда барча фанларга тегишли булган билим ва илmlар фалсафа таркибида булган.

Табиат, жамият ва маънавият ҳақидаги илмларнинг такомиллашуви туфайли алоҳида фан соҳаларининг пайдо булиши рўй беради. Фанларни алоҳида соҳаларга ажратишга (классификациялаш) эҳтиёж туғилади.

Такомилнинг чеки йўқ булганидек, борлиқни билиш узлуксиз жараёндир. Натижада изланишлар боис, янти билим ва гояларнинг яратилиши ва ниҳоят янги фанларнинг келиб чиқиши рўй беради. Шу боис барча фанларнинг “отаси” булган фалсафадан янги фанларни бирин-кетин ажралиб чиқиши содир булган. Файласуфларнинг таъкидлашича, милоддан аввалги I-II ва милоднинг I-II асрларида математика, геометрия, астрономия, X-XIV асрларда геология, геодезия, тиббиёт, фармакология, XV-XVI асрларда механика, XVI-XVII асрларда физика, кимё, биология, XVIII-XIX асрларда эса гуманитар ва ижтимоий фанлар мустақил фан сифатида ажралиб чиқкан (Фалсафа. 1999). XX асрнинг 90-йилларида 2000 дан ортиқ фан ва уларнинг соҳалари мавжудлиги расмий адабиётларда қайд қилинган. Фанларнинг табакаланиши бундан кейин ҳам давом этаверади.

Лекин, қайд қилиш жоизки, борлық олам бир бутун. У модда, энергия ва ахборот алмашинуви туфайли мустаҳкам боғланган яхлит тизимдан иборат. Уни үрганиш учун ҳам тизимли ёндашув асосида иш курадиган ягона фан булиши керак. Квант назариясининг асосчиси М.Планк 1966 йилда: “Фан бу ички бир бутунликка эга. Уни турли фанларга ажратиш ички табиатидан эмас, балки инсоннинг билиш қобилиятининг чекланганилигидандир”, –деб таъкидлайди (Жекулин, 1989, 7-бет). Аникроқ қилиб айтганда, фанлар уртасида кескин чегара йўқ. Ҳар бир фан ўз усули, ёндашувлари асосида борлиқни турли томондан үрганади. Ҳар бир фан ўзининг методологияси, үрганиш обьекти, предмети ва усулларига эга. Фанларнинг тобора табақаланиши тухтатиб бўлмайдиган диалектик жараёндири. Бу ўз навбатида борлиқ дунёни янада чуқурроқ билиш имкониятини беради. Шунинг билан бир қаторда фанлар томонидан қўлга киритилган ютукларни: синтез қилувчи, умумлаштирувчи, холосаловчи фанлар ҳам зарур. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий муаммоларни бирорта фан доирасида ҳал қилиб бўлмайди. Бу уринда фанлар, интеграциясини таъминловчи фанлар булиши зарур. Бундай фанлар энг аввало, табиат ва жамият муносабатларини оқилона ташкил қилиш ва уларни илмий бошқариш асосларини ишлаб чиқиш учун хизмат қиласи. Мазкур тоифага “фанларнинг отаси” фалсафа ва унинг багрида шакланган синергетика киради. География ва умумий экология фанлари ҳам ўзига хос интеграцион қудрати билан ажралиб туради. Ҳар қандай фан назарий ва амалий аҳамиятта эга. Назария бу тадқиқотлар асосида аниқланган қонуниятлар, тамойил ва концепциялар бўлиб, кундалик амалиёт учун илмий-назарий асос бўлиб хизмат қиласи. “Амалиёт учун яхши назариядан кура афзалроқ нарса йўқ”,

-деган эди ўз вақтида инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон (1561-1626).

Яхши назария кундалик амалиёт учун методологик асос бўлиб хизмат қиласи ва амалиётнинг самарадорлигини таъминлайди. “Ҳар қандай амалий фаолият мустаҳкам илмий назарияга асосланмаса, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин” (“Қомусий луғат”, 2004, 389-бет). Амалиётсиз фан қуруқ сафсатадир. Фаннинг бош мақсади кишиларнинг фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилишдир. Бу борада машҳур етти Пирларнинг бири бухоролик Ҳазрат Сайид Амир Кулолнинг (1287-1370) “Илм амал билан булгандагина хазинага айланади. Билимсиз амалиёт кўп ранж келтиради” деган хуласалари инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир (Ҳасанов, Наврӯзова, 2003, 24-бет).

Фанларни, илмий дунёкарашни ривожланиш жараёни ва унинг йўналишлари турии жойларда турлика кечган. Улар ҳар доим ижтимоий талааб ва яратилган шароитга мос ҳолда ривожланиб такомиллашиб келган. Тарихий даврлар мобайнида давлат раҳбарлари раҳнамолигида турли давр ва ҳудудларда ташкил қилинган илмий марказлар (академиялар) фаолият курсаттилиги ҳаммага маълум. Ҳар бир фаннинг ривожланиш тарихи таҳлил қилинар экан, бу мураккаб бўлган жараёнда айрим истеъоддли, ташкилотчи, ташаббускор, илмпарвар, устоз олимлар яратган илмий жамоа ва уларнинг илмий ютуқлари кўзга ташланади (кушимчага қаранг).

Академия, илмий марказ, жамиятлар одатда олий уқув ўртлари бағрида шаклланган, бундай илмий жамоаларнинг айримлари илмий мактаб мақомини олиш даражасигача етиб боради. Илмий мактабларнинг шаклланиши ва равнақ топиши учун, энг аввало, қуйидаги шарт-шароитлар бўлиши лозим:

. борликни ва мавжуд муаммоларни ўрганишга бўлган ижтимоий талабнинг мавжудлиги. Фан эса ўз навбатида доимо илгарилаб, ривожланиб боради, бу унинг ички конуниятидир;

.фанинг ривожланиши учун яратилган илмий мухит, эркин рақобат, холисоналик, жамоанинг ижод қилишга “тортиш кучи”, жуда қулай психологик мухит, шароит;

.юксак ақлий қудратга эга бўлган, ташаббускор, меҳнатсевар, талабчан, инсонпарвар, янгиликларга интигувчи етакчи илмий раҳбарнинг булиши,

.илмий жамоанинг замон талабларига жавоб берадиган, дастурга ва уни амалга ошириш учун истиқболли методологик ва услубий имкониятларга эга булиши;

.килинган меҳнатнинг рағбат топиши шароитлари.

Алоҳида фанлар буйича яратилган илмий мактабларнинг етуклиқ даражаси ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари тула ишлаб чиқилмаган.

Шундай бўлса-да, тўла шаклланган илмий мактаблар куйидаги асосий тамойилларга муносиб булмоғи лозим:

1.Илмий мактабнинг манзили, шаклланиши ва вояга этишига имкон берган илмий ташкилот, марказ аниқ бўлмоғи лозим.

2.Илмий мактабнинг асосчиси ёки асосчиларининг ноадир иқтидори, ташкилотчилиги, инсонпарварлиги, холисоналиги, янгиликларга интилиши, юксак инсоний фазилатларга эга булиши.

3.Илмий мактабнинг ижод маҳсули, унинг салоҳияти, назарий, амалий аҳамияти, замонавийлиги ва келажак учун дахлдорлиги.

4. Илмий мактаб салоҳиятини ўз ватани ва хорижий давлат олимлари томонидан тан олингандиги.

5. Мактаб томонидан тайёрланган истиқболли кадрларнинг мавжудлиги ва уларнинг муносаб ворислиги ва бошқалар.

Илмни ҳаракатлантирувчи куч албатта ижтимоий талаб бўлса-да, лекин уни амалда бажарувчилар истеъодоли олимлардир. Олимлар ва ижод аҳлининг маҳсулдорлиги эса шахсий истеъод, ижтимоий муҳит ва илмни қадрлашишига боғлиқдир. Ҳозирги даврга қадар география фани соҳасида бир неча илмий мактаблар яратилган (қўшимчаларга қаранг).

Фаншунослик фанларнинг фани ҳисобланади. У фанларнинг вазифаси, тарихий тараққиёт қонунилари, таснифи (классификацияси), бу соҳада фаолият кўрсатувчи тизимлар, фанларнинг жамият ҳаётида туттган ўрни каби муаммоларни тадқик килувчи илмий соҳадир. Илк бор фаншуносликни, яъни уларни классификация қилишни бошлаб берган юнонистонлик олим, “биринчи муаллим” Аристотелдир (мил. авв. 384-322). У борлиқ олам, одам ҳақидаги билимларни таҳлил қилиб, уларни 11 та фанга ажратади. Булар мантиқ, физика, биология (рухшунослик ҳам), фалсафа (метафизика), этика, риторика, социология, сиёsat, тарих фанлариидир (географик билимлар физика таркибида бўлган).

Фаншуносликни ривожлантиришда хорижий олимлар билан бир қаторда ўрта осиёлик олимлардан Ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Кошгарий (“Девону лугатит турк”), Абдуллоҳ ал-Хоразмийларнинг хизматлари катта бўлган.

Фаншунослик билан боғлиқ илмий тадқиқотлар кейинги даврларда тобора ривожланиб бормоқда. Коинот,

глобал экологик мұаммолар, ахборот ва замонавий технология каби устувор илмий ғыналишлар халқаро илмий мұносабатларни таҳлил қилиш ва ривожлантириш лозимлигини тақозо этмоқда.

1970 йилдан бошлаб Варшавада йилига бир марта Европа Иттифоқи Кенгашининг "Фаншунослик мұаммолари" ("Проблемы науковедения") түплами нашр этиб келинмоқда. Мазкур тадқиқотлар бошқа фанлар қатори географияға ҳам бевосита тегишилердір.

Географияның фанлар тизимидағи үрни

Юқорида қайд қилинганидек, ҳозирғи даврда фанлар одатта уч гурухга, яғни табиий, ижтимоий-гуманитар ҳамда техника фанларига ажратиласы. Дастанлабки даврлардан буён, ҳатто ҳозиргача ҳам расмий классификаторларда география табиий фанлар қаторига киритилади. Лекин география фаны таркибида иқтисодий ва ижтимоий география соҳасининг булиши унга фаншунослик нұктай назардан бошқача ёндашувни талаб қиласы Аникрок қилиб айтганда, география фаны табиий ва иқтисодий-ижтимоий мазмунта эга.

Машхур файласуф Б.М.Кедров төмөнненде амалға оширилған фанлар классификациясыда "табиий география" табиий ва техник, "иқтисодий география" эса социал фаниар тоифасыга киритилған.

Рус географ олим В.С.Жекулин (1989) география тизимидағи фанларни табиий, социал, табиий-социал (комплекс географик) ва умумгеографик ("сквозные") гурухларга ажратади.

Таныкли олим Н.Н.Баранский (1881-1963) үз өткінде география табиий ва ижтимоий фанлардың бирлаштырувчы "күпприк", деб зәтироф этганды өткізді. Ган олыш жағынан,

география мазмун-моҳиятига кўра мажмуали фан булиб, бу унинг нодир (феноменал) хусусиятларидан биридир.

А.Солиев, Р.Махамадалиевлар: “География фанлар орасида қулай “географик урин”га эга, яъни табиий ва ижтимоий фанлар киррасида жойлашган, бу унинг интеграцион салоҳиятининг кучлилигини таъминлайди. “Иқтисодий географиянинг ҳаддан ташкири “унгта” кетиши, четлашуви, унинг яқин “қариндоши” табиий географиядан шунча узоклаштирадики, бу ҳам хавфлидир. Бинобарин, иқтисодий географ бир қули билан қушни, кирравий йуналишларга интилса, иккинчиси билан албатта табиий географияни маҳкам ушлаб туриши керак”, –деб таъкидлайдилар (2002, 5-, 24-бетлар).

Бир бутун география деган ғоя билан яшаган Н.Н.Баранскийнинг шогирди В.А.Анучин (1913-1984) география фанининг ўрганиш обьекти жуда мураккаб, яъни уни ҳудудий комплекслар хақидаги фан деб аташ мумкин. Шу боисдан географик тадқиқотлар турли сифат моҳиятига эга бўлган туртта қонуниятларни ўрганади:

- жонсиз табиатнинг ривожланишини белгиловчи қонуниятларни (булар физика-кимё фанларига тегишли);
- жонли табиатга тегишли бўлган қонуниятларни (булар биология фанларига тегишли);
- инсоният жамияти ривожланишини белгилайдиган қонуниятларни (буларни ижтимоий фанлар ўрганади);
- география – географик мухитнинг ривожланиш қонунларини.

Бу қонулар географияни фалсафа билан бевосита бўлайди. Мазкур кўп киррали ва ўта мураккаб масалаларни ўрганиш жараёнида география фанининг кучлилиги ва кучсизлиги намоён бўлади. Кучлилиги шундаки, у турли

фанларга тегишли маълумотларни синтез қилиш орқали географик қобиқни ташкил қилган худудий комплексларни ўрганадики, бунга бошқа фанларнинг имкони йўқ. Кучсизлиги шундаки, бошқа фанларга тегишли маълумотлардан фойдаланиш натижасида баъзан географияни тарк этиб, ёндош фанларга ўтиб кетишга, тадқиқотларнинг географик мөхиятини йўқотишга тўғри келади (Анучин, 1960, 142-бет).

В.А.Анучин, 1960 йилларда географиянинг табиий ва ижтимоий фанлар ўртасидан жой олганлигини тан олиш керак, шу боисдан фанларнинг янги такомиллашган класификациясини ишлаб чиқиш зарур, бу эса фалсафанинг энг долзарб вазифаларидан биридир, –деб таъкидлаган эди (1960, 141-бет). Лекин, бир бутун география учун курашиб, яшаб ўттан олимнинг орзуси ҳанузгача ушалмай келмоқда.

Юқорида кайд қилинганидек, биз яшаб турган борлик, макон аниқроғи табиат ва жамият модда, энергия, ахборот алмашинуви туфайли бир бутун ва ўта мураккаб тизимдир. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шундай экан, табиат ва жамият муносабатларини худудларда ўрганиш ва уларни самарали ташкил қилиш умумгеографик синтезни талаб қиласи. Бу география фанининг “нони” ва асосий тадқиқот усули бўлмоғи лозим. Жамиятни худудларда оқилона ташкил қилиш ва уни такомиллаштириб борища география фанлар орасида фалсафа фани каби юқори нуфузга эга бўлмоғи зарур.

Таянч тушунчалар:

Фан, борлик олам, билим, илм, фалсафа, файласуф, антик давр, “Кухна дунё”, илмий мактаблар, академиялар, фаншунослик, табиат-жамият муносабатлари.

Назорат учун саволлар:

1. Фан ва унинг мазмун-моҳияти.
2. Билим ва илм тушунчаларининг яқинлиги ва фарқланиши.
3. Фанларнинг ривожланиши.
4. Илмий мактаблар нима?
5. Фан ва амалиёт.
6. Фаншунослик ва унинг моҳияти.
7. Фанлар классификацияси.
8. Географиянинг фанлар орасида туттган ўрни.
9. География фанининг асосий вазифаси.

1-қўшимча.

Академиялар – илмий мактаблар

Академия – юонча Academia – афсонавий қаҳрамон Академ номи ҳамда Платон (мил.авв. 427-347 йиллар) ўз таълимотидан дарс берган, Афина яқинидаги кичик ўрмон номидан олинган.

Хозирги кунда Академия – илм-фан ёки санъатни ривожлантириш учун тузилган, юқори малакали олимларига эга бўлган олий илмий муассаса.

Тарихий давларда, тури масканларда бир неча академиялар фаолият курсаттан. Шулардан айримларини келтирамиз:

1. Платон академияси. Юон олими Платон (Афлотун) асос солган файласуфлар мактаби. У милоддан аввалги 385 йил атрофида Афинада ташкил килинган ва милоднинг 1521 йилигача унинг аъзолари тури жойларда диний-фалсафий муаммолар билан шугулланганлар.

2. Халифа Хорун ар-Рашид (786-809) ва унинг тахт вориси Халифа ал-Маъмун (813-833) даврида Бағдодда ташкил топган “Байт ал-Ҳикма” (“Ҳикматлар уйи”) ўз

замонасининг академияси бўлган. Бу машхур академияда 500 дан ортиқ олиму фузалолар фаолият курсатган. Шуларнинг 90 фоизи Мовароуннаҳр ва Ҳурсондан бўлгэн. Шу олимларнинг 75 фоизи Мовароуннаҳр, аниқроғи, Бухоро, Урганч, Самарқанд ва Чоч (Тошкент) фарзандлари бўлган. “Маъмун академияси асосини Бухородан етишиб чиқкан олиму фузалолар ташкил эттан” (Асқаров, 1996).

3. X асрнинг биринчи ярмида Ироқнинг Мосул шахрида “Дорул-илем”, яъни “Илм уйи” фаолият курсатган.

4. 1010 йили Хоразмнинг қадимги пойтхати Гурганжда ташкил топган “Донишмандлар уйи” узига хос академия бўлган. Бу илмий муассаса Маъмун академияси номи билан машҳур бўлган. Унут бўлган бу академия Мустакиллик туфайли 1997 йилда қайта тикланди. Хива шаҳрида фаолият кўрсатаётган юксак нуфузга эга бўлган бу илмий марказ давлатчилик тарихи, биологик муаммолар, миллий қадрияtlар каби йуналишлар бўйича фаолият курсатмоқда.

5. XV асрда Самарқандда Улугбек академияси шуҳрат топган. Ёзувчи, файласуф Ф.М.Вольтер (1694-1778) Улугбек Самарқандда биринчи академияга асос солди, деб ёзган эди (1769). Бунда 100 дан ортиқ олимлар ишлаган. Президенти Улугбек бўлган (1394-1449). Фиёсиддин Жамшид Қозизода Румий, Али Кушчи унинг вице-президентлари бўлганилар (Ахмедов, 1994, 142-бет).

Улугбек 1437 йили “Зижи жадиди Қурагоний”ни ёзib тутатган. Унда 1018 юлдузнинг урни ва ҳолатини аниқлаб берган. Унинг иккинчи асари –“Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”).

2 - қүшимча.

Географик илмий мактаблар

Ф.Н.Мильков (1981) табиий география соҳасида учта йўналишга тегишли бўлган қуидаги етакчи илмий мактаблар яратилганлигини қайд қиласди:

I. Баённомаларга бағишланган етакчи географик мактаблар

1. П.П.Семёнов-Тяншанскийнинг (1827-1914) комплекс география мактаби. Ушбу мактабнинг вакиллари Н.Н.Миклухо-Маклай, Н.М.Пржевальский, М.В.Певцов, Г.Н.Потанин, В.И.Роборовский, П.К.Козлов, А.П.Федченколар.

2. Д.Н.Анучиннинг (1843-1923) география мактаби. 1884 йилда у биринчи булиб Москва давлат университетида география кафедрасини ташкил қилган. У 1894 йили “Ершунослик” журналига асос солади. Унинг ўқувчилари: Л.С.Берг, А.А.Борзов, А.А.Крубер, А.С.Барков, И.С.Шукин.

3. Б.Ф.Добрининнинг (1885-1951) табиий мамлакатшунослик мактаби. Ўқувчилар Н.А.Гвоздецкий, Е.Н.Лукашова, Ю.К.Ефремов, М.П.Забродская.

II. Ландшафт йуналишидаги етакчи илмий мактаблар

1. В.В.Докучаевнинг (1846-1903) умумландшафт йуналишидаги мактаби. У географик мухитнинг бир бутунилиги ва зоналлиги қонуниятларини кашф қилган. Ушбу мактабнинг етук вакиллари: А.Н.Краснов, Г.И.Танфильев, Г.Н.Высоцкий, Г.Ф.Морозов, С.С.Неуструевлардир.

2. Л.С.Бергнинг (1876-1950) ландшафт-география мактаби. Унинг таниқли шогирдлари: С.В.Калесник, С.П.Суслов, А.Г.Исаченко.

3. А.А.Григорьевнинг (1883-1968) ландшафт-геофизика мактаби. Унинг шогирдлари: Г.Д.Риттер, М.И.Будико, Д.Л.Арманд, В.И.Прокаев.

III. Биогеографик йұналишдаги етакчи илмий мактаблар

1. А.Н.Бекетовнинг (1825-1902) ботаника-география мактаби. 2. Н.И.Кузнецовнинг (1864-1932) ботаника-география мактаби. 3. В.Н.Сукачевнинг (1880-1967) биогеоценология мактаби. 4. Л.А.Зенкевичнинг (1889-1970) дөнгиз биоценология мактаби. 5. А.Н.Формозовнинг (1899-1974) экология-зоогеография мактаби.

Танықли иқтисодий географ Ю.Г.Саушкин (1980) собық Иттифок даврида география фаны буйича еттита илмий мактаб яратылғанын ассоциацийы. Улар күйидегилар:

1. Л.С.Берг (1876-1950) ва А.А.Борзовнинг (1874-1939) табиий-географик илмий мактаби. Бу олимлар Д.Н.Анучин илмий мактабининг давомчилари болып, табиий комплексларни үрганиш, ландшафтшунослық йұналишининг ассоциилари сифатыда тан олинади.

2. Н.И.Вавиловнинг (1887-1942) маданий үсімліклар географиясы ва үсімлик ресурслари буйича илмий мактаби. Олим 1931-1940 жылдарда СССР география жамияты президенти лавозимида ишлаб, маданий үсімліклар ватанини үрганишга алохыда эътибор беради.

3. Б.Б.Полиновнинг (1877-1952) географик-геокимё мактаби. У В.И.Вернадский тәдқиқтариның давомчысы сифатыда кимёвий элементтарнинг "ҳаётини" үрганади ва ландшафттар геокимёси илмий йұналишига ассоциация.

4. В.Г.Глушков (1883-1939) ва С.Д.Муравейскийнинг (1894-1950) географик-гидрология мактаби. Олимлар дарё оқимины үрганишда комплекс ёндашув зарурлыгини амалда

асослайдилар. Уларнинг фикрича, оқим табиатнинг ривожланишида қурдатли омил ҳисобланади.

5. Ю.М.Шокалский (1856-1940) ва Н.Н.Зубовнинг (1885-1960) океанология мактаби. Тадқиқотчилар Дунё океанини ва қуруқликларни бир бутун тизим деб ҳисоблайдилар ва уларни комплекс ёндашув усули асосида ўрганишни йўлга кўядилар. Улар қуруқликларни ўрганишда табиий географик ёндашув бўлганидек, айнан уни океаншуносликда қўлаш асосида илмий мактаб яратадилар.

6. В.Н.Сукачев (1880-1967) ва Б.В.Сочаванинг (1905-1978) биогеографик мактаби. Олимлар биоценозларни ўрганишда тизимили ёндашувни амалда қўллайдилар. В.Б.Сочава узоқ йиллар давомида Сибирь ва Узоқ Шарқ География институтини бошқаради (Иркутск). Олим география ва экология фанларнинг узвий баглиқлиги ҳамда геосистемалар ҳакидаги таълимотнинг асосчиси ҳисобланади.

7. Н.Н.Баранский (1881-1963) ва Н.Н.Колосовскийнинг (1891-1954) иқтисодий география мактаби. Ушбу мактабнинг илмий йўналишини қўйидагича изоҳлаш мумкин:

- . ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий тизимларини комплекс тадқиқ қилиш;
- . географик меҳнат тақсимоти иқтисодий географиянин асосий “узаги” эканлигини асослаш;
- . география фанининг бир бутунилиги ғояси асосида тадқиқотларни амалга ошириш;
- . географик таълим ва географик билимларни оммалаштириш, яъни географияни умумхалқ фанига айлантириш ва бошқалар.

Ўзбекистонда илмий географик мактабларнинг шаклланиш тарихи ҳозирги Узбекистон Миллий университетида хизмат кўрсатган географ олимлар фаолияти билан боғлик.

Мазкур университетнинг 90 йиллиги юбилейида (2008) ушбу нуфузли олий даргоҳ бағрида З та илмий географик мактаб шаклланганлиги тан олинди (жами 42 та илмий мактаб асосланган):

1. Л.Н.Бабушкин (1902-1976) ва Н.А.Когай асос солган табиий география - ландшафтшунослик мактаби. Олимлар Р.И.Аболин (1886-1929), В.М.Четиркин (1892-1958) гояларига таянган ҳолда Ўрта Осиё ва Узбекистон ҳудудини комплекс табиий географик районлаштириш масалалари билан узоқ йиллар жиддий машгул бўлдилар. Улар табиий географик районлаштиришда ландшафт-типологик карта-ларнинг тахлили асосида иш тутишган. Олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар регионал ландшафт-шуносликнинг энг катта ютуғи деб баҳоланди ва келгуси тадқиқотлар учун назарий асос булди(Зокиров, 2008) Мазкур илмий мактаб шаклланишининг дастлабки йилларида доцент Н.Д.Долимов (1906-1977), профессор О Ю Пославская (1914-1996) фаол иштирок этган бўлса, кейипчалик эса П.Н.Ғуломов (1932), А.А.Рафиков (1939-2003), И.А.Ҳасанов, Ш.С.Зокиров, А Зайнутдинов. А.Соатов (1943-2005) каби олимлар томонидан давом эттирилди ва давом эттирилмоқда (Зокиров, 2008)

2. З.М.Акрамов (1923-2004 й), А.Солиев (1943) томонидан асосланган Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси илмий мактаби. Мазкур мактаб Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) илмий жамоаси таркибида фаолият кўрсатган икки олимнинг мустақил ижоди натижасилир.

З.М.Акрамов 1953 йилда профессор Ю.Г.Саушкин илмий раҳбарлигига (Москва) помзодлик, 1962 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қиласди. 1958 йилда ЎзФА да география бўлимини ташкил этиб, уни 15 йил

давомида бошқаради. 1970-1984 йилларда ЎзМУ география факультетининг иқтисодий география кафедрасига етакчилик қиласди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1987) З.М.Акрамов 1996-2003 йилларда Ўзбекистон География жамиятининг президенти лавозимида фаолият кўрсатади. У 200 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, 20 дан ортиқ фан номзоди, 2 нафар фан докторига илмий раҳбарлик қиласган.

А.С.Солиев 1969 йилда ЎзМУнинг география факультетини туттаган. 1973 йилда номзодлик (Тошкент), 1986 йилда эса собиқ Иттифоқнинг География институтида (Москва) докторлик диссертациясини ҳимоя қиласди. 1984-2009 йилларда ЎзМУ география факультети иқтисодий география, 1998 йилдан ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт деб номланган ушбу кафедра мудири, 2003 йилдан ҳозиргача Ўзбекистон География жамияти президенти лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. А.Солиев 300 га яқин илмий ишлар муаллифи, 40 дан ортиқ фан номзодлари, 4 нафар фан докторларига илмий раҳбарлик қиласган олим. У “Чўлларни ўзлаштириш муаммолари” халкаро илмий-амалий журналнинг (Туркманистон) таҳририяти аъзоси.

Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси илмий мактаби асосан, икки йуналишга эга. Уларнинг бири агрогеографик (қишлоқ ҳўжалиги географияси), иккинчиси аҳоли географияси ҳамда шаҳарлар ривожланиши, урбанизация жарабёнлари, туризм, тиббиёт соҳаси ва олий, ўрта маҳсус мактаблар таълимиидир.

Ҳозирги кунда ушбу илмий мактаб А.С.Солиев ҳамда устозлар раҳнамолигида вояга етган шогирд-олимлар томонидан ривожланиб бормоқда (Махамадалиев ва бошқалар, 2008).

3. Тошкент тогли ҳудудлар гидрологияси илмий мактаби. Ушбу илмий мактаб ҳам ҳозирги ЎзМУда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1958), профессор В.Л.Шулық (1908-1976) ва профессор О.П.Шеглова (1911-1981) томонидан асос солинган. В.Л.Шульцнинг илмий фаолияти 1937 йилдан бошлаб университет билан бўғланди. 1945 йилда "Қуруқлик гидрологияси" кафедрасининг очилишига ташаббускор бўлади ва 1947 йилда фан доктори илмий даражаси, профессорлик унвонига эга бўлади ва 1949-1973 йиллар давомида кафедрага раҳбарлик килади. У 1959-1976 йилларда Ўзбекистон география жамиятини бошқарган 100 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, 20 дан ортиқ фан номзодлари ва докторларига илмий раҳбарлик килган.

О.П.Шеглова 1963 йилда "Ўрта Осиё дарёларининг тўйиниши манбалари ва уларни микдорий баҳолаш" мавзусида докторлик диссертациясини химоя қилган. У 1976-1981 йилларда "Қуруқлик гидрологияси" кафедрасига раҳбарлик килган ва 10 дан ортиқ фан номзодларига (шу жумладан, чет энглиш ёшлиарга) раҳбарлик килган. Бугунги кунда ушбу илмий мактабдан етишиб чиқсан олимлар Ўзбекистон Миллий университети, Гидрометеорология илмий тадқиқот институти, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Сув муаммолари институтларида ишлаб, Орол дengизи ҳавзаси сув ресурслари, жумладан музликлар, дарёлар, кўллар, каналлар, сув омборларининг гидрологик режими қонуниятларини ўрганиш ва сув захираларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича етук мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида фаолият курсатиб келмоқдалар (Хикматов, Айтбаев, 2008).

3-құшимча.

Илм ҳақида ҳикматлар

• Илм дунёning иззати, охиратнинг шарофатидир
(А. Авлоний).

• Илм – машъала!

• Илм – үзни билмақдир.

• Илм – ҳеч йўқолмайдиган буюк хазина,

Ақл ҳеч эскирмайдиган янги либосдир (Беруний).

• Илм нимадур – ҳақиқатдур,

Ҳақиқат нимадур – бори илмдур.

• Бешикдан қабргача илм изла (Хадиси Шарифдан).

• Илм – инсонийлик тожи.

• Ҳунар тирикчилик учун хизмат қиласди,

Илм ҳақиқат учун хизмат қиласди (Баҳоуддин
Нақшбанд).

• Илм лаззати ишқ лаззатидан устун.

• Бир соаттана илм ўрганиш

бир кечалик ибодатдан яхши (Хадиси Шарифдан).

• Куч – билимда (Сукрот, мил.авв. 447-399).

• Илм изловчи – ҳақиқат изловчидир.

Адабиётлар:

1. Анучин В.А. Теоретические проблемы географии. Москва, Изд-во географической литературы. 1960, 264 стр.
2. Ақсаров А. Жаҳон назари тушган шаҳар. “Бухоро ҳақиқати” газетаси, 1996, 25 сентябрь.
3. Ахмедов Б. Мирзо Улугбек (иккинчи нашри). Тошкент, “Ёзувчи”, 1994, 288-бет.
4. Жекулин В.С. Введение в географию. Ленинград, Изд. Ленинградского университета, 1989, 272 стр.
5. Мильков Ф.Н. Физическая география. Современное состояние, закономерности, проблемы. Воронеж. Изд. Воронежского университета, 1981, 400 стр.

6. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари. Тошкент, "O'qituvchi" нашриёти, 2008, 344-бет.
7. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем, будущем. Москва, "Просвещение", 1980, 269 стр.
8. Солиев А., Маҳамадалиев Р. Иқтисодий ва социал географиянинг асосий муаммолари. Тошкент, 2002, 72-бет.
9. Солиев А.С. Илмий тадқиқот асослари. Тошкент, "Университет", 2003, 51-бет.
10. Фалсафа. Қомусий лугат. Тошкент, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004, 496-бет.
11. Фалсафа. Тошкент, "Шарқ", 1999, 496-бет.
12. Философские вопросы географии. Москва, "Знание", 1974, 48 стр.
13. Ҳасанов Ҳ., Наврӯзова Г. Ҳазрат Сайид Амир Кулол. Бухоро, 2003, 39-бет.

2-мавзу: ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ, ҮРГАНИШ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ, ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Режа:

1. География фани ва унинг шаклланиш тарихи.
2. География фанининг табақаланиши ва унинг ҳозирги таркиби.
3. География фанининг ўрганиш объекти ва предмети.
4. География фанининг асосий тамойиллари.
5. География фанининг методологияси ва тадқиқот усуллари.
6. География фанининг асосий мақсади ва вазифалари.

География-энг қадимги ва истиқболли, кундалик ҳаёт билан чамбарчас боғланган фанлардан бири. "География" атамаси юонон мутафаккири Эратосфен (мил.авв. 272-194 ийллар) томонидан фанга киритилган бўлиб, юононча "ге" – ер, "grafo" – ёзман, чизаман деган маънога эга. Ҳақиқатдан ҳам, ўша даврларда географик мазмундаги билимлар кула-ми тор ва мазмунан содда бўлган. Ернинг шакли, катталиги, иқлимий шароитнинг кенгликлар буйлаб ўзгариши, Ўрта денгиз атрофидаги ҳудудлар, табиий географик ҳодиса ва жараёнилар ҳақида баённомалар ёзилган. Бу даврдаги географик билимлар даражасини академик И.П.Герасимов (1905-1985) хulosалаб "Антик даврда Ер ҳақидаги барча географик билимлардан кўра, ҳозирги мактаб ўқувчиси кўпроқ билади", деб қиёслаган эди ("Природа и человек", 1984, №11, 9-бет).

Асрлар давомида география бошқа фанлар қатори ривожланди ва кундалик ҳаёт ва жамият учун хизмат қилиб келди. Дастраслабки асрларда география эмпирик моҳиятга эга бўлиб, атроф-борлик ва унинг хусусиятлари ҳақида

байённомалар, тафсилотлар ёзиш билан белгиланган, кейинчалик эса ҳодиса, жараён ва ҳудудларнинг моҳияти ҳакида хулоса, умумлашмалар қилиш даражасига кутарилган. Нихоят, илмий-техника инқилоби туфайли география фани ишлаб чиқариш кучи сифатида кундалик амалиёт билан чамбарчас бөгланган, табиий мухит, ҳудудларни ва жамиятни самарали ташкил қилиш ҳамда уларнинг келажагини баишорат қилиш даражасига кутарилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар қатор табиий фанларга тегишли билим ва изланишлар география фани таркибида бўлган. Табиатшунос олимларнинг бир қисми илмий жамоатчилик асосида ташкил қилинган география жамиятлари таркибида фаолият курсатганлар. 1821 йилда Франция (Париж), 1828 йилда Германия (Берлин), 1830 йилда Буюк Британия (Лондон), 1845 йилда Санкт-Петербургда Россия география жамияти, 1897 йилда эса унинг Туркистон бўлимига (Тошкент) асос солинган. Мазкур жамиятлар етук, ташаббускор олимларни бирлаштирган ва ҳалқ ҳўжалигини ривожлантириш ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган изланишлар билан шуғулланган.

География фанининг ривожланишида алоҳида олим ва олимлар гуруҳининг ташаббускорлиги мухим ўрин тутган. Шу боис 1809 йилда Париждаги Сорбонна университетида география кафедраси ташкил қилинган, 1899 йилга келиб Франциянинг университетларида шундай кафедраларнинг сони бештага етган. Кўпгина университетларда география профессори лавозими жорий қилинган. 1833-1836 йилларда биринчи географ-профессор А. Маконочи Лондондаги университет коллежида фаолият курсатган. АҚШда биринчи географ профессор А. Гийот, 1854 йилдан бошлаб Принстон университетида ишлаган.

Географиядаги ушбу ижобий үзгаришлар боис таникли инглиз табиий географи Кеннет Грегори 1850 йилга келиб география фанининг пойдеворига асос солинганлигини (шу жумладан, табиий географияга ҳам) қайд қиласы (Грегори, 1988, 26-бет).

XIX асрнинг биринчи ярмида табиатта бир бутун борлик сифатида қарашиб инқизаттағы учрайди, яъни табиатшуносликка тегишли билимларни үз бағрида мужассам қилиб турған географиядан фанларниң ажралиб чиқиши рўй беради.

Бу жараён туфайли XIX асрнинг охирига келиб география фани яққол инқизаттағы юз тутади ва уни таркибида бўлган ботаника, зоология, тупроқшунослик каби фанлар мустақил фан сифатида ривожланиш йўлига киради. География фанида рўй берган бундай үзгаришларни машҳур тупроқшунос В.В.Докучаев кузатар экан у “география турли томонга тарқалиб кетмоқда, лекин табиий фанлар кўлга киритаётган ютуқлар ва үзгаришларни синтез қилувчи, умумлаштирувчи (жуда қизиқарли) фан бўлиши керак”, деган гояни ўртага ташлайди. В.В.Докучаевнинг айнан мазкур орзуси география фанининг келажагини белгилаб беради. Чунки В.В.Докучаевнинг фаншуносликка тегишли бу башорати моҳиятан мажмуали ёндашув, яъни синтез асосида иш тутадиган география фанининг истиқболдаги ривожланиши йўлини очилишига туртки булди. Шу боис В.В.Докучаевнинг замондоши ва фикрдоши Л.С.Берг (1876-1950) В.В.Докучаевни ландшафт ҳақидаги таълимотнинг бошловчиси ва ҳозирги географиянинг асосчиси деб тан олади (Исаченко, 1991, 33-бет).

XX асрнинг бошларида географик тадқиқотларнинг жадаллашуви географияда янги, айниқса, иқтисодий географияга тегишли йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб

келди. 1930 йилларга келиб эса табиий ва иқтисодий география ўртасида айирмачилик, қарама-каршиликлар юкори поғонага чиқади ва бу жараён 1960 йилларнинг охиригача давом этади. Бу даврда фаолият ғурсаттан йирик иқтисодий географлардан Н.Н.Баранский, Н.Н.Колосовский, Ю.Г.Саушкин, айниқса, В.А.Анучин (1913-1984) география фанининг бирлиги, яхлитлиги учун кескин кураш олиб борадилар (Богучарсков, 2004, 424-440-бетлар).

Шунга қарамасдан, кейинги даврларда географик тадқиқотлар икки – табиий ва иқтисодий география мазмунидаги давом этиб келди. Шу билан бир қаторда, ҳар иккала соҳада ҳам янги илмий йўналиш ва фанларнинг пайдо булиши юз берди. Ҳозирги даврда география фани 20 дан ортиқ фан ва йўналишлардан иборат бўлган фанлар тизимидан иборат.

Географияга тегишли фанлар тизимининг чизма тасвири бир неча олимлар томонидан тавсия этилган. Шулар орасида А.Нигматов (2010) томонидан тавсия этилган чизма эътиборга лойик. Бунда географиянинг ёндош фанлар билан узвий боғлиқлиги якъол ўз ифодасини топган. Лекин бу чизмада география фанига бевосита тегишли бўлган айрим фанлар ўз аксини топмаган. Биз география тизимидағи фанларни ҳамда уларни бошқа ёндош фанлар билан ўзаро боғлиқлигини эътироф қилган ҳолда география тизимидағи фанларни куйидаги соддалаштирилган чизмада ифода этишни лозим топдик (1-чизма).

Ҳозирги даврда география фанлари асосан иккита – табиий география ва иқтисодий география бўлимидан иборат. Табиий географик фанларга умумий Ер билими (умумий табиий география), ландшафтшунослик, палеогеография, иқлимшунослик, геоморфология (геология асослари билан), гидрология (куруқлик гидрологияси, океанология), тупроқлар, үсимликлар ва ҳайвонот географияси

кабилар киради. Булар үз навбатида моҳиятига кўра тор (асл) ва кент маънодаги фанларга бўлинади. Тор маънодаги фанларга комплекс (мажмуали) асосда иш тутадиган ва мажмуали мазмунга эга бўлган: умумий Ер билими, минтақавий (регионал) табиий география, ландшафтшunoslik, палеогеография кабилар киради. Қолган табиий географик фанлар эса аналитик ёки тармоқ табиий географик фанлар тоифасига киради (кўшимчаларга қаранг).

Иқтисодий-ижтимоий география бўлимida ҳам ўнга яқин фанлар мужассам. Ушбу бўлимга яна шахарлар географияси, иқтисодий-ижтимоий мажмуалар географияси каби йўналишларни ҳам киритиш мумкин. Географиянинг юқорида қайд қилинган икки қисмдан (қаноти) ташқари оралик фанлар ҳам бор. Бу фанлар географиянинг ҳар икки қанотига бевосита тегишли бўлиб, умумгеографик мазмунга эга. Ушбу соҳадаги тадқиқотларда гоҳ табиий, гоҳида эса иқтисодий географларнинг етакчилик қилаётганилиги кўзга ташланади. Оралик фанлардан картография, топонимика, туризм ва дам олиш географияси, тиббиёт географияси, геоэкология, география таълими методикаси каби соҳаларда олиб борилаётган тадқиқотлар нисбатан сезиларли ва эътиборга лойик.

Хуллас, бугунги кунда география ҳам табиий, ҳам иқтисодий-ижтимоий мазмунга эга бўлган мажмуали фандир. Бу эса үз навбатида хоҳлаган муаммони ҳал қилишда мажмуали (комплекс) ёндашувни талаб қиласди. Акс ҳолда бирёқламаликка йўл қўйилади ва география фани үз моҳиятини йўқотади. Шу боис географ кенг мушоҳадали, табиий, ижтимоий-гуманитар билимлар асосини биладиган, фалсафий синтез қобилиятига эга бўлган мутахассис бўлмоғи лозим.

ГЕОГРАФИЯ ТИЗИМИДАГИ ФАНЛАР



“Географ бўлиш осон, лекин ҳақиқий географ бўлиш қийин” деган ҳикматомуз иборанинг мохияти чуқур маънога эга. Чунки “қаерда?” деган саволга жавоб бериш осон, лекин “нима сабабдан шу ерда?” деган саволга жавоб бериш эса мушкулдир.

География фанининг ўрганиш обьекти ва предмети ҳақида жуда кўп фикрлар бор. Баъзи олимлар унинг ўрганиш обьекти “географик қобик” деса, бошқалари атроф мухитнинг ҳудудий муаммолари деб талқин қиласди (кўшимчага қаранг). Бундай хуласалар ўзига хос асосларга эга. Лекин жамиятнинг, кундалик ҳаётнинг бош талаби нима? Бу ҳудудларда инсон учун қулай табиий ва иқтисодий-ижтимоий, сиёсий мухитни оқилона ташкил қилишдир. География фанининг ўрганиш обьекти турли кўламдаги ҳудудлардир. Ҳар бир ҳудуд бир дунё, географик воқеликдир. Ҳудудлар эса ўз мохияти билан фарқланади. География фанининг вазифаси мазкур ҳудудлардаги фарқланишлар мохиятини очиб бериш ва уни хисобга олган ҳолда иқтисодий-ижтимоий ҳаётни яхшилашнинг илмий асосларини ишлаб чиқишидир.

Географик тизимлар катта-кичиклигига қўра маҳаллий, минтақавий, дунёвий мақомга эга. Мазмунига қўра табиий, иқтисодий-ижтимоий, ҳудудий-маъмурий, сиёсий-маъмурий (миллий) бўлиши мумкин. Табиий геотизимларни табиий география, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маъмурий геотизимларни эса иқтисодий география ўрганади. География фанининг бош мақсади эса, ҳудудларни оқилона ташкил қилишни такомиллаштиришдир.

География фанининг ўрганиш предмети эса ўрганилаётган ҳудуднинг нимаси, қайси жиҳати ўрганилади демакдир. Бошқача қилиб айтганда, изланишлар олдига қўйилган вазифалар унинг предмети хисобланади. География фани

турли күламдаги худудларни (геотизимларни) ўрганиш давомида қўйидаги тамойилларга таяниши ва унга амал қилиши шартдир.

1. Худудийлик тамойили. Ҳар бир ҳудуд ўзига хос воқелиқдир. Ҳар бир ҳудуд бошқасидан ўзининг табиий, иқтисодий-ижтиомий ҳусусиятлари билан бошқа жойлардан фарқланади. Кўлами катта бўлган ерларда эса фарқланиш ортиб боради. Ҳудуднинг табиий ҳусусиятлари фарқланар экан, унинг бағрида бунёд этилган иқтисодий-ижтиомий тизимлар ҳам фарқланади. Ушбу фарқланишларни тўлигича бартараф қилиб бўлмайди. Мазкур фарқланишларни ўрганиш ва уларнинг моҳиятини очиб бериш география фанининг "нони"дир, акс ҳолда география фани бўлмас эди. Шу боис ҳудудий ёндашувсиз география фани йўқ, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

2. Мажмуалилик ва синтезлилик тамойили. Бу ҳудудий муаммоларни ҳар томонлама ўрганиш демакдир. Ҳар бир ҳудуд уни ташкил қилган унсурларнинг модда, энергия ва ахборот алмашинуви туфайли бир-бири билан боғланган бир бутун геотизимдир. Демак, геотизим мураккаб тузилишга эга бўлган географик борлиқдир. Уни ўрганиш ҳам мажмуали ёндашувни талаб қиласи. "Тизимли ёндашувсиз география йўқ", десак тўғри бўлади, акс ҳолда тадқиқотлар географик моҳиятини йўқотади ва бир ёқламаликка йўл қўйилади. Мажмуали ёндашув ҳудуднинг геологиясидан тортиб маънавиятигача, ҳатто келажак ривожланишигача бўлган муаммоларни қамраб олади ва синтез асосида якуланади. Шу боисдан ҳам "география – ҳудудлар фалсафаси", деган холосага келиш бежиз эмас (Назаров, 2006).

Худулийлик, мажмуалийлик ва синтезлийлик географиянинг бошқа фанларда бўлмаган нодир хусусиятларидан хисобланади.

3. Тарихийлик тамойили (Бу ўринда худуднинг палеогеографик ривожланиш тарихи ҳам кўзда тутилади). География заминни урганса, тарих замонни урганади. Замину замон эса қўш бирликни ташкил қиласди. “Тарих – ўттан кунлар географияси, география эса бугунги куннинг тарихидир” деган хикматли ибора бор. Худудлар ҳам тарихий давр давомида ўзгариади. Табиатда тиним йўқ. Бу диалектик қонун. Табиат доимо ҳаракатда, ўзгаришда, ривожланишда. Тарих – ўтмишнинг ойнаси, келажакнинг устозидир, дейилади. Машхур палеогеограф, академик К.К.Марков: “Географлар ўтмишни ҳозирги давр учун урганади, геологлар эса ўтмиш учун урганади” ёки “Ер юзасининг ўтмиши географлар учун, унинг ҳозирги манзарасини билиш учун калитдир”, –деб таъкидлаган эди (Марков, 1986, 114-115-бет.)

Масалан, Зарафшон дарёсининг дельтасида жойлашган чул-яйлов ландшафтларининг асосий майдонлари қум-чагилли аллювиал ётқизиқларидан иборат. Булар қуйи, ўрта ва қисман юқори туртламчи даврда тўпланган. Ҳозирги кунда бу ерларда Палео-Зарафшон тармоқларининг қурук ўзанлари сақланиб қолган, холос. Мазкур палеогеографик ҳақиқатни билмай туриб ушбу ландшафтлар негизини ва келажагини башорат қилиб бўлмайди. Худди шундай тарихий ёндашув иқтисодий-ижтимоий тизимларни ўрганиш ва уларни оқилона ташкил қилиш учун ҳам зарур. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деган иборанинг моҳияти ҳам шу холосани тақозо қиласди.

4. Экологик тамойил. Экология атамаси ilk бор 1866 йилда немис зоологи Эрнест Геккель томонидан фанга

киритилган булиб, дастлаб бу атама физиологик мазмунга, яъни тирик организмлар билан муҳит ўртасидаги муносабатларни билдирган. Утган асрлар давомида ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти такомиллаши, ўзгарди ва ижтимоийлашиб келди. Ҳозирги даврда экология кўп тармоқли, мажмуали фанга айланди. Ҳар бир фан мутахассиси ўз соҳасининг экологидир. Бу уринда географ – ҳудудлар экологи деса, уринли булади. Одатда ҳудудлар маҳаллий, минтақавий, глобал, маъмурий, миллий қуламда ва мазмунда булади. Бунда географиянинг мажмуали фан эканлиги ва мажмуали, синтезли ёндашув усуллари аскотади. Ҳудудлар доирасида олиб борилган географик тадқиқотлар экологик чиғириқдан ўтказилмоғи лозим. Бундай тадқиқотлар бевосита геоэкологик тадқиқотлар сирасига киради. Ҳудудлар ёки геоэкологик тадқиқотлар ҳудудни ташкил қилган табиий ва иқтисодий-ижтимоий компонентлар ва энг асосийси инсон манфаатларига қаратилмоғи лозим. Ҳудудларда соғлом муҳит яратилас мас экан, ундаги борлиқни асл ҳолда асрраб-авайлаб бўлмайди.

5. Тасвирийлик ёки картографик тамойил. Ўз вақтида машҳур иқтисодий-географ Н.Н.Баранский: “Карта – географиянинг иккинчи тили”, –деб айтган эди Ушбу холосани бутунги кунда “Карта – ҳақиқат ойнаси” деса, түгри бўлади (Назаров, Ҳалимова, 2011). Карта ҳудудларнинг кичрайтирилган нусхаси булиб, ҳудудлардаги ўзига хос нарса, ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини очиб бериш имкониятига эга. Ҳар қандай географик тадқиқот ўзининг картографик тасвири билан якун топмоғи лозим. Ана шунда географик карталар ҳақиқат ойнаси ҳамда илмий-маърифий асар сифатида кундалик амалиётта хизмат килади.

6. Гуманитар тамойил (инсонпарварлик тамойили). Мамлакатимизда жадал суръатлар билан амалга ошириләётган ислоҳотлар аввало ким учун? Албатта, энг аввало инсон манфаатлари учун. Географик тадқиқотлар инсоннинг кундалик ҳаёти, унинг иқтисодий-ижтимоий, маънавий дунёсини юксалтиришга қаратилмоғи лозим.

Н.Н.Баранский (1881-1963) үз вақтида “инсонсиз география”га ашаддий қарши булиб, “инсонни унутибмиз!” деб афсусланган эди. Географик тадқиқотлар энг аввало кишиларнинг кундалик ҳаётини яхшилашга қаратилгандағина тұгри йұналишга эга бұлади.

7. Башоратлилилк тамойили. Башорат-юононча prognosis сүзидан олинган булиб, олдиндан куриш, олдиндан айтиш деган маънени билдиради. Башоратлаш ҳамма фанларга тегишли. Чунки борлық доимо ҳаракатда, үзгаришда варивожланишда. Ҳатто инсон онги, тафаккури ҳам доимо үзгаришда, такомиллашувда. Шу боис жамият, инсон башоратта әхтиёж сезади, яъни келгусида рүй бериши мүмкін бұлган үзгаришларни билишга интилади.

Географик башорат бу түрли күламдаги худудларда түрли муддатларда рүй бериши мүмкін бұлган үзгаришни олдиндан билишdir. Географик башорат тармок соҳалар буйича ва ниҳоят комплекс, яъни ҳамма соҳаларни қамраб олған умумгеографик мазмунга эга бұлади. Бундай башоратлар худудларни оқилона ташкил қилиш учун тузиладиган режалар, инвестицион лойиҳалар учун илмий асос булиб хизмат қиласы.

География фанининг интеграцион ва синтез құдрати башоратлаш учун бошқа фанларга нисбатан қулай имкониятларға эга. Келгусида башоратлаш география фанининг энг устувор йұналишларидан бири бұлмоғи лозим. Бу эса үз

навбатида фаннинг амалий аҳамиятини оширади ва унинг ижтимоий нуфузини мустаҳкамлайди.

Ҳар қандай фан кўзланган мақсадга эришиш учун узининг методологик пойдевори ва методларига эга бўлмоғи лозим. Методология ва методлар эса фан учун билиш куроли, воситаси сифатида борлиқни билишга ва ечилмаган муаммоларни ҳал қилишга иммий асос булиб хизмат қиласди.

Методология атамаси кўпгина оммавий адабиётларда фанларнинг методлари ҳақидаги таълимот деб талқин қилинади (метод - юнонча *methodos* - усул, йул, *logos* - таълимот). Бизнингча, методология бу борликни билишнинг назарий асослари, стратегик иммий йул, билишга ёрдам берадиган таянч назариялардир. Масалан, умумилмий макомга эга бўлган диалектик қонун ва категориялар ҳамда умумгеографик қонуниятлар. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган кодекс, қонунлар, давлат қарорларини киритиш мумкин. Методлар эса билиш воситаси булиб, урганилаётган муаммонинг мақсад ва вазифаларига қараб танланади ва фойдаланилади.

Географик тадқиқотларда асосан қўйидаги методлар асос булади: сурʼов, адабиёт ва ташкилот ҳужжатларини таҳлил қилиш, кузатиш, дала тадқиқотлари (экспедицион, стационар), моделлаштириш, индикацион, географик таққослаш, маҳсус топогеодезик, картографик, аэрокосмик, тизим-таркиб, статистик, экстраполяция, тарихий-генетик, районлаштириш, географик ахборот тизими (ГИС), диалектик ва бошқалар (бу усуllар моҳияти алоҳида фан сифатида ўқитилади).

Географик тадқиқот усуllари доимо такомиллашиб, замонавийлашиб боради ва унинг самарадорлиги ҳам ортиб

боради. География фани ҳозирги кунда аввало умумтаълим, ўрта маҳсус ва олий географик таълим учун хизмат қилмоқда. Ю.Г.Саушкин (1980) тили билан айтганда "география қўлга киритган ютуқларини бой бераётган" бўлсада маърифат ва фан йўлида ўз мавқесига эга. Аммо, қайд қилиш жоизки, бошқа фаниарга нисбатан география Фанининг маърифий қудрати, амалиёт билан боғлиқлиги, ёшларда ватанпарварлик, миллий гоя асосларини яратишдаги имкониятлари бекиёсdir. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов: "Ватан тарихи ва маданиятини, жуғрофияси ва иқтисодини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Боғчалардан тортиб, олий үқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида мазкур фан ва билимларни ўргатишга муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоги лозим"¹, -деб таъкидлаган эдилар (И.А.Каримов, 1996). Афсуски, география фани ҳанузгача умумтаълим, ўрта маҳсус ва олий таълимда етарлича нуфузга эриша олгани йўқ. Бу борада муаммолар кўп, уларнинг ечимини топиш географ-олим ва мутасадди мутахассисларнинг касбий ва умуминсоний бурчидир.

География фанининг етакчи олимларидан Н.С.Жекулин, С.Б.Лавров 1987 йилда география фанининг олий мақсади "жамиятни ҳудудий ташкил қилишни такомиллаштириш", деб хulosага келган эдилар. Бу гоя методологик асосга эга. Чунки география фани комплекс ва синтетик фандир. Барча географик тадқиқотлар пировард натижада жойларда инсон ва жамият фаровонлигига йўналтирилмоги лозим. Хоҳлаган қўламдаги ҳудуднинг "эгаси" география фанидир. География ҳар қандай ҳудуднинг Ер юзидағи ўрни, табиий-иктисодий-ижтимоий мазмун-моҳиятини, ўзлигини, бош-

¹ Каримов И.А. Танланган асрлар 3-жилд. Тошкент "Ўзбекистон". 1996, 38-бет

қача қилиб айтганда, "ютуқ" ва "камчиликлари"ни очиб берә оладиган фандир. Маълумки, география табиий ва иқтисодий-ижтимоий мазмунга эга. Шу асосда ҳозирги даврда географлар асосан табиий ва иқтисодий географлар гурухларига бўлиниб олганлар. Олиб борилаёттан илмий изланишлар ҳам, химоя қилинаётган диссертациялар ҳам, ҳатто диссертацияларнинг расмий оппонентларини тайинлаш ҳам аксарият соҳалар бўйича олиб борилади. География фани бўйича ўтказиладиган илмий анжуманларда ҳам маърузачилар анъанавий ажратиб қўйилади (2-қўшимча).

Фанларда ривожланиш, табақаланиш бўлади, бу инкор этиб булмайдиган диалектик қонуни. Лекин география фани туб моҳияти билан комплекс фандир. Унинг "барҳаётлиги" ва самарадорлигини таъминлаб турган илмий ўзак – куч муаммони тизимли ёндашув асосида ўрганишдир. Хулоса шуки, географик тадқиқотлар унинг қайси соҳаларида амалга оширилмасин, улар умумгеографик (комплекс, тизимли) ёндашув асосида бажарилмоғи лозим. Географ мутахассис кадрларни тайёрлашда ҳам ушбу тамойилга амал қилиш мақсадга мувофиқ. География фанининг бош мақсади табиат-аҳоли-жамият "учбирлиги"ни ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик тамойили асосида ҳудудларда оқилона ташкил қилиш экан, мазкур "учбирлик" ўзагида инсон манбаатлари турганлигига амал қилиш лозим. Шундагина география фанининг ижтимоий нуфузи юксалиб боради ва ишлаб чиқариш кучи сифатида инсон фаровошлиги учун самарали хизмат қиласди.

Таянч тушунчалар:

Эмпирик, илмий-техника инқилоби, география жамияти, кенг маънода география, тор (асл) маънода география, оралиқ географик фанлар, анализ, синтез, география

фанининг ўрганиш обьекти ва предмети, география фанининг тамойиллари, маконийлик, комплекслилик, синтезлилик, тарихийлик, экологиялилик, тасвирийлик (карталийлик), гуманитар (инсонпарварлик), башоратлилик, методология, тадқиқот усуллари, “табиат-инсон-жамият” учбирлиги.

Назорат учун саволлар:

1. “География” фани номининг луғавий маъноси билан ҳозирги моҳияти ҳақида қандай фарқланишилар бор?
2. “География жамиятлари” ва уларнинг вазифаси нималардан иборат бўлган?
3. География фанининг XIX асрдаги “инқирози” нималардан иборат?
4. География фанининг табиий ва иқтисодий географияга ажralиб кетишининг назарий асоси нималардан иборат?
5. Кенг ва тор (асл) маънодаги географиянинг мазмун-моҳиятини изоҳлаб беринг.
6. Оралиқ географик фанлар моҳиятини изоҳлаб беринг.
7. “Географ булиш осон, лекин ҳақиқий географ булиш кийин” деган иборанинг моҳиятини ифодаланг.
8. География фанининг асосий тамойилларини изоҳланг.
9. География фанининг методологик асослари нималардан иборат?
10. География фанининг тадқиқот усуллари ва уларнинг моҳиятини изоҳланг.
11. Умумгеографик синтезнинг моҳиятини изоҳланг.
12. “Худудларни оқилона ташкил килиш” деган тушунчанинг моҳияти нималардан иборат?

1-қўшимча.

География фани, унинг ўрганиш объекти ва аҳамияти ҳақида олимлар

1. "Географиянинг бош фалсафий масаласи табиат билан жамият (инсон), унинг ҳудудий хусусиятларини аниқлашдир" (Солиев, Маҳамадалиев, 2004).
2. "Инсон ва жамиятсиз табиий география қанчалик мақсадсиз бўлса, табиий шароит ва табиий ресурсларсиз иқтисодий ва ижтимоий география ҳам шунчалик муаллақ ва асоссиздир" (Солиев, Маҳамадалиев, 2004).
3. "Инсонсиз" табиий географияни, ҳудди шунингдек, "табиатсиз" (табиатта қарши бўлган) ижтимоий-иктисодий географиянинг бўлиши мумкин эмас" Н.Н.Баранский (И.Н.Шрира, 1979, 12-бет).
4. "Мен ҳозирги географияни атроф-мухит, унинг ҳудудий хусусиятлари, жамият билан ўзаро bogланишлари ҳамда жамиятни ҳудудий гашкил қилиш ҳақидаги фан деб биламан" (В.М.Котляков. География в школе. 1990, №5).
5. География табиатда тартиб ўрнатади (Н.А.Максимов, 1974).
6. "Географиянинг бош мақсади жамиятни ҳудудларда ташкил қилишни такомиллаштиришдир" (В.С.Жекулин, С.Б.Лавров, 1987).
7. "Географиянинг энг жозибали хусусияти унинг кўп масштабли, турли миёс ва кўламда фикрлай олишидадир" И.М.Маергойз. (А.Солиев, Ҳудудий мажмуаларнинг назарий асослари. Тошкент, 2007, 7-бет).
8. "География – ҳозирги билимларнинг синтезидир" (П.Хагтет, 1979).
9. "География-ҳудудлар фалсафаси" (И.Қ.Назаров, 2006).
10. "Табиий географик билимлар иқтисодий географиянинг илдизлари, асослари ҳисобланади" (А.Солиев, 2003).

2-қўшимча.

Кейинги йилларда Узбекистонда, география фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинган айрим диссертациялар ҳақида маълумот

1-жадвал

Илмий йўналиш нумери	Ихтиесолиги	Диссертант- ининг исми, шарифи	Диссертация мавзуси ва илмий раҳбари	Ҳимоя қилин- ган йил
11.00.01	Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси	Қузибоева Озодхон Махмудовна	Сўх конусимон сийламасни микрозоналлаштириш ва ландшафт-мелiorатив бахолаш. Г.ф.д., профессор А.А.Абдуллоев	2006
11.00.07	Гидрология суши, водные ресурсы, гидрохимия	Айтбасов Даулетбай Перлебаевич	Оценка эрозионной деятельности и стока взвешенных наносов рек Чирчик-Ахангаранского бассейна. Д.г.и., профессор Ф.Х.Хикматов	2006
11.00.01	Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси	Алимкулов Нусратулла Рахмонкулович	Жиззах вилоятининг ландшафт-экологик шароитини бахолаш. Г.ф.д., профессор Х.Ваҳобов	2008
11.00.01	Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси	Тошов Худойназар Рамазонович	Чўл ландшафтлари ва уларнинг агромонитларидан самарали фойдаланиш (Бухоро вилояти мисолида). Г.ф.и., доцент И.К.Низаров	2008
11.00.02	Иктисодий ва ижтимоий география	Сатторов Аблусамат Умаркулович	Сурхондарё вилояти кишлек ахолиси манзилгоҳларининг ривожланиш ва жойлашиш хусусиятлари. Г.ф.д., профессор А.С.Солнев	2009
11.00.07	Гидрология суши, водные ресурсы, гидрохимия	Шодиев Санжар Рӯтикович	Гидрохимия речных и коллекторно-дренажных вод Юго-Запада Узбекистана. Д.г.и., профессор Э.И.Чембарисов	2009
11.01.02	Иктисодий ва ижтимоий география	Хакимов Қўчкор Махкамович	Жой номларини шаклланишинда минтақанинг ижтимоий-иктисодий хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида) Г.ф.д., профессор С.Корасов	2010

11.00.02	Иқтисодий ва ижтимоий география	Сафарова Насиба Иранкулновна	Иқтисодий географик ўриннинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири (Сурхондарё вилояти мисолида) Г.Ф.д., профессор А.С.Солнев	2010
11.00.11	Атроф-мухитни муҳофаза килиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш	Шарипов Шавкат Мұхамағанович	Табиятни муҳофаза килишда геоэкология ендашув (Тошкент вилояты мисолида). Г.Ф.д., профессор А.Н.Нигматов	2011
11.00.07	Куруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокиме	Пирназаров Равшан Топволдиевич	Тұғонли тог күлларын холатини комплекс гидрометеорологик бағолаш ва улар хавфіннан камайтириш чоралары (Курбонқұл мисолида). Г.Ф.д., профессор Ф.Х.Хикматов	2011
11.00.11	Атроф-мухитни муҳофаза килиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш	Шамуратова Нигора Тахировна	Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари. Г.Ф.д., профессор А.Н.Нигматов	2011
11.00.02	Иқтисодий ва ижтимоий география	Таштасева Сандя Кахаровна	Ўзбекистон шаҳар агломерацияларининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари (Тошкент агломерациясы мисолида). Г.Ф.д., профессор А.С.Солнев	2011

Адабиётлар:

- Богучарков В.Т. История географии. (Учебное пособие). Москва-Ростов на Дону.Изд-во“МарТ”,2004,448 стр.
- Грегори К. География и географы. Москва, “Прогресс”, 1988, 384 стр. Перевод с англ.

3. Джеймс П., Мартин Д.Ж. Все возможные миры. История географических идей. Москва, "Прогресс", 1988, 672 стр (Перевод с англ. 1981).
4. Жекулин В.С., Лавров С.Б. География и общество. Москва, "Знание", 1987, №6, 48 стр.
5. Исаченко А.Г. Ландшафтovedение и физико-географическое районирование. Москва, "Высшая школа", 1991, 267 стр.
6. Марков К.К Палеогеография и новейшие отложения Москва, "Наука", 1986, 280 стр.
7. Назаров И.К., Тошов Х.Р. Ҳудудларни оқилона ташкили килиш география фани учун стратегик йўл. Ўзбекистон география жамияти VIII съезди материаллари. Нукус, 2009, 13-17-бетлар.
8. Назаров И.К., Ҳалимова Г.С. Географик карталар – ҳақиқат ойнаси: мулоҳаза ва таклифлар. Географик тадқиқотларда картографик методлардан фойдаланиш. Тошкент, 2011, 24-28-бетлар.
9. Нифматов А. Табиий географик фанларнинг назарий муаммолари. Тошкент, "Fan va texnologiya" нашриёти, 2010, 202-бет.
10. Нифматов А., Сайдов П., Матчанов М. Ватанинн сев, тупроғини уп. Маърифат, 2006, 5 апрель.
11. Соатов А. Табиий географик тадқиқот услублари. Тошкент, 2001, 44-бет.
12. Солиев А. Илмий тадқиқот асослари. Тошкент, 2003, 51-б.
13. Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. Тошкент, 1999, 181-бет.
14. Солиев А., Маҳамадалиев Р. Географик тафаккур ва географик маданият ҳақида. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 24-жилд. Тошкент, 2004, 7-10-бетлар.
15. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. Тошкент, "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" нашриёти, 2006, 672-бет.
16. Ҳагтет П. География: синтез современных знаний. Пер.с англ. Москва, 1979. 684 стр.

3-мавзу: ФАЛСАФА ВА ГЕОГРАФИЯ

Режа:

1. Фалсафа борлиқни билишнинг методологик асоси.
2. Диалектика – ҳаракат, умумий алоқадорлик ва боғланганик ҳақидаги таълимот.
3. Диалектика – ривожланиш (тараққиёт) ҳақидаги таълимот.
4. Диалектика қонун ва категориялари - географик билишнинг методологик асоси.

Фалсафа инсоният тарихидаги энг қадимги фан булиб олам ва унинг яшаши, ривожланиши ва тараққиёти, ҳаёт ва инсон, умрнинг моҳияти, борлик ва йўқлик каби кўплаб муаммолар ҳақидаги илмлар мажмуудир.

Фалсафа фани борлик ҳақидаги барча билимлар тизими сифатида милоддан аввалги VI асрда қадимги Юноистонданда шаклланган (Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. 2004, 326-бет). Фалсафа атамаси юононча *phileo* – севаман, *sophia* – донолик маъносига эга. Ҳақиқатни англаш билан шуғулланган кишилар файласуфлар, яъни дополикни севувчилар деб аталган. Машхур математик, файласуф Пифагор (мил.ав. 580-500 йиллар) ҳаётнинг мазмунига оид қарашларга “фалсафа” деб ном берган биринчи донишмандир.

Фаншуносликда фалсафа фани “фанларнинг фани”, “фанларнинг отаси” деб тан олинади. Бунинг энг аввало иккита асоси бор.

Биринчидан, дастлаб антик даврда борлик, яъни барча фанларга тегишли билимлар фалсафа фани тарқибида бўлган. Оlam ва одам ҳақидаги билимларни тўпланиши натижасида бошқа фанларни бирин-кетин ажралиб чикиши рўй беради. Фанларнинг табақаланиши ҳозир ҳам

давом этмоқда. Бу ўринда барча фанларнинг илк илдизи фалсафа фани билан боглиқ эканлигини эътироф этиш керак.

Иккинчидан, фалсафа-хозирги даврда энг юксак тафаккур қудратига эга бўлган, олам ва одам ҳақидаги назарий фан. Энг муҳими, у барча фанлар учун илмий методологик мақомга эга бўлган фандир. Бугунги фалсафий дунёқараш, фалсафий қонуниятлар, категориялар ҳозирги ва келгуси тараққиёт учун илмий-назарий асос вазифасини ўтаб келмоқда.

Фалсафа барча фанлардан фарқли равишда дунёни бир бутун ҳолда олиб, унинг энг умумий томонларини алоқадорлик ва боғланишларини кенг қамровли фалсафий умумлашмалар асосида очиб беради (Фалсафа, 1999, 20-бет). Фалсафа жаҳон халқлари тафаккурининг дурдонасиdir. Барча фанлардаги илмий изланишлар фалсафий асосга эга бўлгандагина, ўз мақсадига етади. Муқаммалликка интилевчи ҳар бир фан бир томондан фалсафа, иккинчи томондан эса амалиёт билан боғланиши лозим (Филос.вопр.геогр., 1977). “Илмий – фалсафий назария билан қуролланган олим бошқаларга нисбатан ўз фанининг моҳиятини, истиқболини чуқурроқ била олади”, -деб таъкидлаган эди таниқли файласуф Ж.Туленов (2000, 182-бет).

Шу боис барча фанлар, жумладан, география фани учун борлиқ оламни билиш учун фалсафий қонуният ва категорияларидан фойдаланиш зарур. Қайд қилиш жоизки фалсафанинг мағзи, “юраги” диалектика хисобланади. Диалектика – фалсафанинг билиш усулидир. Диалектик қонулар ва категориялар борлиқни билишнинг илмий қалитидир.

Диалектик усул – оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги, ўзгариши ва ривожланишининг сабабларини ва моҳиятини очиб берадиган методологик қуролдир. Диалектика ривожланиш ҳақидаги таълимот, ҳам мантиқ, ҳам билиш назариясидир.

1. Диалектика – ҳаракат, ўзгариш, умумий алоқадорлик ва боғланганлик ҳақидаги таълимот. Табиатда тиним йўқ, деган хикматомуз ибора бор. Диалектик тил билан айтганда, табиатда, одамларда, жамиятда, ҳатто инсон тафаккурида ҳам тиним йўқ. Борлиқда нима бўлса, улар доимо ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда. Ҳаракат – борлиқнинг яшаш шаклидир. Мавжуд бўлмоқ, энг аввало, ҳаракатланмоқ ва ўзгармоқ демакдир. Ҳаракат туфайли ўзгариш рўй беради. Ўзгариш эса турли нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсири натижасида содир бўлади. Юзаки қараганда осойишталик бўлиб түколган сокинлик, ҳаракатсизлик нисбий маънога эга бўлиб, ҳаракатнинг муайян ҳолатини англатади (Шокиров, Шокиров, 2009).

Ҳаракат инсоннинг хоҳиши ва истаги билан боғлиқ эмас, ҳаракат чин жараёндир. Ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи борлиқнинг ўзида. Ҳаракатнинг манбаи нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсиrlари ва муносабатларидир. Ҳар қандай жисмнинг мавжудлиги унинг ички алоқадорликлари натижасиdir. Географик тил билан айтганда, ички таъсиrlар ва алоқадорликлар улардаги тафовут (фарқланиш) орқали содир бўлади.

Одатда ҳаракатнинг бешта шакли (механик, физик, кимёвий, биологик, ижтимоий) ва даражаси ҳамда иккита йўналишини (прогрессив ва регрессив) ажратадилар (1-расм).



I - расм. Ҳаракат шакллари (турлари), даражаси ва ўйналишилари

Ҳаракат шакллари орасида ижтимоий ҳаракат энг мураккаби ва олийсидир. Истаган предметнинг ҳаракати бошқасига нисбатан содир бўлади. Жисм ва предметлар ҳаракати ички зиддиятли жараёндир, яъни у бекарорлик ва барқарорлик, ўзгариш ва осойишталиктининг бирлигидан иборат (Фалсафа. Қомусий лугат, 2004, 489-бет).

Прогресс – объектни тизимили тузилиши, мухит алоқасини мураккаблашувидир, регресс эса ҳаракат жараёнида ҳаракатдаги объектда кузатиладиган емирилишлардир. Ҳаракат табиатда ва жамиятда рўй берадиган ҳамма жараёnlарни ўз ичига олади. Шу боис Аристотель ўз вақтида ҳаракат моҳиятини билмасдан туриб табиатни ўрганиш мумкин эмас, деб уқтирган эди.

Ҳақиқатдан ҳам нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ҳаракатлар пировард натижада борлиқдаги умумий алоқадорлик ва боғланишни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида географик тизимларнинг шаклланиши ва бир бутун бўлишига олиб келади. Ушбу геосистемаларни ташкил қилган қисмларнинг бирортаси ўзгарса, бу ҳол албатта бошқа қисмларнинг ўзгаришига олиб келади. Демак, бизни ўраб турган олам

турли кўламдаги системалар занжиридан иборат. Агар Коинот бир бутун система бўлса, у Галактикалар мажмуидан иборат. Бизнинг “Сомон йўли” миз (Галактика) эса ўз навбатида Қуёш системасига ухшаш тизимлардан, улар ҳам ўз навбатида планеталар тизимидан ташкил топган. Планеталар ҳам ўзига хос яхлит бир бутун геосистемани ташкил қиласди. Планетар (глобал) кўламга эга бўлган географик қобик эса минтақавий (регионал) ҳамда маҳаллий (локал) геотизимлардан иборат. Мазкур геотизимлар модда, энергия, ахборот алмашинуви туфайли бир-бири билан боғлиқ бўлган геотизимлар занжиридан иборат. Агар ушбу умумий алоқадорлик ва боғлиқлик (қарамликни) диалектик таълимот асосида фикр юритадиган бўлсак, купгина географик муаммолар ўз-ўзидан ойдинлашади. Масалан, географик қобик, ландшафт қобиги, геотизимлар чегаралари ҳақидаги маълумотлар нисбий тушунчалар булиб, бу борада жиддий мунозаралар олиб бориш мумкин. Бу ўринда алоқадорлик қаерда тифиз, кундалик амалиёт учун уларнинг қайси томонлари зарурлигини билиш мухимdir.

Таниқли географ Ф.Н.Мильков (1990, 143-бет) ландшафтларни беш боғламли геотизим деб таърифлайди:

- ландшафт компонентларининг бир-бири билан боғлиқлиги;
- ландшафтни ташкил қилган кичик геотизимларнинг (урочише, фациялар) ўзаро алоқадорлиги;
- Ландшафтнинг қўшни ландшафтлар билан боғлиқлиги;
- ландшафтнинг остки пойдевор – литосфера билан боғлиқлиги;
- ландшафтнинг атмосфера билан боғлиқлиги.

Бунга ландшафтнинг узоқ ҳудудлар билан боғлиқлиги (Ўрта Осиё ўлкасига атмосфера ёғинларининг асосий қисми Атлантика океанидан кириб келади ёки күшларнинг келиб кетиши, қўниб кетиши) ҳамда улар бағрида ташкил топган иктисадий-ижтимоий тизимлар билан бевосита боғлиқлигини инобатта олсак, ландшафтнинг бешта эмас, етти боғламли геотизим эканлиги маълум бўлиб қолади.

Табиий ва сиёсий-маъмурий, ҳудудий-маъмурий чегаралар масаласини ҳам ушбу диалектик таълимот асосида куриб чиқиш мумкин. Табиий чегараларнинг нисбийлиги, сиёсий-маъмурий чегаралар эса жамиятни (мамлакатни) бошқариш учун зарурлиги ва ушбу ҳудудлар учун трансчегаравий муаммолар мавжудлиги равшан бўлиб қолади.

Хуллас, геотизимлар модда, энергия ва ахборот алмашинуви туфайли бир-бiri билан боғлик ва бир-бiriни тақозо қилувчи турли қўламдаги занжирдан иборат. Бу занжирда қўлами жиҳатидан катта геотизимлар ўз доирасидаги кичик геотизимларнинг яшashi ва ривожланиши учун макон (мухит) вазифасини ўтайди. Ўз навбатида кичик геотизимларда содир бўлган ўзгаришлар ўзини ўраб турган йирик геотизимларга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Таникли олим В.С.Жекулин “Ўзаро алоқадорлик ва ўзаро боғлиқлик (ўзаро қарамлик) география фанининг асосий методологик тамойили”, деб қайд қилган эди (1989, 105-бет). Агар география фанининг нодир хусусияти муаммога комплекс ёндашув бўлса, ушбу ёндашувнинг ўзагини ўзаро алоқадорлик, ўзаро боғланганлик ташкил қиласи. Шу боис географик тадқиқотларда тизимли ёндашув зарур (Назаров ва бошк., 2008; Назаров, 2009). Айниқса, география фани учун стратегик аҳамиятта эга бўлган “табиат-жамият-аҳоли” учбирлиги муносабатлари-

нинг худудий муаммоларини урганишда диалектиканинг умумий алоқадорлик, боғланганлик, тизим-таркиб (бутун ва қисм ҳамда система-структурат-элемент) каби категориялари асосида иш тутмоқ зарур. Бу борада системаларнинг умумий назарияси яратилишидан аввал унинг пойдевори фалсафа ҳамда география фанларида шаклланганлигини қайд қилиш жоиз. Кўпгина табиатшунослар, жумладан, географлар ҳам географик мухитнинг бир-бутунилиги қонунияти В.В.Докучаев (1846-1903) томонидан кашф қилинганлигини эътироф қиласилар (Кузин, Бабкин, 1979, 7-бет; Мильков, 1981, 308-бет). Лекин борлиқнинг бир бутунилиги файласуфлар томонидан бир неча асрлар аввал асосланганлигини унутмаслик лозим. Бу ўринда француз файласуф-олими Блез Паскалнинг (1623-1662) "Оlamдаги барча нарсалар бир-бирига шу даражада боғланиб кетганки, улардан бирини бошқаларсиз ва яхлит ҳолда олмай туриб англаб бўлмайди" деган хulosасини келтириш кифоя. В.В.Докучаев эса ушбу қонуниятни дала тадқиқотлари. тажрибалари асосида амалда исботлаган десак, түгри булади. Бирбутунлик қонуниятига қарамасдан ҳозирги кунга қадар географих тадқиқотларда бирёқламалик, яъни табиий географик ёки иқтисодий-ижтимоий географик ёндашувлар устувор булиб келмоқда. Шу боисдан ҳам географик тадқиқотлар натижаларининг пишиқлиги ва бевосита амалий аҳамиятини талаб даражасида деб бўлмайди. Келгусида географ-тадқиқотчи қайси муаммони урганмасин, геотизимларнинг бирбутунилигини хисобга олган ҳолда иш тутмоқлиги лозим. Акс ҳолда тадқиқотларнинг бирёқламалиги туфайли уларнинг самарадорлиги чекланган бўлаверади. Географик тадқиқотларда тизимли ёндашувга эришишнинг стратегик йўлларидан бири олий таълим тизимидағи намунавий ўкув режаларини такомил-

лаштирищдир. Ушбу ўқув режаларига тизимли ёндашув асосларини ўргатадиган географик фанларни киритиш мақсадда мувофиқ.

Таниқли географлар Э.Б.Алаев (иктисодий географ), В.С.Преображенский (табиий географ) 1980 йилдаёқ географик синтез асосида тадқиқотлар олиб бора оладиган географ-мутахассислар ("географ-комплексник"лар) тайёрлаш лозимлигини қайд киlgан эдилар (Алаев, Преображенский, 1980). Мәтлүмкі, география ўз мөхияти билан комплекс (мажмуали) фан. Шу боис география фанининг "нони" тизимли ёндашувда "тизимли ёндашувсиз география фани йүк" (Назаров ва бошк., 2008). "География – ҳозирги билимлар синтезидир" (Хагтет, 1979) деган холосаларнинг диалектикалық мөхияти ана шундадыр.

Диалектика – ривожланиш ҳақида таълимом

Борлықтаги ҳаракат ва у туфайли содир бұладиган умумий алоқадорлик, болғылдық ва үзгаришлар пировард натижада ривожланишга олиб келади. Ички ва ташқи боғланишлар замирида модда, энергия ва ахборот алмашинувлари ётади. Ривожланиш бу прогресс, лотинча *progresis* – илгарилаб борадиган тараққиёт маъносига эга. Бошқача қилиб айтганда, ривожланиш – муайян тизимнинг муайян вақт ва фазодаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайдын, илгарилама йұналишга эга бұлған миқдорий ва сифатий үзгаришидир (Фалсафа. Қомусий лугат, 2004, 489-бет). Ривожланиш оддийдан мұраккабға, бир хиллиден күп хилликка, пастдан юқорига қараб борувчи жараёндир. Диалектик концепциясига күра ривожланиш сифатий үзгариш билан боғылған булиб, унинг уч асосий хусусияти мавжуд:

- ривожланиш орқага қайтмайды;

- ривожланиш фақат келажакка йұналғандыр;
- ривожланиш зарурийлік билан бөлілік. Ушбу хусусияттар мавжуд бұлғандагина, үзгариш ривожланиш дара-жасига күтарилади.

Табиатда юз берадиган даврий үзгаришлар заминнің ҳам ривожланиш ётади. Фаслларнинг алмашынуви даврий хусусиятта эга бұлса-да, ҳар бир фасл үзігінде, навбатдаги ривожланиш зинапоясида бұлади. Ер табиатининг (ландшафтларининг) ривожланишида геокимёшуносалар уч босқични ажратадылар.

1) Абиоген босқич (катархей). Агар Ер планетасининг пайдо булғаннан 4,5 млрд. йил бұлған бұлса, бу энг тұнғич - тирик организмлар бұлмаган давр булып, 1 млрд. йилни үз ичига олади. Бу босқичда атмосфера ва сувда темир ва марганец элементлари етакчилик қылған, атмосферада кислород мөкдори йүк ҳисобида бұлған, қуруқликлар асосан лавали ётқизиқтар билан қолланған, тупроқ қоллами шакланмаган, ландшафтлар үртасида геокимёвий фарқланишлар катта бұлмаган, қуруқликлар оддий ҳаётсиз чүллардан иборат бұлған.

2) Биоген босқич архей-кайнозой әраларини үз ичига олади. Бу геокимёвий нұқтаи назардан тикланиш, оксидланиш ва оксидланиш-тиқланиш даврларға (стадия) булинади. Тұнғич ҳаётнинг сувда пайдо булиши, үсимликтің қайвонот дүнёсінинг қуруқликтегі кириб келиши, уларнинг кейинги даврларда такомиллашуви, органик дүнё вакиллары турларининг күпайиши, атмосферада кислороднинг ортиси рүй берады. Агар девон даврида қуруқликларда үсимликлар 12000 турни ташкил қылған бұлса, бу күрсаткыч тошкумир даврида 27, юрада 60, неогенда 100, ҳозирги даврда эса 300 минг турдан ошған. Табиат зоналары эса,

асосан, музланишлар давридан сунг ҳозирги қиёфани олган (Перельман, 1975).

3) Маданий (ҳозирги) босқич аксарият адабиётларда антропоген давр деб тилга олинади. Бу босқич инсон омили туфайли Ер юзида модда, энергия ва ахборот алмашинувининг жадал тус олиб бораётганлиги, табиатта антропоген юкнинг ортиб бораётганлиги, табиат ва жамият ўртасидаги муносабат ва зиддиятларнинг тобора мураккаблашиб бораётганлиги билан белгиланади. 1930 йиллардаёқ рус олими академик А.Г.Ферсман "инсон дунёни геокимёвий жиҳатдан қайта ўзгартирмокда", деб ёзган эди. Қадимги дунёда инсоният томонидан 18 та кимёвий элементлардағи фойдаланилган бўлса, XIX асрга келиб у 19 та элементта купайган. Ҳозирги пайтда эса Менделеев даврий система-сига кирган барча элементлардан ташқари табиатда учрамайдиган, инсон томонидан яратилган, сунъий кимёвий бирикмалар (жумладан, пластмассалар) яратилдики, улар-сиз ҳозирги ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди.

Бундан ташқари, ривожланиш туфайли аҳолининг сони (демографик босим) купайиб бормоқда. Агар бундан 40 минг йил аввал Ер юзида 3 млн. аҳоли ящаган бўлса, милоднинг бошларида 250 млн. га етган. Бу курслаткич 1820 йилда бир миллиардга, 1999 йилда олти, 2011 йилнинг 27 октябрида етти миллиардга етди. Ҳозирги даврда инсониятнинг Ер табиатига таъсир кучи ҳар 10-12 йилда бир карра ортиб бормоқда. Инсоннинг ақл-заковати туфайли фан, техника ва ахборот технологиялари тезкор ривожланиб бормоқда. Унинг онги, тафаккур кудрати ортиб бормоқда. Тили, меҳнати, ахлоқи, ҳаёт тарзи, ижтимоий талаби такомиллашиб бормоқда. Жамият ҳам табиатнинг тадрижий тараққиётининг муайян бир босқичида вужудга келган ва доимий ривожланиб турувчи организм сифатида тако-

миллашиб бормоқда. Файласуфлар бугунги кунда Ер табиатининг ноосфера (ақл соҳаси) тараққиёт босқичига кирганлигини қайд қилмоқдалар (Иб. Каримов, 2007, 19-бет). Бу даврда Ер табиатининг келгуси ривожланишида инсоннинг ақл қудрати, яратувчанлик фаолияти муҳим ўрин тутмоғи лозим. Шу боисдан ҳам “табиат-инсон-жамият” учбирлиги коэволюциясини таъминлаш инсоният ва фан учун асосий вазифа эканлигини унутмаслик зарур. Қайд қилиш жоизки, ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг асосини табиат ва унинг шарт-шароити ва ресурслари ташкил қилади. Табиат, жамиятнинг яшаши ва ривожланиши учун бирламчи имкониятдир. Тұғри, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари бир-биридан фарқ килса-да, уларда үзаро үйғунык ва фарқланиш қонуниятлари ҳам мавжуд. Барибир, жамият тараққиёти қай даражада ва қаерда бұлмасын, табиат ва жамиятнинг бир-бирига мос, үйғун, коэволюцион ривожланишига интилмоқ, инсоният учун стратегик йүл бўлиб қолмоклиги лозим. Акс ҳолда табиат ва жамият үртасида зиддиятлар тобора ҳалокатли тус олиши муқаррар.

География фани турли күламдаги (дунёвий, минтақавий, маҳаллий, миллий) ҳудудларни комплекс (мажмуали) үрганиб, уларни оқилона ташкил қилишга бағишиланган. Хар бир ҳудуд табиий-тарихий ҳосила булиб, үзига хос табиий-иктисодий имкониятта эга. Бошқача қилиб айттанды, инсон манфаатларига нисбатан “ютуқ” ва “камчилик” ларга эга. Ушбу ҳудудларнинг ривожланиш тарихи (палеогеографияси, тарихий географияси) умумгеографик ёндашув асосида комплекс үрганилмоги лозим. Бундай илмий ёндашувлар үз навбатида географик ҳудудларни яқин келажақдаги ривожланиш истиқболларини башорат қилиш имкониятларини ҳам беради. Географик башорат эса,

худудларнинг ривожланиш истиқболларини режалаштириш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади. Географик башорат эса ўз навбатида диалектик қонун, категория ва тамойилларни билишни тақозо қилади. Ҳар қандай географик тадқиқот фалсафий-диалектик усул асосида бажарилгандагина, назарий жиҳатдан мукаммал бўлади ва унинг амалиёт билан боғланиши осон кечади. Диалектик усул – оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, ўзгариши ва ривожланишининг сабаблари ва моҳиятини фалсафий қонуният ва категориялар асосида очиб берадиган методологик куролдир.

Таянч тушунчалар:

Фалсафа, диалектика, диалектик қонун ва категориялар, борлик, олам ва одам, "фанларнинг фани", "фанларнинг отаси", антик давр, фалсафий дунёқараш, диалектик усул, ҳаракат, ўзаро алоқадорлик, ўзаро боғланганлик, ўзаро қарамлик, ўзаро таъсир, тафовут (фарқланиш), прогресс, ретгресс, "Сомон йўли", "ландшафт беш боғламли тизим", "ландшафт етти боғламли тизим", табиий, сиёсий-маъмурий, худудий-маъмурий чегаралар, трансчегаравий муаммолар, "табиат-инсон-жамият" учбирлиги, тизимли ёндашув, ривожланиш, катархей, Ер сайдераси, абиоген, биоген босқич, тикланиш, оксидланиш-тикланиш, маданий (хозирги) ривожланиш босқичи, антропоген давр, ландшафтлар геокимёси, антропоген юқ, демографик босим, ноосфера, коэволюция, географик башорат, умумгеографик ёндашув.

Назорат учун саволлар:

1. Фалсафа фанининг моҳияти нималардан иборат? Бошқа фанлардан у қайси жиҳатлари билан фарқланади?

2. Диалектик усулнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
3. Ҳаракат шаклларини (турларини) изоҳланг Унинг моҳияти нималардан иборат?
4. Системанинг (тизимнинг) моҳиятини изоҳланг.
5. Географик тадқиқотларда тизимили ёндашувнинг моҳияти нималардан иборат?
6. Ривожланишнинг диалектик моҳиятини изоҳланг.
7. Ер табиатидаги ривожланиш босқичларини изоҳланг.
8. Ер табиатининг ривожланишдаги ҳозирги ноосфера босқичининг моҳияти нималардан иборат?
9. “Табиат-инсон-жамият” ривожланишидаги коэволюция назариясининг мазмун-моҳияти нима?
10. География ва коэволюцион назария.

Адабиётлар:

1. Алаев Э.Б., Преображенский В.С. Система прикладных и теоретических географических исследований для народнохозяйственного планирования. Системные исследования в науках о Земле. Москва, Знание, 1980, стр.36-42
2. Жекулин В.С. Введение в географию. Ленинград, 1989. 272 стр.
3. Каримов Иброҳим Ноосфера: геосиёсат ва мафкура. Тошкент, “Фан”, 2007, 208-бет.
4. Кузин П.С., Бабкин В.И. Географические закономерности гидрологического режима рек. Ленинград, Гидрометеоиздат, 1979, 200 стр.
5. Мильков Ф.Н. Общее землеведение. Москва. “Высшая школа”, 1990, 335 стр.
6. Мильков Ф.Н. Физическая география: современное состояние, закономерности, проблемы. Воронеж. Изд-во Воронежского университета. 1981, 400 стр.

7. Назаров И.К. География ва фанлараро алоқадорлик. Узбекистон география жамияти VIII съезди материалари. - Нукус, 2009, 125-127-бетлар.
8. Назаров И.К., Аллаёров И.Ш., Тошов Х.Р. Географияда сабаб ва оқибат тамойили. Фалсафа ва тасаввуф. Бухоро, 2008, 51-54-бетлар.
9. Перельман А.И. Геохимия ландшафта. Изд. второе переработанное и дополненное (Учебное пособие). Москва, "Высшая школа", 1975, 342 стр.
10. Туленов Ж. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. Тошкент, "Мехнат", 2000, 216-бет.
11. Фалсафа. Қисқача изоҳли лугат. Тошкент, "Шарқ", 2004, 384-бет.
12. Фалсафа. Қомусий луғат. Тошкент, "Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти" нашриёти, 2004, 496-бет.
13. Философские вопросы географии. Москва, "Знание", 1977, 48 стр.
14. Шокиров Р.У., Шокиров М.Р. Диалектик мантиқ. Бухоро, "Бухоро" нашриёти, 2009. 111-бет.

4-мавзу: ТАБИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИШ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Режа:

1. Табиий географик районлаштиришнинг мазмун-моҳияти.
2. Борлиқнинг бир бутунилиги ва ҳудудий табақаланишининг фалсафий -диалектик асоси.
3. Географик қобиқнинг бир бутунилиги ва ҳудудий табақаланиш сабаблари.
4. Табиий географик районлаштириш тамоилилари ва усуллари.
5. Табиий географик районлаштириш ва бу борадаги изланишлар, уларнинг амалий аҳамияти.

Табиий географик районлаштиришнинг мазмун-моҳияти

Табиий географик районлаштириш табиий географик тадқиқотларнинг энг долзарб (узак) иўналишларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, бу илмий жараён табиатни билишнинг энг самарали усулларидан ҳам биридир. Юкоридаги мавзуларда қайд килинганидек, борлик, аникроғи, Ер юзаси табиати (геотизимлар) бир бутун бўлсада, у маҳаллийликка эга. Яъни уни ташкил қилиган ландшафтлар (геокомплекслар) ҳудудий бир хил эмас. Уларнинг мазмун-моҳияти, ташқи кўриниши, ресурс имкониятлари жойларда фарқланади. Мазкур фарқланишларни маълум тартибга солиш, ажратиш ва картада ифодалаш табиий географик районлаштириш орқали амалга оширилади. У үз моҳияти билан ландшафтларни таснифлашга (систематика-га) яқин туради (Исаченко, 1991, 275-бет.) Бу жараён үз навбатида Ер табиатининг ҳудудий тартиби ва таркибини

мукаммал билиш имкониятини ҳам беради. Шу боис, табиий географик районлаштириш Ер юзасидаги геотизимларни билиш усули ҳам деб ҳисобланади.

Борликнинг бир бутунлиги ва унинг ҳудудий табақаланиши фалсафий диалектик асосга эга. Табиий географик районлаштиришнинг фалсафий-диалектик асоси аввало шундан иборатки, борликда, шу жумладан, Ер табиатида тиним йўқ. У доимо ҳаракатда, ривожланишда, қуий босқичдан юқорига, оддийдан мураккабликка қараб такомиллашиб боради. Ривожланиш доимо илгарилама, бурамасимон (спиралсимон) булади. Унинг янги үрами олдингисидан кура кенгроқ, бойроқ, мазмунироқ, юқорироқ ва мураккаброқdir. Ер табиати ҳозирги кунга қадар абиотик, биотик, антропоген даврларни ўтаб ноосфера босқичига қадам қўиди (Иб. Каримов, 2007). Бу жараён узлуксиз давом этмоқда. Лекин ривожланиш Ер юзида бир тўқисда давом этмаган, яъни ҳар жойда ҳар хил тарзда кечган (метахроник). Ер юзининг ҳозирги ташқи манзараси – ландшафтлари (геотизимлар) турлича таркибга эга. Узлуксиз ривожланиш натижасида ҳозирги даврда “табиат-аҳоли-жамият” учбирлиги юзага келдики, у тобора такомиллашиб бормоқда.

Табиатда мавжуд, яъни чин ҳақиқат бўлган турли-туман геотизимларни аниқлаш, тартиблаштириш уларни карталаштириш, табиий-географик районлаштиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ундан кузланган мақсад эса, Ер юзасини ташкил қилган геотизимлар ва уларнинг ресурсларидан инсон манфаатлари учун самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишидир. Бу жараён қийин вазифа, чунки Ер табиати бир-бири билан чамбарчас боғланган, бири-иккинчисини келтириб чиқарадиган, бир-бирига қарама-қарши бўлган

нарса ва ҳодисалар бирлигидан иборат. В.С.Жекулин таъбири билан айтганда, Ер юзаси ва уни ташкил қилган геотизимлар, энг мураккаб машиналардан ҳам мураккаб тузилишга эга (1989, 7-бет.).

Табиий географик районлаштиришда фалсафий-диалектик мазмунга эга бўлган узлуксизлик (давомлилик), узлуклилик (давомсизлик) қонуниятларига ҳам таянмок зарур. Унинг мазмуни шундан иборатки, Ер табиати бир бутун булиб, унинг худудий табакаланиш чегаралари мутлақ ҳақиқат эмас, балки нисбийдир. Буни сув ва қуруқлик ўртасидаги чегара мисолида англаш қийин эмас. Бир қараганда сув ва қуруқлик ўртасидаги чегара яхши ифодаланган, аниқ чегараси бор. Аслида эса бу чегара утиб бўлмас “Хитой девори” эмас. Аникроғи, қуруқлик билан сув ландшафтлари ер усти, ер ости модда ва энергия оқимлари билан чамбарчас bogлиқ, бир-бирига таъсир қиласи ва бир бутунликни ташкил қиласи. Демак, геотизимлар ўртасидаги чегаралар нисбийдир. Қайд қилинганидек, қуруқлик ёки сувли ерлар ўртасидаги худудий фарқланишлар чегараларини аниқлаш ва карталаштириш ўта мушкул вазифалардан биридир. Шу боис табиий географик районлаштириш жараёни мураккаб, мунозарали, ҳалигача тўлиқ ҳал қилинмаган муаммодир.

Албатта, табиий географик районлаштириш комплекс моҳият ва мазмунга эга. Ер табиатини худудий геокомплексларга ажратиш босқичига бирданига келинган эмас. Бундан аввал табиатнинг тармоқ соҳалари буйича (геоморфологик, иқлим, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси кабилар) районлаштиришлар амалга оширилган булиб, табиий географик районлаштириш эса, уларнинг юқори босқичи хисобланади. Илк бор “табиий географик район” атамаси В.В.Докучаевнинг шогирди рус геоботаниги, тупроқшунос,

табиий географ Г.И.Танфильев томонидан фанга киритилган. Олим томонидан Россиянинг Европа қисми табиий географик районлаштирилган (Танфильев, 1897). 1960-1980 йилларга келиб эса табиий географик районлаштиришга бағишиланган тадқиқотлар энг юқори босқичга кутарилган. Ҳозирги даврда эса ландшафтларни (кичик ҳудудларни) типологик таснифлашта (районлаштиришга) ва уни кундалик амалиёт билан боғлашга эътибор қаратилмоқда.

Аксарият табиий географлар табиий географик районлаштириш деганда йирик кўламга (минтақавий) эга бўлган табиий географик комплексларни (геотизимларни) ажратиш, таснифлаш ва карталаштиришни тушунадилар. 1988 йилда чоп этилган “Географик энциклопедик лугат”да (Москва) табиий географик районлаштириш Ер юзида бир нусхада учрайдиган табиий ўлка-зона-сектор-провинция-область-район каби географик комплексларни тадқиқ қилишни ўз ичига олади, географик ландшафтлар ва уларнинг морфологик (ички) қисмларини ўрганиш эса бунга кирмайди, деб қайд қилинган (322-бет). Кичик кўламдаги геокомплекслар одатда топологик мазмунга эга. Улар ландшафтшунослик фанининг ўрганиш обьекти деб хисобланади (Зокиров, 1999, 27-бет).

Йирик (минтақавий) кўламдаги геокомплекслар асосан мавжуд бўлган адабиётлар, тармоқ соҳадаги карталар, космик маълумотлар асосида лаборатория шароитида ўрганилади ва уларни районлаштириш ишлари бажарилади. Кичик кўламдаги ландшафтларни ажратиш (таснифлаш) эса, асосан дала экспедициялари жараёнида тўпланган маълумотлар асосида аниқланади ва таснифланади.

Йирик кўламдаги (минтақавий) геокомплекслар ҳудудий яхлит, ягона (индивидуал) бир нусхада бўлса, типологик геокомплекслар эса сифат кўрсаткичлари асосида ажра-

тилади, уларнинг ўхшаш нусхалари бошқа ҳудудларда ҳам тақрорланади.

Ер юзасидаги геотизимларининг ҳудудий табақаланиш сабаблари

Юқорида қайд қилинганидек, Ер табиатида тиним йўқ у доимо ривожланишда. Уни ташкил қилган компонентлар доимо харакатда, ўзгаришда ва илгарилаб бораётган ривожланишда. Бу фалсафий-диалектик қонуниятдир. Улардаги харакат ва ўзгаришларнинг манбай эса ички зиддиятлардир. Ер табиатининг ўзгаришларига сабаб бўлган омиллар жуда хилма-хил. Уларни учта гурухга ажратиш мумкин:

1. Ички кучлар, аниқроғи, тектоник омиллар. Бу Ер сайёрасининг ички тузилиши ва у билан бөглиқ бўлган тектоник харакатлардир. Ер пустини (литосферани) ўзгаришига олиб келган байкал, каледон, герцин, киммерий (мезозой) ва альп бурмаланишлари содир бўлган. Мазкур тектоник харакатлар туфайли ер пустининг бўйлами, энлама табақаланиши ортиб, такомиллашиб келган. Ернинг энг баланд (8848 м) ва энг чукур (11022 м) жойларидағи фарқланиш даражаси ҳозирги даврда 20 км га яқинлашади. Органик дунё такомиллашиб ҳозирги таркибга эга бўлади. Чўкинди жинсларнинг кўлами ва қалинлиги ортиб келган. Серҳаракат геосинклиналлар майдони камайиб платформалар кўлами ортиб бормоқда. Ҳозирги даврда ҳам Ер табиатини ўзгартиравчи тектоник (неотектоник) жараёнлар, яъни сейсмик харакатлар, вулканизм ва асрий тебранишлар давом этмоқда.

2. Ташқи табиий географик жараёнлар. Айниқса, Күёш иклими омиллар Ер табиатини ўзгартиравчи манбадир. Иссиқлик ва намликтининг ер юзида нотекис тақсимланиши туфайли денудациян, эрозион, дефляцион, грави-

тацион жараёнларнинг узлуксизлиги, органик дунёнинг зонал, секторли (меридионал), бўйлама тақсимланиши Ер табиатининг умумий ва ҳудудий хилма-хиллиги ва такомилашувига сабаб бўлиб келмоқда.

3. Антропоген омил. Одамнинг пайдо булиши, айниқса, бундан 40 минг йил муқаддам “ақлли одам”ни намоён булиши туфайли табиатга таъсир қилувчи қудратли куч майдонга келди. Ҳозирги даврда илғор фан ва техника билан қуролланган инсон Ер табиатини ўзгартирувчи қудратли кучга айланди. Унинг геотизимларга таъсир кучи айрим тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра ҳар 10-12 йилда бир карра ортиб бормоқда. Инсоннинг кўп ҳолларда, номуносиб ҳаракатлари туфайли умумий экологик вазият тобора ёмонлашмоқда. Айрим биологик турлар кирилиб кетмоқда. Антропоген таъсирнинг салбий оқибатларининг ижтимоий ҳаётга таъсири ҳам тобора кучайиб бормоқда.

Файласуфлар, табиатшунослар инсониятни ҳозирги даврда ноосфера (“ақл қобиги”) босқичига қадам қўйганлигини, эндиликда ақлни ишга солиб, табиат билан уйғун яаш зарурлигини қайта-қайта қайд қилмоқдалар (Иб. Каримов, 2007). Табиат билан уйғун (коэволюция) яаш учун унинг қонуниятларини, ҳудудий хусусиятларини мукаммал билиш талаб қилинади. Бу борада табиии-географик районлаштириш ҳам ўзига хос илмий йўл – изланишdir.

Табиии географик районлаштиришнинг тамойиллари

Юқорида таъкидланганидек, табиии географик районлаштириш-ута мураккаб илмий вазифа. Уни амалга ошириш тамойиллари, усуllар ва ёндашувлар ҳакида шундай кўп фикрлар борки, улар биргина ўкувчи ёки талабалар у

ёқда турсин, ҳатто географ-мутахассислар учун ҳам айни мушкулотнинг ўзи. Шундай бўлса-да география фанининг асосий "нони", ҳудудий фарқланишларни ўрганиш бўлганилиги туфайли ушбу мавзу моҳиятини мукаммал билиш ҳар бир географ учун касбий бурчdir.

Табиий географик районлаштириш жараёнида қуидаги тамойилларга амал қилиш зарурлиги қайд қилинади.

1. Объективлик тамойили, яъни табиатда мавжуд, чин ҳақиқат бўлган ҳудудларни аниқ ажратиб, уни ўзига хослигини тавсифлаш ва картада ифодалаш. Албатта, табиатда мавжуд бўлган геотизимларни мутлақ аниқлик билан чегаралаш ва ифодалаш-мушкул вазифа. Бу уринда тадқиқотчининг субъектив ёндашувлари қайсиdir даражада намоён бўлади. Барibir, мукаммал билим орқали объективликка интилиш зарур.

2. Ҳудудий яхлитлик тамойили бу ажратилган минтақавий мақомдаги ҳудудларни (регионал бирликлар) яхлит ареалга эга булишини талаб қиласди. Ажратилган геокомплекслар бўлак-бўлаклардан иборат бўлмаслиги керак (бундан дengiz ва океанлар ичидаги архинелаглар мустасно). Табиий географик районлаштиришнинг топологик ва типологик бирликлардан фарқланишларидан бири ҳам шунда.

3. Ҳудудни ташкил қилган компонентларининг бир хиллиги тамойили. Бунда тармоқ компонентлар (тектоник тузилиши, литологияси, иклими, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси) ареаллари чегараларининг ажратилаётган геокомплекслар чеграсига мос келишини инобатта олиш талаб этилади. Аммо, қайд қилиш жоизки, минтақавий геокомплекслар жуда мураккаб тузилган. Улар ҳар хилликнинг бир бутун ифодаланишидир (Гвоздецкий, 1979).

4. Ажратилган табиий географик ҳудудлар ареал-ларининг ўзидан катта бўлган геокомплекслар чегараси доирасида бўлиши тамойили. Масалан, ажратилган табиий географик район ҳудуди тўлигича ўзидан катта бўлган фақат битта табиий географик область доирасида бўлмоги лозим.

5. Табиий географик районлаштириш якунларини солишириш (таққослаш) тамойили. Яъни районлаштиришлар қайси минтақа, материқда олиб борилмасин, улар ягона усулда бажарилиши лозим. Бунда изланишлар якунларини бошқа ҳудудларда олиб борилган тадқиқотлар якунлари билан солишириш мумкинлигига эришиш кўзда тутилади.

Бундан ташқари, генетик (тариҳий келиб чикиши), табиий географик табақаланишнинг планетар ва маҳаллий қонуниятларни ҳамда иқлимий, гидрологик омилларни инобатта олиш тамойиллари ҳам мавжуд.

Табиий географик районлаштиришнинг асосий усуслари

1. Етакчи омил усули. Бу ўринда минтақа кўламидаги (регионал) геотизимларни шаклланишида геологик-геоморфологик ва иқлимий омилларнинг етакчи эканлиги ажралиб туради. Айниқса, ҳудудларнинг “қовургаси” ҳисобланган геологик-геоморфологик омиллар ҳудуднинг рельеф манзарасини белгилаб туради. Бу усулда ҳудудга тегишли тармоқ карталар, космик расмлар, манбалар ҳамда физиономик (манзара) индикаторлардан фойдаланиб геокомплекслар чегаралари аникланади. Етакчи омил бошқа омилларга қараганда ҳудудни ўзига хос ҳусусиятларини белгилаб туради.

2. Мавзули (тармоқ соҳалардаги) карталардаги чегараларни инобатга олиб геокомплекс чегарасини аниклаш (метод “наложения”) усули. Бунда геокомплекс чегарасини аниклашда барча компонентлар чегараларини инобатта олмок кўзда тутилади.

3. "Пастдан юқорига" усули. Бунда кичик геокомплекслар, яғни мавжуд бүлгөн типологик карталардан фойдалана-ниб үндән йирикろқ геокомплекслар – худудлар аникланади. Яғни бир-бирига үхшаш геокомплекслар бирлаштирилиб, катта геокомплекслар худудлари аникланади (Проказев, 1983; Исаченко, 1991).

Табиий географик районлаштиришда таксономик бирликларни (таксономик зинапоя) белгилаш ва номлаш мүхим аҳамиятга эга. Бу борада ҳам ҳанузгача ёндашувлар ҳар хил, субъективизмдан холи эмас, яъни бир тұхтамға келингандың эмас. Одатда бир, икки, уч қаторли мінтақавий, зонал мазмунға эга бўлган таксономик бирликлар зинапояси ишлаб чиқилган. Таникли ландшафтшунос А.Г.Исаченко зонал ва азонал омилларни уйғунаштириб ясама-оралик (производный) таксономик бирликларни тавсия қиласади (Исащенко, 1991, 301-бет.). Ландшафтшунос Ш.С.Зокиров эса олимларнинг табиий география фанининг ўрганиш обьекти, предмети ва таксономик бирликлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини тахлил қилиб, хулоса ўрнида қуйидаги жадвални тавсия қиласади:

2-жадвал

Табиий географиянинг ўрганиш обьекти, предмети ва унинг табақаланиши (Зокирев, 1999, 27-бет)

Табиий географиянинг объекти ва унинг табакаланиши	Табиий географиянинг предмети ва унинг куламлари	Табиий географиянинг асосий тармоқлари
---	--	--

Географик қобиқ	Планетар құламдаги, энт катта ва әнг мураккаб табиий географик комплекс	Умумий табиий география ёки Умумий ер билими
Материк Ұлка Зона Провинция Кичик провинция Округ Район	Регионал құламдаги, катта ва мураккаб табиий географик комплекслар	Катта ҳудудлар табиий географияси ёки Регионал табиий география
Ландшафт Жой Уроцише Фация	Топологиқ (махаллий) құламидаги кичик ва одайи табиий географик комплекслар	Кичик ҳудудлар табиий географияси ёки Ландшафтшүнослик

Юқорида қайд қилинганидек, табиий географик районлаштиришда құлланадиган таксономик бирликлар (геокомплекслар зинапояси) ва уларнинг номланишида тадқиқотчилар уртасида ҳамфикрлик йўқ. Масалан, таникли географлар Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай (1964) Ўрта Осиё үлкасини табиий географик районлаштиришда үлка-провинция-провинцияча, округт-район каби таксономик бирликлар погонасини таклиф қиласи. Ўрта Осиё үлкаси доирасида 5 провинция (Марказий Қозогистон, Марказий Тяньшань, Турон, Помир-Тибет ва Эрон) ажратадилар. Шулардан, Шарқий Помир округи Помир-Тибет, Қорабел-Бадхиз ва Копетдоғ округлари эса Эрон провинциясига киритилган. Марказий Қозогистон провинцияси учта, Марказий Тяньшан провинцияси учта ва ниҳоят Турон провинцияси эса 11 та текислик, 5 та тоғли, жами Ўрта Осиё үлкаси доирасида 25 та округ ажратилған.

Кейинчалик эса мазкур Районлаштириш жадвали муаллифлар томонидан такомилаштирилди. Олимлар фақат гина Турон провинциясининг кичик текислик провинцияси

доирасида 9 та табиий ҳудудий округ, 40 район, тоголди ва тоғли кичик провинцияси ҳудудида 14 округ 56 та районни ажратадилар. Жумладан, Қуи Зарабшон округи доирасида Бухоро-Қоракўл, Газли, Сандикли табиий географик районлар ажратилган (Бабушкін, Когай, 1975).

Кейинги йилларда Ўрта Осиё ўлкаси, жумладан, Узбекистон ҳудудини табиий географик районлаштиришга бағишлилангағизланишлар юқорида қайд қилинган олимлар ишларига таянган ҳолда амалга оширилган. Олий таълим ўкув дастурида республика ҳудудида 8 та текислик (Тошкент-Мирзачўл, Фарғона, Зарабшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Қизилкўм, Қуи Амударё, Устюрт) ва 4 та тоғли округлари (Ғарбий Тяньшан, Туркистан-Нурота, Ҳисор-Зарабшон, Боботоғ) ажратилган. Умумтаълим мактаблари дастурида эса Ўзбекистон ҳудуди 9 та табиий географик районга ажратилган: Чирчик-Оҳангандон, Фарғона, Мирзачўл, Зарабшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Қизилкўм, Қуи Амударё, Устюрт (Қориев ва бошқалар, 1981; Ҳасанов, Гуломов, 2002; Узбекистон географик атласи, 2001). Бундай фарқланишлар илмий-услубий ва әмалий қиҳатдан ҳам мунозаралидир.

Хулоса ўрнида қайд қилиш жоизки, табиий географик районлаштириш борасидаги изланишлар ҳам назарий, ҳам әмалий аҳамиятига эга. Унда кўзда тутилган бош мақсад ҳудудлар табиати ва табиий ресурсларини мукаммал ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш ва асрар-авайлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқишидир. Башқача қилиб айтганда, “табиат-аҳоли-жамият” учбирлиги коэволюциясини (уйғун ривожланишини) ҳудудларда оқилона ташкил қилишидир.

Табиий географик районлаштириш туфайли ажратилган минтақавий мақомга эга бўлган геокомплекслардан

республика доирасидаги маъмурий-худудий чегараларни янада такомиллаштиришда, хорижий ва ички инвестицион лойихаларни амалга оширишда улардан табиий худудий асос сифатида фойдаланиш мумкин. Бу геокомплекслар айниқса барқарор ривожланиш йўлида минтақавий сиёсат мөҳияти, кўлами ва шиддатини белгилашда, яъни жамиятни худудларда оқилона ташкил қилишда табиий географик пойдевор вазифасини ўтайди.

Таянч тушунчалар:

Табиий географик районлаштириш, топологик геокомплекслар, ландшафтлар типологияси, ландшафтлар систематикаси, геокомплекслар, геотизим, фалсафий-диалектик қонунлар, узлуксизлик-узлуклилик, метахроник ривожланиш, таксономик поғона, табиий географик районлаштириш бирликлари, регионал геокомплекслар, минтақавий (регионал) геокомплекслар, типологик ландшафтлар, индивид геокомплекслар, табиий географик районлаштириш тамоилилари ва усуллари, ландшафтларни таснифлаш бирликлари, “пастдан юқорига” усули, жой типи, урочише, фация, географик қобиқ, ландшафт қобиғи, ўлка, зона (кенг ва тор маънода), провинция, табиий географик область, район, ареал, “табиат-аҳоли-жамият” учбирлиги коэволюцияси.

Назорат учун саволлар:

1. Табиий географик районлаштириш нима, у нима учун бажарилади, унинг амалий аҳамияти?
2. Ер табиатининг бир бутунлиги ва табақаланишининг (маҳаллийлигининг) фалсафий - диалектик асоси.
3. Табиий географик районлаштириш тарихи.

4. Минтақавий ва типология геокомплексларни табақалаш усулларидағи фарқланишлар
5. Геокомплексларнинг Ер юзида табақаланиш омиллари ва сабаблари.
6. Табиий географик районлаштириш тамойиллари.
7. Табиий географик районлаштириш усуллари ва уларнинг моҳияти.
8. Табиий географиянинг үрганиш обьекти ва предмети.
9. Олий ва умумтаълим мактабларида Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштириш борасидаги фикрлар.

Адабиётлар:

1. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Вопросы географического районирования Средней Азии и Узбекистана. Научные труды ТашГУ, вып. 231, кн. 27, Ташкент, 1964.
2. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Природные территориальные комплексы Юго-Запада Средней Азии. Ташкент, «Фан» 1995, 116 стр.
3. Гвоздецкий Н.А. Основные проблемы физической географии. - Москва, «Высшая школа», 1979, 222 стр.
4. Географический энциклопедический словарь. Москва, "Советская энциклопедия", 1988, 432 стр.
5. Жекулин В.С. Введение в географию. Ленинград, Изд. Ленинградского университета, 1989, 272 стр.
6. Зокиров Ш. Кичик ҳудудлар географияси. Тошкент, "Университет", 1999, 120-бет.
7. Зокиров Ш.С. Ланшафтшуносликдаги энг кичик бирлик хақида. Жанубий Ўзбекистонда география мактабининг шаклланиши ва ривожланиши. Термиз, 2006, 28-29-бетлар.

8. Исаченко А.Г. Ландшафтovedение и физико-географическое районирование. Учебник. Москва, «Высшая школа», 1991, 366 стр.
9. Каримов Иброҳим. Ноосфера: геосиёсат ва мағкура. Тошкент, «Фан», 2007, 208-бет.
10. Каримов Иброҳим, Рустамова М. Фалсафа фани тарихи ва назарияси. Тошкент, 2007, 224-бет.
11. Прокаев В.И. Физико-географическое районирование. Москва, «Просвещение», 1983, 176 стр.
12. Танфиљев Г.И. «Физико-географические области Европейской России». Труды Вольного экономического общества. 1987, №1 стр. 1-30.
13. Ўзбекистон географик атласи. Тошкент, 2001, 56-бет.
14. Ҳасанов И.А., Гуломов П.Н. Ўрта Осиё табиий географияси. Тошкент, 2002, 160-бет.
15. Қориев М. Ўрта Осиё табиий географияси. Тошкент, "Ўқитувчи", 1968, 334-бет.

5-мавзу: ЛАНДШАФТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ВА АМАЛИЁТ

- 1. Ландшафтларни таснифлашнинг мазмун-моҳияти.**
- 2. "Ландшафт" ҳақидаги тушунчалар.**
- 3. Ландшафтларни таснифлаш ҳақидаги фикрлар ва ёндашувлар.**
- 4. Ландшафтларни таснифлаш борасида амалга оширилган тадқиқотлар (Н.А. Гвоздецкий, А.Г.Исаченко, В.А.Николаев, Н.А.Когай, Ш.С.Зокиров, И.К.Назаров ва Х.Р.Тошовларнинг изланишлари).**
- 5. Ландшафтларни таснифлашнинг амалий аҳамияти.**

Ландшафтларни таснифлаш мазмун-моҳиятига кўра ландшафтларни классификациялаш ёки ландшафтлар систематикасидир. Аслида "классификация" систематика атамасидан кўра кенгроқ маънога эга (Реймерс, 1988, 136-бет.). Классификация лотинча "классис"-синф, гурух, туркум, "фацере"-бажариш деган маънога эга. Табиатда мавжуд бўлган нарса ва ҳодисаларни ўзига хос хусусиятларига кўра уларни тартиблаштириш, гурухлаш, туркумлаш демакдир. Бундай тадқиқотлар айниқса биология фанида яхши ривожланган. Масалан, умуртқали ҳайвонлар тўртта синфга (балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, қушлар, сутэмизувчилар) ажратилиди. Улар ўз навбатида туркум-оила-турга бўлинади. Синф-балиқлар; туркум-карпсимонлар; оила-кабилар; тур-сазан қаби. Ҳудаи шундай таснифлаш тизимлари (систематика) ботаника фанида ҳам яхши ишлаб чиқилган. Бошқа фанлар қатори география, айниқса, табиий география фанида ҳам Ер юзасида мавжуд, чин ҳақиқат бўлган геокомплексларни, аниқроғи, ландшафтларни таснифлаш бўйича илмий изланишлар кейинги

йилларда ортиб бормоқда. Гап шундаки, таснифлаш бос-
қичига етиб бормаган илмий изланишлар ҳали тутатилма-
ган, “қиёмига” етмаган деб ҳисобланади (Исаченко, 1991, 231
б.; Зокиров, 1999, 99 б.).

Ландшафтларни таснифлаш мавзусини ёритищдан
аввал “ландшафт” деган атама ва тушунчаларнинг луғавий
маъноси мазмун-моҳияти ҳамда қулами (катта-кичиклиги)
ҳақидаги фикрларни чукур англаш лозим бўлади.

“Ландшафт” атамаси ва тушунчаси география фани
учун энг муҳим аҳамиятга эга. Таниқли табиий географ,
ландшафтшунос, рус олими Ф.Н.Мильков 1967 йилда чоп
эттирган асарида “ландшафт” сузи немис тилидан олинган
булиб, Die Landschaft – ўлка, худуд, урочише маъносига эга
эканлигини таъкидлаб, бу атама К.Бюргернинг (1935)
маълумотига кўра географик адабиётларга немис оғзаки
тилидан, 1805 йилда А.Гоммейер томонидан киритилганини
қайд қиласди (21-бет.).

Мазкур олим навбатдаги-1990 йилда чоп этирган
“Умумий Ер билими” дарслигига эса ландшафт атамаси Die
– er, schaft – ўзаро алоқадорлик, боғланганлик маъносига
эга деб таъкидлайди (1990, 141-бет). Таниқли ўзбек олими,
табиий географ П.Ғуломовнинг “Жуғрофия атамалари ва
тушунчалари” номли изоҳли луғатида “Ланд” – “ер”,
“шафт” – “манзара” маъносига эга деб қайд килинган (2004,
43-бет).

1982 йилда беш тилда чоп этилган “Ландшафтларни
муҳофаза қилиш” (“Охрана ландшафтов”) номли изоҳли
луғатда ва 1988 йилда нашр этилган “Географик энциклопе-
дик луғат”да ҳам Land-er, schaft-суффикс, ўзаро алоқадор-
лик, ўзаро қарамлик маъносига эга эканлиги курсатилган.
А.Рафиқов ва бошқалар томонидан ёзилган “Амалий
география” номли ўкув қўлланмасида “ландшафт” атамаси

"жой" маъносини англатади, деб қайд қилинган (2004, 43-бет). Беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да ландшафт - [нем. Landschaft] – ўлка, мамлакат, манзара, кўриниш маъносига эга эканлиги битилган (Тошкент, 2-жилд, 2006, 486-бет).

Тизимлар ҳақидаги назариянинг бошқа фанлар қатори география фанига кириб келиши туфайли "ландшафт" ўрнига "геосистема" атамаси ва тушунчasi оммалашмоқда. Академик В.Б.Сочава 1963 йилда табиий ландшафт ўрнига "геосистема" (географик система) атамасини фанга киритди Кейинги йилларда бир қатор таникли географ олимлар "геосистема" атамасини "табиий ҳудудий комплекс", "ландшафт" атамасини синоними сифатида талқин қилмоқдалар (Исаченко, 1991, 1998; Мильков 1990; Жекулин, 1989 ва бошқалар).

Иккинчидан, "геосистема" атамаси комплекс мазмунга эга бўлган "табиий географик геосистема", "иктисодий-ижтимоий геосистема" тарзида ҳам эътироф қилинади.

Учинчидан, "геосистема" атамаси интеграл, яъни умум-географик мазмунга эга бўлган ҳудудлар сифатида ҳам талқин қилинади. Бундай ёндашув истиқболга эга. Биринчидан, ҳозирги даврда Ер юзида антропоген таъсиридан четта турган бирорта ҳудуд қолмади. "Табиат – аҳоли - хўжалик" учбирлиги тобора тақомиллашиб бормоқда. Иккинчидан, география ўз моҳияти билан тизимли фан бўлиб, у эртами-кечми, ушбу қулланманинг кириш қисмida қайд қилинганидек, интеграл мазмундаги ҳудудий тизимларни ўрганадиган фанга айланиши зарур. Лекин айни даврда "ландшафт" атамаси ва тушунчasi "геосистема" атамасига нисбатан оммалашган, давлат қонунлари, хужжатларида ўз аксини топган ва кундалик хаётда қулланиб келаётган тушунча сифатида эътиборга

лойик. Келгусида умумгеографик мазмунга эга бўлган “геосистема” атамасини истеъмолга киритиш зарур.

“Ландшафт” тушунчасининг мазмуни ва қўлами ҳақида ҳам яқдиллик йўк. Бу ҳам ўз навбатида ландшафтларни ўрганиш ва таснифлашда ўзига хос қийинчиликлар туғдиради.

Ландшафтларнинг мазмун-моҳияти ҳақида олимлар ўртасида қуйидаги талқинлар мавжуд:

- Ландшафт-табиий комплекс, мажмуа, мужассама. Ўз моҳияти билан “табиий ҳудудий комплекс”, “табиий - ландшафт” синоними маъносига эга;
- ландшафт – хусусий (родовое) мазмунга эга, деб талқин қилинади. Масалан, табиий ландшафтлар, антропоген ландшафтлар, шаҳар ландшафтлари, агроландшафтлар каби;
- ландшафт табиий ва антропоген (табиат-аҳоли-хўжалик) мазмунга эга бўлган мураккаб, интеграл геокомплекс деган фикрлар ҳам бор.

Бундан ташқари, олимлар ўртасида ландшафтларнинг ҳудудий қўлами (катта-кичикилиги) түғрисида ҳам уч хил ёндашув мавжуд.

1. Ландшафт-турли катталикдаги геокомплексларни ифода этадиган тушунча. Яъни географик қобиқдан фация ёки ландшафт туригача бўлган барча геокомплексларга тегишли таксономик бирликларни қамраб олади. Бу ғоянинг фаол тарғиботчиси Ф.Н.Мильковдир. У С.С.Неуструевни мазкур талқиннинг асосчиси деб хисоблайди. Бу ғояни Д.Л.Арманд, В.И.Прокаев, Ю.К.Ефремов А.А.Абдулқосимовлар ҳам эътироф киладилар.

2. Ландшафтлар – регионал мақомга эга бўлган табиий комплекс ёки географик индивидиум. Уни минтақавий (регионал) бирликларнинг энг кичиги, яъни

"табиий географик район"нинг синоними деб талқин қиладилар. А.Г.Исаченко "ландшафтлар", "географик район"нинг мазмундоши, у ўзига хос географик андаза (эталон), қайсики унда "зонал, азонал ҳусусиятлар мужассам". У геотизимлар таксономик погонасида "тутун" (узловое) ўрнини эгаллади ва ер юзида бир нусхада учрайдиган минтақавий (регионал) бирликларнинг энг кичиги, деб ҳисоблайди (1979, 112-бет.)

3. Ландшафт типологик мазмунга эга бўлган, сифат жиҳатдан (нисбий бир хиллиги) фарқланадиган ва ҳудудий тақрорланадиган, асосан, кичик (тарқоқ ареалли) кўламдаги геокомплексдир. Таниқли табиий географ Н.А.Гвоздецкий таъбири билан айтганда, ландшафт-типологик геокомплексларнинг умумий тушунчасидир, у тупроқшуносликдаги тип, кичик тип, тур, геоморфологиядаги рельеф типи каби мақомга эга, деб таъкидлайди (1979, 132-бет.). Ландшафтни типологик комплекс сифатида талқин қилиб, унинг морфологик қисмлари ҳақидаги таълимотнинг асосчиси (Ф.Н.Мильков фикри бўйича, 1981, 324-бет.) геоботаник-тупроқшунос Л.Г.Раменскийдир (1884-1953). Б.Б.Полинов, Э.М.Мурзаев, Н.А.Когай каби таниқли олимлар ҳам ландшафт тўғрисида типологик ғоя тарафдорлари ҳисобланади.

Мазкур учинчи ғоя, яъни ландшафтлар типологияси (классификацияси, систематикаси) табиий географлар учун кейинги даврда энг долзарб илмий муаммога айланди. Чунки типологик геокомплекслар инсонларнинг кундалик ҳаёти, ижтимоий меҳнати, яшashi учун айни макондир. У ризқ-рӯз манбаи ва жисмоний, маънавий юксалиш учун табиий асосдир.

Ландшафтларни типлаштиришни (таснифлашни) ландшафтларни районлаштириш деса ҳам бўлади. Чунки

ландшафтларни таснифлаш табиий географик районлаштиришнинг узвий давомидир. Улар уртасида ҳар томонлама диалектик боғлиқлик мавжуд.

Фалсафий-диалектик нұқтаи назардан қараганда, типологик комплекслар катта геотизим ичидаги кичик геотизимлардир. Худди “коса ичидаги нимкосаларга” үшшаб кетади.

Типологик геокомплекслар минтақавий қуладағы геокомплекслардан қуидеги асосий жиҳатлари билан фарқ қиласы:

- құламининг (ареалининг) нисбатан кичиқлиги;
- уни ташкил қылған компонентларнинг бирхиллиги, яъни сифатий күрсаткичларининг устуворлиги;
- уларнинг үхшаш нусхаларини бошқа жойларда (минтақаларда) ҳам тақрорланиши, яъни мавжудлиги;
- уларнинг келиб чиқиши, морфологик қисмларининг аксарият ҳолларда маҳаллий омиллар билан боғлиқлиги;
- инсоннинг кундалик амалиёти билан бевосита боғлиқлиги.

Ландшафтларни таснифлаш ва уларни номлаш буйича фикрлар, ёндашувлар ханузгача ҳар хил, яъни бир тұхтамга келинган эмас.

Танқили ландшафтшунос Ф.Н.Мильков типологик геокомплекслар морфологик (ташки) бир хил бұлиб, минтақавий геокомплекслардан ареалининг узук-юлуқлиги (тарқоқли) билан таснифланади, деб қайд қиласы. Типологик геокомплекслар минтақавий чегараларга қарамасдан бошқа минтақаларда ҳам үхшашлашира гэа. Ф.Н.Мильков буйича типологик бирликлар қуидеги занжирдан иборат: ландшафтлар бұлыми – синф (тоғ, текислик, тоғолди, тоғ оралиғи ботиқлари) – тип – (тундра, тайга, үрмөн дашт, дашт, чұл) – жой типи –

урочише типи – фация типи. Унинг фикрича, ландшафт типи габиат зонасини акс эттирса-да, унинг мазмунни ўзгачадир. Муаллиф мінтақавий ва типологик комплекслар (иккى категория) бир-бираiga қарама-қарши бўлмай, балки бир-бирини тўлдиради, деб қайд қиласи (1990, 160-бет.).

Таникли ландшафтшунос А.Г.Исаченко ландшафтларни таснифлашда ландшафтлар типи - кичик типи – синфи - кичик синфи ва тури, яъни беш поғонали таксономик бирликларни тавсия этади ва асослайди (1991, 237-бет.).

1. Ландшафт типи – бу табиат зоналари, яъни энг катта типологик бирлик булиб, уларнинг шаклланишида Ер юзида иссиқлик ва намликтининг нотекис тақсимланиши ва муносабатлари асосий ўрин тутади.

2. Кичик тип – зоначалар (шимолий, ўрта ва жанубий урмон зонасиги каби). Бу тұлақонли зоналар учун хос (урмон, дашт, чўл кабилар учун). Ўткинчи зоналар эса (урмон-тундра, ўрмон-дашт) бундан мустасно.

3. Ландшафт синфини (төг ва текислик) ажратишида гипсометрик омил етакчи.

4. Ландшафтнинг кичик синфи учун ҳам гипсометрик пойдевор етакчи (паст, ўрта, баланд төг каби);

5. Ландшафтлар турида (вид) петрографик омил, унинг негизи ва компонентларнинг бир хилиги кабилар асосий ўрин тутади.

Муаллиф дунё қуруқликлари доирасида 29 ландшафт типини (картада 25 та) ажратади (1991, 237-239-бетлар).

Ландшафтларни таснифлаш бўйича Москва давлат университетининг профессори В.А.Николаев (1979) томонидан тавсия қилинган кўп поғонали тасниф кўпчилик географлар томонидан эътироф этилмоқда (Зокиров, 1999, 102-бет). Олим Қозогистон даштларига тааллуқли мальумотлар асосида Ер юзидағи барча ландшафтларни тасниф-

лаш учун қуїидаги бирликлар зинапоясини (12 та) тавсия этади: бўлим (куруқликлар ва сувликлар) – қисм (географик минтақалар) – синф (тоғ ва текислик) – кичик синф (пастқам, паст ва баланд текисликлар) – гурӯҳ (элювиал, ярим гидроморф, гидроморф) – тур (тундра зонаси, чўл зонаси) – кичик тур (шимолий чўллар, жанубий чўллар) – тоифа (рельефнинг генетик турлари асосида) – кичик тоифа (литологик таркиб асосида), хил – (ландшафтларнинг морфологик қисмлари асосида) – вариант ёки кичик хил (ландшафтларнинг морфологик қисмлари асосида). В.А.Николаевнинг ушбу тасниф жадвали кўпгина географлар, айниқса, ўзбек географлари (А.Рафиков, И.А.Хасанов, Н.А.Когай, Ш.С.Зокиров) томонидан қўллаб-кувватланиб келинмоқда.

Таникли олим Н.А.Когай (1982) Ўзбекистон Республикаси ҳудудини таснифлашда ўзига хос беш погонали таксономик бирликларни таклиф қиласди. Булар ландшафтлар синфи - ландшафт гурӯҳи - ландшафт типлари - ландшафт авлодлари - ландшафт турларидир. Муаллиф Ўзбекистоннинг чўл зонаси, адир, тоғ ва нивал-муз минтақалари ландшафт типлари доирасида тегишли равишда 33,11,4 ва 2 та, жами 50 та ландшафт турларини ажратади (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон ландшафтларини таснифлаш (Н.А.Когай, 1982)

Атлас Узбекистана, стр. 105)

Туркумлаш бирликлари	Белгилари (хўсусиятлари)	Ландшафтлар	Ландшафтлар тури, рақами
Синфлар	Морфотектоник курсаткичларига кўра	Текислик ландшафтлари, тог ландшафтлари	1-34, 40(2,21 дан ташқари) 2-21, 35-50 (40 дан ташқари)

Гурухлар	Юнилиш даражасига кўра геокимёвий таркиби	Автоморф, ярим гидроморф, гидроморф	1-7, 10-21, 34-38, 41-48, 22-26, 32-33, 39, 49, 8-9, 27-34, 40
Типлар	Биоиклиний кўрсаткичларига кўра	Чул ландшафтлари	1-33
		Чўла-дашт ва куруқ-дашт ландшафтлар	34-44
		Урмон-утлоқ ландшафтлари	45-48
		Дашт, утлоқ-дашт ва гляциал-нивал ландшафтлар	49-50
Авлодлар	Рельеф типи ва ер-бетидаги геологик жинсларга кўра	Устюрт платосининг оҳакли чул ландшафтлари	1,3,4, 6-8
		Паст гофларинг чул ландшафтлари (Кулжуктов, Томдитов, Букантов)	2-21
Турлар	Морфологик таркиби, негизи, ўсимлик қоплами ва тупроқларига кўра	Тақирсизмон тупроқлардаги аралаш саксовузлорлар	25
		Тўқ буз ва жигарранг тупроқли эфеменали буглоинклар	45

Ландшафтшунос олим Ш.С.Зокиров Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган ҳудудни таснифлашда етти поғонали таснифлаш бирликларини тавсия этади: қисм (мұльтадил ва субтропик чұллар) – синф (тог ва текислик) – кичик синф (аккумулятив, денудациян баланд текислиklар) – гурух (автоморф, гидроморф, ярим гидроморф) – тур (шимолий, жанубий чұллар) – тоифа (рельефнинг генетик турлари бўйича) – хил (күмли чул тупроқли оқ саксовуззор, күмли чул тупроқли эфемерлар аралашган псаммофит бутазорлар (Зокиров, 1999, 106-107-бетлар).

Хулоса ўрнида қайд қилиш жоизки, ҳалигача ландшафтларни таснифлаш ва унинг бирликларини номлаш буйича ёндашув ва фикрлар шунчалик кўпки, бу тадқиқотчиларни

чалкаштиради, энг ёмони, география фанининг нуфузини пасайтиради. Юқорида келтирилган таснифларни мөъёрига етказилган даражада бажарилган деб бўлмайди. Уларнинг фалсафий-назарий, географияга ёндош фанлардаги гоялар билан уйғуналиги, амалиётта яқинлиги борасида мунозарали томонлари бор. Бу ҳолни, энг аввало, география фанининг урганиш обьекти моҳиятининг (табиий, ижтимоий-иктисодий) ута мураккаблиги ҳамда фаннинг назарий асосларини ҳалигача, ҳозирги давр талаблари асосида мукаммал ишлаб чиқилимаганилиги деб тушунмок лозим (4-жадвал).

Фалсафий тил билан айттанды, юқорида қайд қилинган тадқиқотларни табиатда мавжуд чин ҳақиқат бўлган ландшафтларни билиш йўлидаги боскичма-боскич қўйилган “қадамлар” деб баҳолаш жоиз. Мазкур тадқиқотлар, биринчидан, тарихийлиги, илмий моҳияти билан қадрли бўлса, иккинчидан, улар “мулоқот мавзуси” яъни, янги изланишлар учун таянч пойдевор булиши билан эътиборидир.

Қўлланма муаллифи фалсафий-диалектик қонунилар, тупроқшунос, геоботаник, ландшафтшунос ва чўлшунос олимларнинг илмий ёндашувлари ҳамда ўзининг узок йиллар давомида олиб борган илмий изланишларига таянган ҳолда чўл-яйлов ландшафтларини (Бухоро вилояти мисолида) таснифлаш ва унинг бирликларини номлашда кўйидаги тамойилларга таяниш лозим деб хисоблади:

1. Фалсафий-диалектик тамойил. Яъни борлиқнинг доимо ҳаракатда, ўзаро боғлиқ ва ривожланишда эканлиги тамойили. Айниқса, ландшафтларнинг сифат кўрсаткичларини белгилашда “микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш” қонунини инобатга олиш тамойили.

Ландшафтларни таснифлаш (систематикасы) бүйнчы олиммад томонидан таклиф килингандай

4-жадвал

типолотик геокомплекслар бирліктері

Н.А. Гоздец- кий (1979)	В.А. Николаев (1979) (Ш. С. Зекирров таржимасы бүйнчы, 1999)	Н.А. Когай (1982) (Узбекистон худауди миссионда)	Ш.С. Зекирров (1990) (Амудар- Сирдарә оралығы миссионда)	И.К. Науаров ва Х.Р. Тополов (2008) (Бухоро милологияның чу- яйлов зонасын миссионда)
<p>1. Синф</p> <p>2. Тип</p> <p>3. Кичик тип</p> <p>4. Гурұх</p> <p>5. Түр</p> <p>6. Булым (куруқлик өс сувынк)</p> <p>7. Кисм (минтака)</p> <p>8. Кичик хисм (сектор)</p> <p>9. Синф (төг өс техислик)</p> <p>10. Кичик синф (Паст төг...)</p> <p>11. Гурұх (тиароморф/авто-морф)</p> <p>12. Тип (зонада)</p> <p>13. Кичик тип (зонада)</p> <p>14. Авлод</p> <p>15. Тур</p> <p>16. Түр (зонада)</p> <p>17. Тип (зонада)</p> <p>18. Кичик түр (зонада)</p> <p>19. Топфа (рельеф, морфогене - тик омыл)</p> <p>20. Кичик тоңфа</p> <p>21. Хил (ландшафттарнан морфологик түзилиштегі курал)</p> <p>22. Вариант (кишінк хил)</p>	<p>1. Булым (куруқлик өс сувынк)</p> <p>2. Кисм (минтака)</p> <p>3. Кичик хисм (сектор)</p> <p>4. Синф (төг өс техислик)</p> <p>5. Кичик синф (Паст төг...)</p> <p>6. Гурұх (тиароморф/авто-морф)</p> <p>7. Тур (зонада)</p> <p>8. Кичик түр (зонада)</p> <p>9. Топфа (рельеф, морфогене - тик омыл)</p> <p>10. Кичик тоңфа</p> <p>11. Хил (ландшафттарнан морфологик түзилиштегі курал)</p> <p>12. Вариант (кишінк хил)</p>	<p>1. Синф (зонада)</p> <p>2. Гурұх</p> <p>3. Тур</p> <p>4. Авлод</p> <p>5. Гурұх (тиароморф/авто-морф)</p> <p>6. Булым (куруқлик өс сувынк)</p> <p>7. Кисм (минтака)</p> <p>8. Кичик хисм (сектор)</p> <p>9. Синф (төг өс техислик)</p> <p>10. Кичик синф (Паст төг...)</p> <p>11. Топфа</p> <p>12. Тип (зонада)</p> <p>13. Кичик тип (зонада)</p> <p>14. Кичик синф</p> <p>15. Тур</p> <p>16. Топфа</p> <p>17. Хил (куруқлик өс сувынк)</p> <p>18. Кичик түр (зонада)</p> <p>19. Кичик тоңфа</p> <p>20. Вариант (кишінк хил)</p>	<p>1. Тип (зонада)</p> <p>2. Кичик тип (зонада)</p> <p>3. Синф (төг өс техислик)</p> <p>4. Кичик синф</p> <p>5. Тур</p> <p>6. Топфа</p> <p>7. Хил (куруқлик өс сувынк)</p> <p>8. Кичик түр (зонада)</p> <p>9. Топфа</p> <p>10. Кичик тоңфа</p> <p>11. Хил (ландшафттарнан морфологик түзилиштегі курал)</p> <p>12. Вариант (кишінк хил)</p>	<p>1. Зона(чұл)</p> <p>2. Синф (төг өс техислик)</p> <p>3. Кичик синф (паст төг...)</p> <p>4. Тип (кумын чұл, шүрекелін чұл, гілдам чұл...)</p> <p>5. Кичик тип (куым кумлар)</p> <p>6. Тур (барханнан кумлар)</p>

Издей: Ф.Н.Мінъярғов үз нағыбаттағы жаңашафт комплексларын : материк – минтака (гор маңнода, янын матерік амирасыда) – зона (гор маңнода) – провинция – район; типология комплексларга жаңашафт бүлімні (отдел) – синфи типи - жой типи – уроцишке типи – нағация типларын кірітады (1990, 154 – 159-бетлар)

Бунда ландшафтлар (геотизимлар) күлами кичрайған сари уларнинг “нисбий бирхиллиги” ортиб бориши ва ниҳоят бу миқдорий үзгариш шундай босқичга қутариладики, натижада ландшафтларнинг ўхшаш нусхалари бошка ҳудудларда ҳам пайдо бўлади. Худди ана шундай ҳудулий тақрорланадиган ландшафтларни асл (тор) маънодаги типологик ландшафтлар деб аташ ўринли бўлади. Бундай геокомплексларга ландшафтнинг типи - кичик типи ва тури киради. Ушбу бирликлардан катта бўлган геокомплекслар ҳам маълум даражада сифатий қўрсаткичларга эга. Бироқ уларда ҳудуд катталашган сари бир хиллик камайиб, таркиби мураккаблашиб, индивидуаллик қўрсаткичлари ортиб боради. Булар кенг маънодаги типологик геокомплекслардир.

2. Объективлик тамойили. Ушбу тамойил фалсафада, табиий географик районлаштиришда муҳим бўлгани каби, ландшафтларни таснифлашда ҳам жуда зарурдир. Мазкур тамойил табиатда мавжуд чин ҳақиқат бўлган ландшафтларга яқин ёндошиш, яъни, табиат зонаси, тоб, текислик, сувлик, тўқай, шурхок, қумлик каби борлиқни худди ўзидек англаш, идрок этиш, ифодалашдир (Иб. Каримов, Рус-тамова, 2007, 201-202-бетлар.).

3. Ландшафтларни таснифлашда “ландшафт” тушунчисини кенг ва тор (асл) маънода тушуниш тамойили. Таниқли ландшафтшунос В.А.Николаевнинг таъбири билан айтганда (1979), ландшафтга фақат регионал бирлик ёки фақат типологик бирлик деб қараш бир ёқламаликка олиб келади. Ҳар бир ландшафт қайси катталикда бўлмасин, маълум даражада типологик умумийликнинг бир қисмидир (Зокиров, 1999, 47-бет).

Регионал геокомплекслар билан типологик комплекслар ўртасида кескин чегара йўқ. Чунки ландшафтлар модда, энергия оқимлари туфайли бир-бири билан чамбарчас

богланган. Катта күламдаги геокомплекслар кичик күламдайлар учун яшаш, ривожланиш мухитидир. Ландшафт көнг маңнода: ландшафтлар зонаси-синфи-кичик синфини англатса, асл (тор) маңнода эса, ҳудудий тақрорланадиган (тарқоқ ареалли) ландшафт типи ландшафтнинг кичик типи ва турини англатади. Агар тор (асл) маңнодаги типологик ландшафт бирликлари тан олинса, уларга ёнма-ён қўйиладиган жой типи, урочише, фациялар каби топологик комплексларни излашга ҳожат қолмайди, яъни кичик геокомплексларни ўрганиш йўлидаги чалкашликлар асосли равишда барҳам топади.

4. Ландшафтларни таснифлаш бирликларини аниқлашда ва номлашда географияга ёндош бўлган тупроқшунослик, геоботаника, чўлшуносликда қулланадиган тушунча ва ибораларни инобаттга олиш, яъни бу борада фанлараро үйғуникини таъминлаш тамойили. Модомики, ландшафтшунослик мажмуали, синтезга асосланган фан экан, бу вазифа, энг аввало унинг зиммасида бўлмоғи лозим. Геоботаникада ўсимликлар типи (псаммофил, гипсофил, галофил, петрофил), тупроқшуносликда “тупроқ типи”, тупроқнинг “кичик типи”, “тури”, чўлшуносликда “чўл типи”, яйловшуносликда “яйловлар типи” каби атама ва тушунчалар мавжуд. Чўлларни типлаштириш табиий ресурсларини ўрганиш ва улардан фойдаланишда бундай типологик тушунчалар қачонлардир амалиётда ўз исботини топган (Бабаев ва бошк., 1986).

5. Тадқиқот обьектини танлашда уни истеъмолчига, амалиётта яқинлаштириш тамойили (Бозор иқтисодиёти тамойили). Ҳозирги кунда кўпгина табиий географик тадқиқотлар табиий чегаралар доирасида олиб борилади. Масалан, “Қуий Зарафшон”, “Зарафшон дельтаси”, “Қорақўл дельтаси” каби. Бундай ҳудудларнинг бевосита “эгаси”, “хўжайини” йўқ. Натижада ушбу мавзуда бажарилган

тадқиқотлар табиатдан фойдаланувчиларга тушунарли эмас. Унинг моҳияти “етиб бормайди”. Бундан ташқари, табиатга, иқтисодий-ижтимоий ҳаётга оид мониторинг маълумотлари маъмурий ҳудудлар доирасида олиб борилади. Шу сабабли табиий географик тадқиқотларни имкони борича маъмурий чегаралар доирасида олиб бориш, яъни ижтимоий талаб билан уйғунаштириш мақсадга мувофиқ. Таъкидаш жоизки, ушбу тамойил асосида олиб борилган изланишлар айни ҳудудга хос бўлган минтақавий, маҳаллий табиий географик қонуниятларни инобатта олган ҳолда бажарилмоғи лозим.

Бухоро вилояти чўл-яйлов зонаси ландшафтлари юкорида қайд қилинган тамойилларга таянган ҳолда “ландшафт зонаси” - “ландшафтлар синфи” - “ландшафтлар кичик синфи” - “ландшафт типи” - “ландшафтнинг кичик типи” - “ландшафт тури” бирликлари асосида таснифланди (2-чизма). Ушбу таснифлаш бирликларининг айримлари кўпгина тадқиқотчилар томонидан асосланган. Шунга қарамасдан, уларнинг энг муҳим хусусий белгиларини келтирамиз:

Ландшафт зонаси. Ушбу геокомплексни белгилайдиган асосий омиллар иссиқлик ва намликнинг Ер юзида нотекис тақсимланишидир. Чўл зонаси ҳам мазкур қонуниятнинг маҳсули. Зоналлик табиий географик қонуниятларнинг қонуни булиб, барча абиотик, биотик ҳатто иқтисодий-ижтимоий жараёнлар ҳам мазкур қонунга уйғун ҳолда кечади. Бухоро вилояти ҳудуди тўлигича чўл зонасида жойлашган.

Ландшафтлар синфини белгиловчи асосий омил ҳудуднинг морфотектоник ва у билан боғлиқ бўлган хусусиятлардир. Вилоят ҳудудида текислик ва тог синфлари намоён. Мавжуд тоғлар ер-бетида аниқ ифодаланган бўлса-

да (Кулжуктov, 785 м), чүл зонасининг паст тогларига хос геологик, геоморфологик ва биоиклимий хусусиятларга эга.

Ландшафтнинг кичик синфининг асосий белгиси гипсометрик омил ва у билан боғлик бўлган табиий жараёнлардир. Шу билан бирга, бу омил тупроқларнинг сув режими, ер ости ва ер усти сувларининг йўналишини ҳам белгилаб туради. Бунга Кулжуктov (785 м.) ва Кўкчатов (485 м.) худудлари киради.

Вилоят ҳудудида ландшафтларнинг 5 та кичик синфи (паст тоғлар, пастқам текисликлар, баланд текисликлар, алоҳида ифодаланган плато, қир-тепалар ва берк ботиқлар) ўз ифодасини топган.

Ландшафт типи. Тор (асл) маънодаги типологик гео-тизимларнинг энг йириги ва асосийсиdir. Унинг шакла-нишида лито-эдафик омил (рельеф, литология, тупроқ қоплами) асосий ўрин тутади. Бу омил ландшафт ҳосил қилувчи омиллар ичидаги нисбатан барқарор бўлиб, ландшафтнинг пойдевори ҳисобланади ва литоэдафик шароитни белгилаб туради. “Ландшафт типи” тупроқшуносликтаги “тупроқ типи”, геоботаникадаги “усимликлар типи” каби тушунчалар билан мазмуңдош бўлиб бир-бирини тўлдиради. Энг муҳими, бундай ёндашув амалиётта-ишлаб чиқаришга яқин туради. А.Г.Исаченко (1998) ибораси билан айтганда, “операцион бирлик” ҳисобланади (2-чизма).

Бухоро вилояти ҳудуди доирасида 16 та “ландшафт типи” литоэдафик омил асосида ажрагилди ва улар маҳаллий сув, яйлов имкониятларини ўрганиш, баҳолаш ва карталаштириш учун ҳудудий асос қилиб олинди.

Ҳар бир “ландшафт типи” ўз навбатида “нисбий бир хиллик” тамоили асосида “ландшафтнинг кичик типи”, “ландшафт турлари”га бўлинади. Мазкур типологик геотизимларни тадқиқ этиш бўлгуси изланишларнинг вазифасидир.

Бухоро вилоятни ландшафтларининг типологик тасиши



Изоҳ: 1. Ландшафт типлари ўз нафбатида ландшафтнинг кичик тили ва турларига бўлинади.

2. Вилоят чўл-яйлов худудида аҳоли манзилгаҳлари ва йул ландшафтлари алоҳида ландшафт бирлигини ҳосим қиласди.

3. Сувли: А-чучук сувли Б-зовур-ташлама кўли

Юқорида қайд қилинган тамойиллар асосида И.К.Назаров, Х.Р.Тошов томонидан Бухоро вилоятининг чўл-яилюв зонаси ландшафтлари таснифланыди ва ландшафт типлари картаси яратилди. Мазкур ёндашувлар асосида ландшафтларнинг яйлов ва маҳаллий сув имкониятлари баҳоланди (№9- мавзута қаранг). Албатта, чўл ландшафтларининг агроимкониятлардан самарали фойдаланишни кўзда тұттан ушбу таснифлаш тамойиллари, усуллари, ёндашувлар камчиликлардан холи эмас. Келгусида уларни янада тақомиллаштириш ва чўл ландшафтларининг бошқа ресурсымкониятларидан ҳам самарали фойдаланиш йулида географлар зиммасига масъулиятили вазифалар турибди. Қайд қилиш жоизки, келгусида амалга ошириладиган иланишлар “табиат-аҳоли-жамият” учбирлиги коэволюциясини худудларда оқилона ташкил қилишга, яъни умумгеографик синтез асосида бажарилиши талаб этилади. Изланишларнинг марказида эса Коинотнинг “гултожиси” бўлан Инсон манфаатлари ўз ифодасини топмоги лозим.

Таянч тушунчалар:

Ландшафт, табиий худудий комплекслар, геосистема, ландшафтлар классификацияси, ландшафтлар типологияси, ландшафтлар топологияси, ландшафтларни таснифлаш, жой типи, урочише, фация, географик қобиқ, ландшафт қобиги, ўлка, зона, провинция, табиий географик Область, район, ареал, ландшафтлар синфи, ландшафтларнинг кичик синфи, ландшафт типи, кичик типи, тури, ландшафтларнинг агроресурслари, “табиат-аҳоли-жамият” учбирлиги коэволюцияси, фалсафий- диалектик тамойил, объективлик тамойили (чин ҳақиқатлиги), ландшафтни кенг и тор (асл) маънода тушуниш тамойили, фанлараро уйғунликни таъминлаш тамойили, умумгеографик синтез.

Назорат учун саволлар:

1. Ландшафтларни таснифлаш ва унинг мазмун – моҳияти.
2. “Ландшафт” атамасининг луғавий маъноси ҳақидаги фикрлар.
3. “Ландшафт” тушунчасининг қулами (катта-кичиликлиги) ҳақидаги фикрлар.
4. “Ландшафт” тушунчасининг мазмун – моҳияти ҳақидаги фикрлар.
5. “Геосистема” атамасининг мазмун – моҳияти ҳақидаги фикрлар.
6. Минтақавий (регионал), типологик ва топологик геокомплекслар ўртасидаги фарқланишлар.
7. Ландшафтларни таснифлаш бўйича Н.А.Гвоздецкий ва А.Г.Исаченко фикрлари.
8. Ландшафтларни таснифлаш бўйича В.А.Николаев, Н.А.Когай, Ш.С.Зокиров фикрлари.
9. Ландшафтларни таснифлаш бўйича И.К.Назаров, Х.Р.Тошов томонидан таклиф қилинган асосий тамоилилар ва таснифлаш бирликлари.
- 10.Ландшафт ресурсларини баҳолаш борасидаги тадқиқотлар.
- 11.Ландшафтларни таснифлашни такомиллаштириш борасидаги фикрлар.

Адабиётлар:

1. Бабаев А.Г., Зонн И.С., Дроздов Н.Н., Фрейкин З.Г. Природа мира. Пустыни. Москва, «Мысл», 1986, 318 стр.
2. Гвоздецкий Н.А. Основные проблемы физической географии. Москва, «Высшая школа», 1979, 222 стр.
3. Ғуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. Тошкент, «Ўқитувчи», 1994, 144-бет.

4. Зокиров Ш. Кичик худудлар географияси. Тошкент, "Университет", 1999, 120 бет.
5. Зокиров Ш.С. Ланшафтшунослиқдаги энг кичик бирлик ҳакида. Жанубий Узбекистонда география мактабининг шакланиши ва ривожланиши. Термиз, 2006, 28-29-бетлар.
6. Исаченко А.Г. География сегодня. Пособие для учителей. М.: "Просвещение", 1979, 192 стр.
7. Исаченко А.Г. География в современном мире. Москва, "Просвещение", 1998, 160 стр.
8. Исаченко А.Г. Ландшафтovedение и физико географическое районирование. Учебник. Москва, «Высшая школа», 1991, 366 стр.
9. Каримов Иброхим, Рустамова М. Фалсафа фани тарихи ва назарияси. Тошкент, 2007, 224 бет
10. Мильков Ф.Н Основные проблемы физической географии. Москва, Изд. «Высшая школа», 1967, 252 стр.
11. Мильков Ф.Н. Общее землеведение. Москва, «Высшая школа», 1990, 335 стр.
12. Назаров И.К., Тошев Х.Р. Чүл ландшафтларини таснифлашнинг асосий тамойиллари (Бухоро вилояти мисолида). Узбекистон география жамияти ахбороти, 32-жилд. Тошкент, 2008, 18-20-бетлар.
13. Николаев В.А. Проблемы регионального ландшафтования. Москва, 1979, 160 стр.
14. Охрана ландшафтов. Толковый словарь. Москва, «Прогресс», 1982, 272 стр.
15. Реймерс Н.Ф. Основные биологические понятия и термины. Москва, Просвещение, 1988, 319 стр.
16. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах. Новосибирск, «Наука», 1978. 320 с.
17. Тошов Х.Р. Чүл ландшафтлари ва уларнинг агроимкониятларидан самараали фойдаланиш (Бухоро

вилояти мисолида). География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент, 2008, 26 бет.

18. Узбек тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2006, 671 бет.

19. Rafiqov A., Vahobov H., Qayumov A., Azimov Sh. Amaliy geografiya. Toshkent, “Sharq”, 2004, 160 b.

6 - мавзу: ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ: МУАММОЛАР ВА АМАЛИЁТ

Режа:

1. География ва экология фанлари ўртасидаги ұхшашик ва фарқланишлар.
2. Геоэкологик (географик экология) ғояларнинг ривожланиши.
3. Геоэкология – интеграл умумгеографик фан.
4. Геоэкологик тадқиқотлар буйича устувор йуналишлар.

Хозирги даврда экология билан боғлиқ муаммолар ва унинг оқибатлари кундалик ҳаёт билан чамбарчас құшилиб кетдики, уларни англаш ва ечимини топиш ҳамда уларга риоя килиш кундалик заруриятта айланди.

Экология фанининг илмий жиҳатларига бириңчи бұлиб биологлар киришган. Бу атама 1866 йилда немис зоологи Эрнест Геккель (1834-1919) томонидан ёзилған икки жылдды “Организмларнинг умумий морфологиясы” асарыда тилга олинган. Атаманинг луғавий маъноси юонча oikos – “үй”, “яшаш жойи” маъносига эга. Бу сұз илк бор физиологик нұқтаи назардан талқын қилинган, янын биологик турлар билан уларни үраб турған табиий мухит (ёруғлик, иссиклик, рельеф, тупроқ қоплами каби омыллар) ўртасидаги боғлиқлик ва модда алмашинуви күзда тутилған. Бошқача қилиб айттанда, муаммога биоцентрик нұқтаи назардан ёндашилған. Бунда тур “хұжайин”, уни үраб турған табиий шароит эса, “үй”, “яшаш жойи” сифатида қаралған. “Үй” доимо “хұжайин” учун “хизматда” деб тушунилған.

Экология түшүнчесининг мазмун-моҳияти кейинчалик биология фаны доирасида үзгариб, такомиляшиб борди ва янги атама ва түшүнчалар билан бойиб келди.

1877 йилда немис гидробиологи К.Мёбиус (1825-1908) фанга "биоценоз" атамасини киритди. Бу атама грекча "биос"-хаёт, "кайнос"-умумий, яъни бир-бири билан боғланган ўсимлик ва ҳайвонот жамоасининг, қуруқлик ёки сувли ерларнинг маълум жойи (гӯшаси) учун хос бўлган мажмусини англатади. Бу тушунча табиатнинг бир бутунлиги ва тизимли таркибга эга эканлигини тушуниш йулидаги муҳим қадамлардан бири эди.

Инглиз ботаниги Артур Тенсли (1871-1955) 1935 йилда "экосистема" атамасини асослайди. Бу грекча *Oikos* – "үй", "яшаш жойи", *sistema* – "мажмua", "мужассама" маъносига эга. Ушбу атама бевосита экологик нуқтаи назардан талқин килинган. Бунда нафақат тирик организмлар ўртасидаги алоқалар, балки тирик ва нотирик табиатда мавжуд бўлган боғланишларга ургу берилади. Экосистемалар ҳудудий қулами жихатдан микро, макро ва ниҳоят глобал макомга эга эканлиги биологлар томонидан талқин қилинади (Реймерс, 1990, 599-бет). Масалан, биосфера энг йирик экосистема сифатида эътироф қилинади. Айрим географлар орасида биосферани, география фанининг энг йирик урганиш обьекти бўлган географик қобиқнинг синоними деган фикрлар ҳам бор. Лекин биосфера географик қобиқнинг узоқ геологик даврлар давомида ривожланиши натижасида юзага келган бўлиб, унинг ҳосиласидир. Биосфера географик қобиқнинг литосфера, гидросфера, атмосфера каби ажralmas қисмидир. Географик қобиқ билан биосферанинг чегараси бир-бирига яқин келса-да, географик қобиқ ёши жихатдан биосферадан катта ва мазмун-моҳиятига кура ўта мукаммалдир.

Рус олими В.Н.Сукачев (1880-1967) 1940 йилда "биогеоценоз" атмасини фанга олиб киради. Бу атама ва тушунча табиий комплекслар моҳиятини янада равшанроқ акс

эттиришга қаратылған бұлиб, грекча “биос” – ҳаёт, “ге” – ер, “кайнос” – умумий, бир бутунлик маъносиға эга.

Биоценоз атамаси органик дүнёнинг аниқ бир ҳудуд табиати билан боғылған ва уйгунилигини англатувчи комплекс мазмунға эга бўлган тушунчадир. Шу боисдан ҳам айrim ландшафтшунослар уни энг кичик геокомплекс ҳисобланган фация билан айнанлаштирадилар.

Экология фанининг мазмунан ривожланиши кейинчалик аутэкология (грекча “aytos” – үзим ва экология маъносини билдиради, алоҳида биологик турларнинг атроф мухит муносабатларини ўрганадиган фан), популяцион экология (популяцион французча – битта биологик тур ахолиси, жамоаси, галасининг атроф-мухит билан муносабатларини ўрганадиган фан), синэкология (грекча син-биргалликда, бир бутун, яъни тури биологик турлар жамоаларининг атроф-мухит билан муносабатларини ўрганади) каби фанлар юзага келди.

Биология фанида рўй берган мазкур илмий ютуқлар табиатнинг тизимли ва бир бутунилигини тушуниш йўлидаги илмий қадамлар эди. Синэкология фанининг асосчилиридан бўлган ўзбекистонлик биолог олимлар Д.Н.Кашкаров (1876-1941) ва Е.П.Коровин (1891-1963) Урта Осиё ҳудуди табиатини ўрганишда ва табақалаштиришда экологик географик нуқтаи назардан ёндашадилар. Ландшафтшунос олим Ш.С.Зокиров мазкур олимларнинг илмий фаолияти хақида “гарчи, олимларнинг ўзлари экология сүзини деярли ишлатмаган бўлсалар-да, табиий-ҳудудий комплексларни аниклаш, уларни хўжалик мақсадларида фойдаланиш, ландшафтларнинг кейинги ривожланишини прогнозлаш мисалаларида айнан ҳозирги экологик тушунча нуқтаи назардан ёндашганликлари аниқдир”, деб эътироф қиласиди (Зокиров, 2008, 241-бет). Тарихчи-географ олим Р.У.Рахимбеков (1995), Д.Н.Кашкаров ва Е.П.Коровин томонидан Ўзбе-

кистонда "Үрта Осиё экологик-география илмий мактаби" яратылғанын ассоциацияның мактабы.

Қайд килиш жоизки, йиллар үтиши билан биологик экологияни табиий география – ландшафтшунослық фани билан яқынлашып намоён болады.

1970 йилга қадар экология йұналиши биология фани доирасыда ривожланған. Табиат ва инсон мұносабатларыннан жадаллашып, унинг салбай оқибаттарынан бартараф қилишгә бұлған ижтимоий талаб, бу фаннинг нұфузини янги погоналарға күтәради, унинг умумий экологияға айланишига олиб келди. 1970 йилларда барча, шу жумладан, география фанини экологиялаштыриш авж олади. Экологик шов-шувлар туфайли барча фанларда янги экологик йұналишлар пайдо бұла бошлади (Исащенко, 2003).

Глобал экология, социал экология, тупроқтар экологияси, одам экологияси, тарихий экология, коинот экологияси кабилар шулар жумласыданғы. Н.Ф.Реймерс 1994 йилда ёзған мақоласыда экологияннинг 80 дан ортиқ йұналишларын рўйхатини көлтирган. Бошқача қилиб айттанды, ҳар бир соҳа мутахассиси ўз соҳасыннинг экологидир (географ-эколог, агроном-эколог, журналист-эколог, архитектор-эколог каби). Экологик мавзудаги "оралиқ" (чегарадош) фанларннинг пайдо бўлишига қарамасдан бу жараёнда биологларннинг "карбон-бошилик" қилиш харакатлари пасаймади. Бунинг сабаблари бор. Биринчидан, экология атамасы ва у билан боғлиқ тушунчалар биология таркибида шаклланиб илмий ва ижтимоий ҳаётта кириб келган. Иккинчидан, табиатни муҳофаза қилиш деганды, дастлабки даврларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрар-авайлаш күзде тутилган (Охрана ландшафтов, 1982, 19-бет).

Хозирги даврда экология фани ва тушунчаси умумилмий мазмунга эга. Экологияннинг биология фанига тегишли соҳаси биоэкология эканынды 1990 йилда ёк таниқли биолог

олим Н.Ф.Реймерс томонидан ошкора эълон қилинган эди (1990, 592-бет). География ва экология фанлари уртасида бир-бирини тұлдирувчи боғланиш ва үхашашиклар бор. Бириңчидан, география асосан турли кұламдаги худудларда мавжуд болған геотизимлар ҳамда улар үртасидағи боғланишлар ва фарқланишлар ҳақидағи фандир. Ҳар бир худуд эса “бир дунё”. У үзининг табиий-ижтимоий-иктисодий моҳияти билан фарқланиб туради. Үндаги жоны табиат ва унинг “эгаси” ва гултожиси болған ҳазрати Инсон эса, мазкур ҳудуд билан үйғун яшайды. Бундай табиий-тарихий ҳақиқат ўз моҳияти билан экологик мазмунга эга. Шу боисдан бұлса керак, АҚШ географлар уюшмасининг президенти Х.Берроуз 1922 йилда “география-инсон экологияси” деб эълон қылған эди. Таниқли географлар В.Б.Сочава (1978, 86-бет), А.Г.Исаченко (2003, 24-бет), В.Т.Богучарсковлар (2004, 406-бет) экологик ёндашув география фани учун азалий ҳамроҳ, бунда экология атамасининг үрнига “географик мұхит” ибораси ишлатилиб келинганилигини қайд қиласылады.

Бу үринде география фанининг асосий тамойилларидан бири экологиялык эканлигини қайд қилиш жоиз. Иккинчидан, география фанининг бош мәксади худудларни оқилюна ташкил қилишнинг географик асосларини ишлаб чиқиши экан, бу энг аввало органик дүнёни ва унинг “эгаси” болған ҳазрати Инсонни асрал-авайлашни, янын инсонпарварлықні күзда тутади. Шу боисдан биохилма-хилликни асраш ҳам, энг аввало, ландшафтларни муҳофаза қилиш билан боғлиқдир. Ландшафтларни муҳофаза қилмасдан туриб, биологик турларни асрал-авайлаб бўлмайди.

Экосистема ва геосистемаларни урганишда фарқланишлар албатта мавжуд. Бириңчисида биоцентрик ёндашув, янын органик дүнёни муҳофаза қилиш күзда тутилса, иккинчисида эса геоцентрик тамойил. Бунда “табиат-аҳоли-

жамият" учбирлигини худудларда оқилона ташкил қилиш асосий мақсад ҳисобланади.

Бу ўринда геоэкологик (географик экология) ғояларининг ривожланиш тарихига назар ташлаш ўринли. Немис олими Карл Троль (1899-1975) 1939 йилда "ландшафтлар экологияси", кейинчалик эса уни (1968) "геоэкология" деб атайди. Юқорида қайд қилинганидек, худудларни комплекс ўрганиш ва ундаги географик мухитни соғломлаштиришни кўзда тутиш, географик тадқиқотларнинг азалий мақсади бўлиб келган. Геоэкологик мавзудаги изланишлар 1980-1990 йилларда энг юқори поғонага кутарилди. Ҳатто турли фан вакиллари орасида геоэкологияга "эгалик" қилиш ҳаракатлари ҳам авж олиб кетди. Айниқса, геологлар литосфера тушунчаси асосида геоэкология йуналишини геология фанига тегишли эканлигини ошкора намойиш қилган бўлсалар, биологлар эса экологияга тегишли изланишлар "эгаси" биологлар эканлигини баралла айтиб келмоқдалар. Ҳатто олий ўкув юртларининг биология кафедралари "биология ва экология" кафедраси деб қайта номланди. Собиқ Иттифоқ даврида биринчилардан бўлиб (1988) Ленинград давлат университети географлари география факультетини "география ва геоэкология факультети" деб қайта номлаб, ўкув режаларини ҳам экологиялаштирдилар. Ҳатто географлар орасида ҳам "геоэкология" фанига "эгалик" қилиш иштиёки пайдо бўлди. Таникли иқтисодчи-географ олим Э.Б.Алаев ижтимоий-иктисодий география бўйича тузган изоҳли лугатида бу фаннинг 15 та тармоғи рўйхатини келтиради ва охирги ўринда геоэкологияни қайд қиласди. Унинг ўрганиш обьекти худудий экологик тизимлар эканлигини ёзади (1983, 38-бет).

1990 йилда Қозон шаҳрида собиқ СССР география жамиятининг IX съезди бўлиб ўтган эди. Унда 725 та делегат таклиф қилинган. Шундан 455 та қатнашчининг маъруза ва

ахборотлари анжуманнинг олти жилди тұпламыда чоп қилинган эди (ушбу асар муаллифи ҳам мазкур нұфузли анжуманда маъруза билан қатнашишга мұяссар бүлған). Ушбу тұпламалардан тұрттаси бевосита геоэкология деб номланған (“Геоэкология: глобал муаммолар”, “Геоэкология: минтақавий жиҳатлари” каби). Ушбу тарихий санани геоэкология фанининг “түгилиши” деб қабул қилиш мақсадға мувофиқ. Айнан шу 1990 йилда тәниқли биолог олим Н.Ф.Реймерс “Табиатдан фойдаланиш” номли изохли лугатида “геоэкология – экология фанининг тармоги (бошқа фикрларға күра, география фанининг) булиб, катта күламдаги биосферагача бүлған экосистемаларни (геосистемаларни) үрганади. Унинг синоними ландшафтлар экологияси, баъзида биогеоценология, деб қайд қилиши эътиборга лойик (95-бет). Бу үринде география ва экология фанларининг үзаро боғликлиги ва бу борадаги изланишларнинг зарур ва самарадорлиги хақида тұнғич ғояларни асослаган олимлар В.Б.Сочава (1970-1978), И.П.Герасимов (1905-1985) эканлигини қайд қилиш жоиз.

1990 йилларга келиб, геоэкология фани олий географик таълимда кенг күламда оммалашди, үқув адабиётлари яратылды ва илмий изланишлар сони ва сифати ортди (Герасимов, 1980, 1985; Петров, 1994; Мильков, 1997; Макунина, 1990, Преображенский, 1990 ва бошқалар). Геоэкология фанига бағищланған тұнғич тадқиқотлар А.А.Рағиков (2000), А.Г.Исаченко (2003), В.Т.Богучарсов (2004), А.Н.Нигматов (2010) каби олимлар томонидан таҳлил қилинған.

Ўзбекистонда мустакиллик йилларида бевосита геоэкологияга бағищланған изланишлар 1990 йиллар охирида бошланған (А.А.Рағиков, 1997; Назаров, 1998; Нигматов, 2010; Абдулаев, Ахмедов, 2007 ва бошқалар).

А.А.Рағиков (1939-2003) биринчилардан булиб Ўзбекистонда геоэкологик тадқиқотларни бошлаб берған ҳамда уни

олий таълим тизимида жорий қилган олимдир. У узок йиллар давомида Орол денгизи билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш билан шуғулланиб келди ва дала тадқиқотлари бўйича катта тажрибага эга эди. А.Рафиков ЎзМУнинг табиий география кафедрасига раҳбарлик лавозимига ўтар экан, у мелиоратив география ва геоэкологик тадқиқотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради. 2000 йилда у “Геоэкология асослари” маъруза матнини чоп эттиради. Геоэкологик йўналишдаги бир неча номзодлик диссертацияларига раҳбарлик қиласди. А.Рафиков геоэкология (географик экология) - табиат комплекслари экологияси тўғрисидаги фан, деган хуносага келади ва табиий мухитнинг инсон фаолияти туфайли ифлосланишига (РЭМ – рухсат этилган меъёрий кўрсаткичлар) алоҳида эътиборни қаратади (Рафиков, 1997, 2000,2001).

Кейинги йилларда экология, экологик ҳукуқ ва геоэкология соҳасида изланишлар олиб бораётган А.Н.Нигматовнинг ҳазматлари эътиборга лойик. Олим геоэкология фанининг ўрганиш обьекти геосфера (катта геотизим) ва унинг турли таксономик бирликларга эга бўлган қисмлари эканлигини эътироф қиласди.

Унинг фикрича, географик экология географик қобиқда (геотизимда) содир бўлаётган табиий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳаттоки, ҳукукий географик жиҳатларни тадқиқ этади (Нигматов, Шамуратова, 2006). Олим геоэкология, экотуризм билан боғлиқ бўлган айрим атама тушунчаларга аниқлик киритади ва геоэкологик баҳолаш, экологик мониторинг ва ниҳоят фаннинг бўлғуси тақдирни ҳақида (баъзилари мунозарали бўлса-да) қатъий фикрлар билдиради (Нигматов, 2010). Қайд килиш жоизки, А.Нигматовнинг экологик тадқиқот ва экологик таълимга тегишли ташаббускорлиги эътиборга лойик. Айтиш лозимки, геоэкология фанининг ўрганиш обьекти, предмети ва

назарий асослари ҳақида фикрлар хилма-хил бўлишига қарамасдан, унинг мустақил фан сифатида шаклланганилиги ҳақиқатдир.

Геоэкология – интеграл умумгеографик фан

Ҳар бир фаннинг мустақиллиги унинг ўрганиш обьекти, предмети назарий асослари ва тадқиқот усулларига эга булиши билан белгиланади. Геоэкология ҳозирги даврда шундай асосларга эга бўлган истиқболли фандир Геоэкология (А.Г.Исаченко буйича экогеография) география тизимидаги фанларга мансуб бўлиб, умумгеографик (интеграл) мазмунга эга. У Россия, Украина ва қўшни Қозогистон Республикаларида мустақил илмий йўналиш сифатида нисбатан яхши ривожланган. Геоэкология мавзуси доирасида диссертациялар ёзиш йўлга қўйилган бўлиб, олий таълим тизимида ўқув режаларидан муносаб ўрин олган.

Мазкур фаннинг ўрганиш обьекти турли куламдаги табиий комплекслар, маъмурий ва сиёсий маъмурий ҳудудлар ёки геоэкосистемалардир. Чунки ҳар бир ҳудуд экологик мазмун-моҳиятта эга. Улар экологик ёндашув асосида ўрганилади. Масалан, қумли чўл ландшафтлари экологияси, Тўдакўл сув омбори экологияси, Шоғиркон тумани экологияси, Ўзбекистон Республикаси экологияси, Тинч океани экологияси, глобал экология кабилардир. Бошқача килиб айтганда, “экосистема” моделидаги “хўжайин” ўрнига ҳудудни қўйиш керак. “Уй” ни ташкил килган барча омил ва компонентлар ҳудуд учун “хизмат” килади. Таникли ландшафтшунос В.С.Преображенскийнинг экосистема моделида “хўжайин” ўрнида хоҳлаган табиий ёки жамият компонентларидан бирини қўйиб ўрганиш мумкин, деб қайд килиши бежиз эмас (1986, 63-бет). Ҳудуднинг мусаффолиги, тозалиги, органик дунёни ва уни “гултоjisи” бўлган Инсонни асраб-авайлашга имкон беради. Қайд

қилиш жоизки, геоэкологик тадқиқотлар учун объект сифатида турли кўламдаги дарё, кўл ҳавзалари (геоэко-тизимлар) жуда самаралидир. Мазкур ҳудудларда геоэкологик қонуният, яъни дарё ҳавзасининг юқори қисмидан қуий қисмига борган сари экологик замин, экологик вазият ёмонлашиб боради (Назаров, 1992, 2007). Бу қуийдаги омила ва сабабларга қўра содир бўлади:

- дарё ҳавзаси сувайиргичлар туфайли ўзининг аниқ чегарасига эга;
- дарё ҳавзаси рельефининг мутлақ баландлиги (рельеф пластикаси) юқори қисмидан қуий томон (эрозия базиси) пасайиб боради;
- ҳавза рельефига мос ҳолда ер усти (оқова сувлар ҳам) ва ер ости сувларининг дарёнинг қуий қисми томон оқиши содир бўлади;
- дарё ҳавзасида жойлашган ландшафтлар экологик ҳолатига қўра ҳар хил шароитга эга. Дарёнинг юқори қисмидаги ландшафтлар атмосфера ёғинлари туфайли ювилади ва “ўз-ўзини” тозалайди, ўрта қисмидагилар эса қисман ювилади, қисман эса юқоридан кириб келган оқизикларни тўплайди. Нихоят, қуий қисмидаги (дельтада) ландшафтлар эса, юқори қисмлардан кириб келган эриган ва қаттиқ оқизикларни қабул қиласи, тўплайди. Пировард натижада кимёвий, бактереологик ашёлар билан ўз-ўзини ифлослайди. Бу ўринда аччиқ туюлса ҳам “дарёнинг бошидаги асал ичади, охиридаги эса, заҳар”, деган қорақалпок халқ мақолини келтириш кифоя.

Геоэкологияни ўрганиш предмети эса, ҳудуд экологиясининг қайси жиҳатини ўрганишидир. Масалан, ҳудуддаги сувлар, тупроқ қоплами ёки қишлоқ ҳўжалиги, саноат экологиясини ўрганишдир. Бу ўринда касалликлар географиясини (нозогеографияни) ҳам геоэкологик тадқиқотлар тизимига мансуб эканлигини қайд қилиш жоиздир.

Геоэкология фанининг назарий асослари бу фалсафий-диалектик, умумгеографик, экологик ҳамда табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни оқилона ҳал қилишга қаратилган, яъни коэвалюция ғояларига мос бўлган қонун ва тамойиллардир.

Ушбу фаннинг тадқиқот усуллари эса режалаштирилган мақсадлар моҳиятидан келиб чиқади. Булар сўров, аналитик (сув, ҳаво, тупроқ) гаққослаш, экспедицион, тизим-таркиб, космик, таққослаш, индикацион, картографик усуллардир. А.Г.Исаченко экogeографик маълумотларни тартибга келтиришда, таҳлил қилишда, илмий хуласаларни ифодалашда картографик усулнинг устуворлигини эътироф этади (2003, 32-бет).

Геоэкологик мониторинг ҳам ҳудудларда геологик даврлар давомида таркиб топган экозамин ва ҳозирги даврда инсон фаолияти туфайли содир булаётган геоэкологик жараёнларни билишга қаратилган бўлмоғи лозим. Айниқса, ҳудудлараро чегараларда, экологик танг ва типик (репрезентатив) жойларда кечайдан модда ва энергия алмашинуви жараёнларини қамраб олиши лозим. Қайд қилиш жоизки, ҳозирги даврда Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш Қўмитаси ва Республика Гидрометеорология бошқармаси тизимида олиб борилаётган экологик мониторинг асосан эковазиятни ўрганишга қаратилган. Экозаминнинг экологик хусусиятлари эса ҳамон эътибордан четда қолиб келмоқда.

Геоэкология фанининг умумгеографик мақоми экологик муаммоларнинг моҳияти билан белгиланади. Экологик муаммолар эса иккита негизга эга. Биринчидан, геологик эралар давомида шаклланган тўнгич (ибтидоий) табиатнинг ўзи Ер юзида бир хил эмас, яъни турлича экологик мазмунга эга. Ер юзида шундай жойлар ва ҳалокатли жараёнлар борки, улар инсоният бошига қийинчилик ва кулфатлар келтиради (2004 йил 26 декабрда Малайзияда

рүй берган цунами туфайли 225 мингдан ортиқ киши хаётдан күз юмган эди). Ёзувчи Юрий Трифонов: “Мен табиатда ҳамма нарса жуда яхши, жуда соз дея олмайман. Масалан, рак хужайраси – табиат эмасми? Тайфулар, ер кимиirlашлар, ўрмон ёнгинлари, ҳалокатли жазирала иссиқлар-чи? Каламушлар, қон сўрувчи пашшалар, кемирудилар, чаёnlар, заҳарли илонлар, це-це чивинлари (ўлимга олиб борувчи, Н.И.К.) – табиат эмасми?... Мен табиатни севаман, аммо уни мұқаддас саждагоҳ деб хисобламайман”, –деб таъкидлаган эди (Бромлей, Подольный, 1984, 240-бет). “Шуни унутмаслик керакки, экологик шароит ва экологик муаммоларни кўп ҳолларда одамларнинг иштирокисиз табиатнинг ўзи юзага келтиради”, деб қайд қиласи А.Г.Исаченко (2003, 29-бет). Бундан ташқари, нокулай экологик шароитта эга бўлган ҳудудларни ўзлаштириш қийин кечади ва ортиқча маблағ сарфлашни талаб қиласи.

Иккинчидан, экологик муаммолар инсоннинг табиатта салбий таъсири туфайли вужудга келади. Бошқача килиб айтганда, “иккиласмчи табиат”, яъни турли даражадаги экологик вазият ёки муаммолар юзага келади. Эковазиятнинг миқдорий кўрсаткичлари жойларда ҳар хил. Хуллас, экозаминга инсоннинг яшаш ва ҳужалик фаолияти туфайли юзага келган эковазиятни кўшсак, атроф-мухит экологияси намоён булади (афсуслар бўлсинки, бу атама географлар унтиб юборган “географик муҳит”нинг синонимидир). Демак, атроф-мухит экологияси ҳам табиий, ҳам ижтимоий-иқтисодий географик негизга эга. Ҳатто Россия ФАНИНГ Москвадаги География илмий-тадқиқот институти ходимлари атроф-мухит муаммоси деб, фақат табиатта антропоген таъсир туфайли юзага келган экологик муаммоларни тушунадилар (Исаченко, 2003, 29-бет). Геоэкология интеграл, умумгеографик фандир. Геоэкологик тадқиқот-

ларда табиий ва иқтисодий географларнинг "тeng хукуқли" эканлиги айни ҳақиқатдир.

Бирок республикамизда ҳозирги даврга қадар геоэкологик муаммоларни ўрганишда табиий географларнинг фаоллиги етакчиллик қилаётганлиги равшан. Иқтисодий географлар эса (фақат А.Солиев, Н.К.Комиловаларнинг касаллilikтар географияси бўйича изланишларини хисобга олмагандан) бу муаммоларга ҳанузгача фаол кириштанлари йўқ. Бунга асосий сабаб геоэкологик муаммоларнинг пойдевори бўлган умумгеографик қонуният ва табиий жараёнлар мөҳиятини билиш ва уларни ижтимоий-иктисодий тадқиқотлар билан уйғунаштириш кийинлиги бўлса керак. Геоэкологик тадқиқотларда нафақат табиий ва иқтисодий географларнинг, балки ёндош фанлар, айниқса, экология фани вакилларини ҳамкорлиги ўта зарурдир.

Энг аввало, ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг давлат сиёсати билан уйғунилиги ва замонавийлигини қайд қилиш жоиз. Геоэкология соҳасидаги қазифалар асосан қўйидагилардан иборат:

–геоэкологик тадқиқотларнинг назарий ва методологик асосларини тадқиқ қилиш, замонавий усусларни жорий этиш;

–тадқиқотларда фанлараро, айниқса, экология фани билан ҳамкорликни йўлга қўйиш:

–турли кўлам ва мазмундаги ҳудудларга тегишли экологик муаммоларни ўрганиш ва бартараф қилишнинг геоэкологик асосларини ишлаб чиқиш;

–ҳар бир ҳудуднинг экотуристик имкониятларини ўрганиши ва улардан самарали фойдаланиш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

–геоэкологик муаммоларни Икlimнинг исиши. Чулланиш, Биохима-хиллики сақлаш каби глобал муаммолар билан уйғун ҳолда амалга ошириш;

–геоэкологик муаммоларнинг мазмун-моҳияти ва ечимларининг картографик тасвиirlарини яратиш;

–худудлар экологиясининг яқин ва узок муддатларда ўзгаришини башоратлаш ва уни мутасадди ташкилотларга тақдим этиш;

–ёшларни, айниқса, мутасадди раҳбар ва табиатдан фойдаланувчиларнинг экологик маданиятини юксалтиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш ва бошқалар (Назаров ва бошқ. 2012).

Биз 2006 йилда географ-худудлар экологи деган хикматомуз иборани айтган эдик (Назаров, 2006). Бунинг учун географ умумгеографик синтез қилиш курлатига эга бўлиши зарур. Тадқиқотлар марказида худуд мусаффолиги, асосан эса Инсон ва унинг манбаатлари ўз ифодасини топмоғи лозим.

Таянч тушунчалар:

Биоценоз, экосистема, биогеоценоз, биоцентрик ёндашув, геоцентрик ёндашув, аутэкология, популяцион экология, синэкология, биосфера, географик қобиқ, экологик география илмий мактаби, глобал экология, социал экология, тарихий экология, географ-эколог, биоэкология, географик экология, биогеоценология, экологик хукуқ, экологик мониторинг, экотуризм, геоэкология фанининг ўрганиш обьекти, предмети, тадқиқот усуллари, геосистема, дарё ҳавзаси, экологик муаммолар, экозамин, эковазият, географик мухит, атроф-мухит.

Назорат учун саволлар:

1. География ва экология фанлари ўртасида қандай ухшашлик ва фарқланишлар бор?
2. Аутэкология, популяцион, синэкология атамаларининг моҳиятини изоҳланг.

3. Геосистема, экосистема атамаларини изоҳланг.
4. Тадқиқотларда биоцентрик, геоцентрик ёндашувлар моҳиятини изоҳланг.
5. Геоэкология фанининг урганиш объекти, предмети, назарияси ҳақидаги фикрларни изоҳланг.
6. Геоэкологик муаммолар деганда нимани тушунасиз?
7. Геоэкология нега интеграл, умумгеографик моҳиятга эга?
8. Геоэкосистема атамасининг мазмун-моҳиятини изоҳланг.
9. Дарё ҳавзасида кузатиладиган геоэкологик конунийтнинг моҳиятини изоҳланг.
10. Геоэкологик тадқиқотлар билан боғлиқ бўлган асосий вазифаларни изоҳланг.
11. Ўзбекистонда геоэкология фанининг ривожланиши ва хозирги ҳолати ҳақида нималарни биласиз?

Адабиётлар:

1. Абдуллаев С.И., Ахмедов Р. Геоэкологиянинг айрим назарий масалалари. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 28-жилд. Тошкент, 2007, 57-59-бетлар.
2. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география. Понятийно-терминологический словарь. Москва. "Мысль", 1983, 350 стр.
3. Богучарков В.Т. История географии. Учебное пособие Москва - Ростов на Дону. Изд-во "МарТ", 2004, 448 стр.
4. Бромлей Ю.В., Подольный Р.Г. Создано человечеством. Москва. Изд-во Политической литературы. 1984, 272 стр.
5. Герасимов И.П. Методологические проблемы экологизации современной науки. Общество и природная среда. Москва, "Знание", 1980, стр. 66-86
6. Герасимов И.П. Экологические проблемы в прошлом, настоящей и будущей географии мира. Москва, "Наука", 1985

7. Зокиров Ш.С. Табиий география ландшафтшунослик илмий мактаби. М.Улугбек номидаги ЎзМУнинг илмий мактаблари. Тошкент, "O'qituvchi", 2008, 236-242-бетлар
8. Исаченко А.Г. Введение в экологическую географию Учебное пособие. Изд-во С.Петербургского университета, 2003, 192 стр.
9. Комилова Н.К., Солиев А.С. Тиббиёт географияси. Тошкент, "Истиқлол", 2005, 190-бет.
10. Назаров И.К. Абиогенные потоки в аридных геосистемах: оптимизация природопользования (на материалах нижней части р. Зарафшан). Ташкент, «Фан», 1992, 101 стр.
11. Назаров И.К. Геоэкология приоритетное, интегральное географическое научное направление. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 19-жилд. Тошкент, 1998, 14-17-бетлар.
12. Назаров И.К. Дарё ҳавзаси: геоэкологик қонуният ва табиатдан оқилона фойдаланиш. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 29-жилд. Тошкент, 2007, 35-39-бетлар
13. Назаров И.К. Ўзбекистон чуллари: геоэкологик қонуният ва амалиёт. Республика илмий-назарий, амалий конференция материаллари. Бухоро, 2010, 66-71-бетлар
14. Назаров И.К., Ҳалимова Г.С., Хидирова Г.Р. География ва ҳудудлар экологияси: муаммолар ва вазифалар. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 40-жилд. Тошкент, 2012, 10-13-бетлар.
15. Нигматов А. Табиий географик фанларнинг назарий муаммолари. Тошкент, "Fan va texnologiya" нашриёти, 2010, 202-бет.
16. Нигматов А.Н. Экология. Ташкент. 2-е издание переработанное и дополненное. Изд-во полиграфический творческий дом имени Чулпана, 2008, 128 стр.
17. Нигматов А.Н., Шамуратова Н.Г. Геоэкологиянинг назарий асослари. География фанининг долзарб назарий ва амалий муаммолари. Тошкент, 2006, 12-15-бетлар

18. Охрана ландшафтов. Толковый словарь. Москва, «Прогресс», 1982, 272 стр.
19. Преображенский В.С. Поиск в географии. Москва, «Просвещение», 1986, 224 стр.
20. Преображенский В.С. Региональная геоэкология-география-экология-человек. Геоэкология: региональные аспекты (материалы к IX съезду Географического общества СССР). Ленинград, 1990, стр. 136-138
21. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. Тошкент, «Ўқитувчи», 1997, 112-бет.
22. Рафиқов А.А. Геоэкология асослари (маърузалар матни). Тошкент, ЎзМУ босмахонаси, 2000, 68-бет.
23. Рафиқов А.А. Геоэкологиянинг назарий ва методологик масалалари. География ва қадриятлар. Тошкент, «Университет», 2001, 14-18-бетлар.
24. Рахимбеков Р.У. Отечественная эколого-географическая школа: история её формирования и развития. Ташкент, «Шарқ», 1995, 256 стр.
25. Реймерс Н.Ф. Основные биологические понятия и термины. Москва, Просвещение, 1988, 319 стр
26. Реймерс Н.Ф. Природопользование. Москва, «Мысль», 1990, 637 стр.
27. Салиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. Тошкент, 1999, 181-бет.
28. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах. Новосибирск, «Наука», 1978. 320 стр.
29. Сочава В.Б. География и экология (Материалы V съезда Географического общества Союза ССР). Ленинград, 1970, 22 с.

7-мавзу: ИҚЛИМ ҮЗГАРИШИ ВА ЧУЛЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Режа:

1. Глобал муаммолар ва уларнинг моҳияти.
2. Иқлим үзгариши муаммоси.
3. Иқлим үзгариши индикаторлари ва оқибатлари.
4. Иқлим үзгариши бўйича ҳалқаро муносабатлар ва ҳаракатлар.
5. Ўзбекистонда иқлим үзгариши, унга муносабат ва вазифалар.
6. Чулланиш муаммосининг мазмун-моҳияти.
7. Чулланиш муаммоси бўйича Ҳалқаро ҳамкорлик ҳаракати.
8. Чулланиш сабаблари ва унинг оқибатлари.
9. Ўзбекистонда чулланишга қарши кураш.

Иқлим үзгариши муаммоси уруш ва тинчлик, қашшоқлиқ, экологик, ҳалқаро терроризм, чулланиш каби дунёвий (глобал) муаммолар сирасига киради. "Глобал" атамаси французча *global* – энг умумий, ўз қўлами ва йуналиши жиҳатдан хилма-хил ва бутун Ер шарига тегишли бўлган муаммолардир.

Глобал муаммолар кенг маънода табиат ва инсон (жамият) ўртасидаги муносабатлар мувозанатининг бузилиши натижасида келиб чиқади. Демак, мазкур муаммолар табиий-антропоген илдизга эга. Инсониятнинг муносиб ҳаёт кечириши ва жамиятнинг барқарор ривожланиши учун бошқа омиллар қаторида иқлимий шароит айниқса мухим аҳамиятта эга. Унинг оз бўлса-да, меъёрдан четта чикиши барқарор ривожланишга таҳдид солади, ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради.

Иқлим атамаси грекча *kluma* – қиялик, яъни қуёш нурларининг туш пайтида ер юзасига “оғиши” қиялигини англатади. Бу атама грек астрономи, математик географиянинг асосчиларидан бири Гиппарх (мил.авв 160-125 йиллар) томонидан фанга киритилган.

Иқлим – Қуёш ва унинг атрофидан айланиб турадиган йўлдоши – Ер ўртасидаги муносабатлар натижасида ербетига яқин бўлган атмосфера қатламида рўй бераб турадиган табиий жараёниар натижасидир. Иқлим фаслий моҳият, сифат ва ўзгаришларга эга. Об-ҳаво эса иқлимий курсаткичларнинг айни жой, айни вақтдаги ҳолатидир. Об-ҳаво бир кеча-кундузда бир неча марта ўзгариши мумкин. Йил давомида айни жойнинг иқлими ва унинг фаслларига хос об-ҳаво ҳолатлари содир булиб туради. Иқлимни яратувчи омил, асосий манба, энг аввало, Қуёшdir. Ербетига етиб келадиган қуёш нурларининг тушиш бурчаги қанча катта бўлса, нурларнинг иссиқлик ва ёруғлик қуввати шунча кучли, аксинча бўлса, шунча кам ва қучсизdir. Қуёш булмаганда, Ерда ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас эди.

Қайд қилиш жоизки, иқлимий шароит билан боғлиқ бўлган Қуёш ва Ер муносабатлари, ҳамда Ер иқлимига таъсир этувчи омиллар Ер табиатининг ривожланиши тарихида ўзгариб турган. Бунга Антарктида материги ва Шпицберген оролларида мавжуд бўлган кўмир конлари ҳамда тўртламчи даврда рўй берган такрорий музланишлар даври инкор этиб бўлмайдиган далиллардир. Олимлар иқлимий жараёниларда даврий ўзгаришлар мавжудлигини ҳам эътироф этадилар. Масалан, А.В.Шнитников томонидан Ернинг шимолий ярим шаридаги материкларда табиий намликтининг 1800 йил давомидаги даврий ўзгаришлари аникланган. Ҳар бир давр икки фаслдан иборат. Биринчиси, 300-500 йил давом этадиган салқин, нам, илик, иккинчиси эса, 1000 йилдан ортиқроқ кузатиладиган иссиқ ва қуруқ иқ-

шундай давшир. Унинг фикрича, бу икки "фасллар" ўртасида
300 милик оралик давр кузатилади (Жекулин, 1989).

Ер шахида рўй берган иқлимий ўзгаришлар палео-
климатологик фани вакиллари томонидан ўрганилади.
Дан шкари, бу соҳага тегиши палеогеоморфология,
палеоботаника, палеозоология каби илмий йўналишлар
мавс. Бу ўринда геология фани алоҳида ўрин тутади.

Ер шахида хукм суроётган ҳозирги иқлимий шароит
утмишда, тўртламчи даврнинг қуи, ўрта ва
хори ҳимида рўй берган музланишлар давридан сўнг
келади. Ердаги ҳаётнинг асосий манбай қуёш бўлса-да,
хосиёти қобигининг иқлим ҳосил қилувчи аҳамияти
келади. Атмосфера таркибининг шакланиши
узварси эса органик дунёнинг ривожланиши жараёни
бўлса боғлиқ. Академик И.В.Вернадский таъбири
аганда, у органик дунёнинг таракқиёти ҳосиласи-
дир. Атмосфера Ер сайёрасини ӯраб турган "чопон" дир. У
шан ташқари исиб ва совиб кетишидан сақлайди.
Атмосфера бўлмаса, Ерда ҳаёт бўлмас эди. Иқлимшунос-
тинг исоблашларига кўра, атмосферада карбонат
дригази бўлмагандаги ҳарорат 6°C га, сув буғлари
шагангизи эса ер сиртидаги ҳарорат 25°C га пасайган бўлур
(Осоюва ва бошқ., 2005, 7-бет).

Олияр иқлим ҳосил қилувчи табиий омилларни уч-
хга - прономик, географик ва циркуляцион омилларга
надади. Бу омиллар қандай гурухланмасин, Ер иқли-
мийнинг ғланишида қуидагилар асосий ўрин тутади. Бу
шада ёш омил қуёшдан ер сиртига етиб келадиган
шакли ёруглик миқдоридир. Ер юзида океан ва қурук-
шарни тақсимланиши, жойнинг географик ўрни,
шеби, ёш нурларининг Ер сиртидан қайтиши курсат-
шари, атмосфера таркиби ва циркуляцияси, денгиз
шакларни билар.

Ер шари иқлимини гурухлаштиришда турлича ёндашувлар мавжуд. Булар орасида Б.П.Алисов томонидан 1930 йилларда ишлаб чиқылган генетик классификация күпчиликка маъқул бўлди. Бу классификацияда йил давомида ёки иссиқ ва совук даврларда ҳукмронлик қиласиган ҳаво массалари типлари асос қилиб олинган. У географик кенгликлар бўйлаб ҳукмронлик қиласиган еттига ҳаво массаларини (экваториал, 2 та тропик, 2 та мұйтадил ва арктика, антарктика) ажратади. Шу асосда 4 асосий (экваториал, тропик, мұйтадил, арктика-антарктика) ва 3 та үткинчиоралик (субэкваториал, субтропик, субарктика-субантарктика) иқлими минтақаларини ажратади (Хромов, Мамонтова, 1974, 202-бет). Юқорида қайд қилинган ҳаво массаларининг шаклланишида Ер юзида радиация баланси, ҳаво ҳарорати ва намликтининг кутблардан экваторга томон үзгариши асос қилиб олинган (Географич.словарь, 1988, 137-бет).

Ер юзасида қарор топган ушбу иқлимиш шароит XX асрнинг ўрталарига келиб кучли антропоген таъсирга, кучга дуч келди. Яъни аҳоли сонининг кўпайиши, табиий ресурсларга бўлган талабнинг бетухтов ортиб бориши ва ниҳоят фан ва техника билан қуролланган инсоннинг табиатга таъсир кучининг ортиб бориши Ер шари иқлимининг үзгаришига олиб келди.

Бу жараённи қўйидаги далиллар билан асослаш мумкин:

- атмосферанинг кимёвий, физик таркибига антропоген фаолият таъсирининг ортиб бораётганлиги, озон қатламини емирувчи фреон газларини ҳамда карбонат ангидрид ва бошқа иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газларни ва аэрозолларни чиқариш, тури органик ёқилғиларни ёкиш ва энергия сарфлаш орқали атмосфера ҳароратига кўрса-тилаётган таъсирнинг ортиб бораёттанлиги;

лим давриди. Унинг фикрича, бу икки "фасллар" ўртасида 100-300 йиллик оралиқ давр кузатилади (Жекулин, 1989).

Ер тарихида рўй берган иқлимий ўзгаришлар палео-иклимшунослик фани вакиллари томонидан ўрганилади. Буидан ташқари, бу соҳага тегишли палеогеоморфология, палеоботаника, палеозоология каби илмий йўналишлар ҳам мавжуд. Бу уринда геология фани алоҳида урин тутади.

Ер юзида ҳукм суроётган ҳозирги иқлимий шароит асосан яқин ўтмишда, тўртламчи даврнинг қуий, ўрта ва юқори қисмида рўй берган музланишлар давридан сўнг юзага келган. Ердаги ҳаётнинг асосий манбаи қўёш бўлса-да, атмосфера қобигининг иқлим ҳосил қилувчи аҳамияти алоҳида урин тутади. Атмосфера таркибининг шаклланиши ва ўзгариши эса органик дунёнинг ривожланиши жараёни билан бевосита боғлиқ. Академик И.В.Вернадский таъбири билан айтганда, у органик дунёнинг тараққиёти ҳосиласидир. Атмосфера Ер сайёрасини ўраб турган "чопон"дир. У Ернинг ҳаддан ташқари исиб ва совиб кетишидан сақлайди. Атмосфера бўлмаса, Ерда ҳаёт бўлмас эди. Иқлимшуносларнинг ҳисоблашларига кўра, атмосферада карбонат ангидрид гази бўлмаганда ҳарорат 6°C га, сув буглари бўлмаганда эса ер сиртидаги ҳарорат 25°C га пасайган бўлур эди (Ососкова ва бошқ., 2005, 7-бет).

Олимлар иқлим ҳосил қилувчи табиий омилларни уч гурухга – астрономик, географик ва циркуляцион омилларга ажратадилар. Бу омиллар қандай гуруҳланмасин, Ер иқлимининг шаклланишида қуидагилар асосий урин тутади. Бу борада бош омил қўёшдан ер сиртига етиб келадиган радиация ва ёргулик микдоридир. Ер юзида океан ва қурукликларнинг тақсимланиши, жойнинг географик ўрни, рельефи, қўёш нурларининг Ер сиртидан қайтиши кўрсаткичлари, атмосфера таркиби ва циркуляцияси, денгиз оқимлари кабилар.

Ер шари иқлимини гурухлаштиришда турлича ёндашувлар мавжуд. Булар орасида Б.П.Алисов томонидан 1930 йилларда ишлаб чиқилган генетик классификация күпчиликка маъқул бўлди. Бу классификацияда йил давомида ёки иссиқ ва совук даврларда ҳукмронлик қиласиган ҳаво массалари типлари асос қилиб олинган. У географик кенгликлар бўйлаб ҳукмронлик қиласиган еттига ҳаво массаларини (экваториал, 2 та тропик, 2 та мұтадил ва артика, антарктика) ажратади. Шу асосда 4 асосий (экваториал, тропик, мұтадил, артика-антарктика) ва 3 та үткинчиоралик (субэкваториал, субтропик, субарктика-субантарктика) иқлими минтақаларини ажратади (Хромов, Мамонтова, 1974, 202-бет). Юқорида қайд қилинган ҳаво массаларининг шакланишида Ер юзида радиация баланси, ҳаво ҳарорати ва намликтиннинг кутблардан экваторга томон ўзгариши асос қилиб олинган (Географич.словарь, 1988, 137-бет).

Ер юзасида қарор топган ушбу иқлими шароит XX асрнинг урталарига келиб кучли антропоген таъсирига, кучга дуч келди. Яъни аҳоли сонининг кўпайиши, табиий ресурсларга бўлган талабнинг бетухтов ортиб бориши ва ниҳоят фан ва техника билан қуролланган инсоннинг табиатга таъсири кучининг ортиб бориши Ер шари иқлимининг ўзгаришига олиб келди.

Бу жараённи қўйидаги далиллар билан асослаш мумкин:

- атмосферанинг кимёвий, физик таркибига антропоген фаолият таъсирининг ортиб бораётганилиги, озон қатламини емирувчи фреон газларини ҳамда карбонат ангидрид ва бошқа иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газларни ва аэрозолларни чиқариш, турли органик ёқилғиларни ёкиш ва энергия сарфлаш орқали атмосфера ҳароратига кўрсастилаётган таъсирининг ортиб бораётганилиги;

- табиий ресурсларнинг жадал суръатлар билан ўзлаштирилиши (ер, сув, ўрмон, тоғ-кон) туфайли Ер сирти альбедосининг ўзгарганилиги;
- дунё океани сатхининг кутарилиши ва суви таркибининг ифлосланиши туфайли атмосфера – океан – қуруқлик тизимида кечадиган ҳаво, сув алмашинувига салбий таъсир күрсатиш;
- ер юзида содир бўлаётган этник низолар, давлатларо келишмовчилик, урушлар, халқаро терроризм, табиий ва индустрисал ҳалокатларнинг жадал тус олаётганилиги;
- антропоген таъсир туфайли Ер юзида модда, энергия алмашинуви туфайли табиий, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар шиддатининг ортаётганилиги;
- ҳаво транспорти ва яқин космосни ўзлаштириш туфайли атмосферага антропоген таъсир юкининг кўпайиб бораётганилиги ва бошқалар.

Иқлиминг маълумотига кўра, юқорида қайд қилинган жараёнлар туфайли глобал иқлим исиши кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаби ер юзасидан чиқадиган узун тўлкини радиацияни ютиб, атмосферада иссиқхона эфекти ҳосил қилаётган газлардир. Шу тоифага киравчи газлар “иссиқхона газлари” дейилади. Бу жараённинг моҳияти қўйидагича: қўёшдан келадиган радиациянинг бир қисми (30%) атмосфера туфайли (асосан булутлар орқали) космосга қайтарилади. Тахминан 15% эса атмосферада ютилади. Қолган энергия атмосферадан ўтиб, Ер-бетига етиб келади ва уни иситади. Ер эса ўз навбатида атмосфера орқали узун тўлкини инфрақизил нурларни коинотга қайтаради. Ушбу нурларнинг бир қисми коинотта чиқиб кетиши ўрнига иссиқхона газлари томонидан ютилади ва шу асосда атмосфера мөъеридан оптикар қизийди ва ниҳоят Ер иқлимига таъсир кўрсатадиган иссиқхона қатлами ҳосил

қилади. Иссикхона ҳосил киладиган газларнинг атмосфера-да ортиши эса, юқорида қайд килинганидек, инсоннинг ер юзидағи фаолияти билан bogлиқ. Бундай газлар асосан олтита. Энг асосийси карбонат ангидрид газидир (CO_2). Улар тоифасига яна метан (CH_4), азот оксиdi (N_2O), перфторуглерод (PFCs), гидрофторуглеродлар (HFCs) ва олтингүргүт гексафториди (SF_6) киради.

Қайд қилиш жоизки, инсониятнинг энергетик қуролланиш даражаси паст бұлған тарихий давларда унинг глобал икlimга таъсири сезиларли бұлмаган. Аммо XX асрнинг урталарига келиб, тобора қудратли күчга айланиб бораётган антропоген фаолиятнинг дунё икlimига курсатайтын салбий таъсири сезиларли булиб қолди. Икlim-шunoсларнинг маълумотларига кура, кейинги 100 йил давомида Ер шарыда ҳаво ҳарорати $0,6^\circ\text{C}$ күтариlgан бұлса, бу күрсаткич Европа қитъаси бүйіча $1,2^\circ\text{C}$ ни ташкил қилған (хозирғи даврда Ер сиртида уртача глобал ҳарорат $+15^\circ\text{C}$ га тенг). Дунё океани ва дengizларида сув сатхи 10-20 см га күтариlgан. Агар тегишли чора-тадбирлар күрилмаса, келгуси юз йилликнинг ҳар үн йиллигіда глобал ҳарорат $0,3^\circ\text{C}$ га ортади. Икlimнинг исиши қутблардаги музликларнинг эришига ва Дунё океани сатхининг 2030 йилга бориб 20 см га, XXI аср охирига бориб эса 65 см га күтарилиши рүй беради (Осоқова ва бошқалар, 2005, 25-бет).

Глобал икlim үзгаришининг фойдали оқибатларидан кура салбий заарлари, айниқса, қирғоқбуйи мамлакатлари ҳамда куртоқчил икlim миңтақаларда тобора яққол намоён бұлмоқда. Ушбу глобал салбий жараёнлар 1960 йиллар охирида икlimшunoс ва дунё муаммолари билан шуғулланувчи олимлар эътиборига түшди ва ушбу муаммоларни ҳал этиш йулидаги ҳаракатларга раҳбарлық қилишни БМТ үз зиммасига олди.

Иқлимининг исиши 1972 йилда давлатлар раҳбарлари-нинг табиат муҳофазасига багишланган Стокгольм Декларациясида ўз ифодасини топди. 1979 йилда бўлиб ўтган биринчи Жаҳон иклим конференциясида эса антропоген иклим ўзгаришларидан жаҳон ҳамжамиятини огоҳлантирувчи Декларация қабул қилинади. 1980-1990 йилларда ушбу мавзуга багишланган бир неча Халқаро анжуманлар бўлиб ўтди. 1988 йилда иклим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро эксперталар гурӯҳи (МГЭИК ООН) таъсис этилди. Ушбу ташкилот 1990 йилда ўзининг иклим ўзгаришини баҳоловчи илк маъruzасини тақдим этди. Эксперталар хуласасига кўра, керакли чора-тадбирлар кўрилмаса, келгуси 100 йил давомида ҳар 10 йилликда глобал ҳарорат ўртача $0,3^{\circ}\text{C}$ кутарилади. Иклим ўзгариши борасидаги тадбирларнинг давоми сифатида 1992 йилда Рио-де-Жанейрода ўтказилган Жаҳон саммитида БМТнинг Доиравий Конвенцияси қабул қилинди. Бу хужжат 1994 йил 21 март куни кучга кирди. Бутунги кунда 189 мамлакат Конвенция Томонлари (аъзолари) хисобланади. Анжуманда иклим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар қаторида атмосферада иссиқлик эфекти ҳосил килувчи “иссиқхона газлари”ни ҳавога чиқаришни чеклашга тегишли ҳуқуқий, дастурий хужжат қабул қилинди. БМТнинг ушбу Доиравий Конвенциясини амалга ошириш жараёнларини баҳоловчи ва навбатдаги тадбирларни белгиловчи бир неча халқаро анжуманлар ўтказилди.

Бу борада 1997 йилда имзоланган ва 2005 йилнинг 16 февраль куни кучга кирган Киото (Япония) Протоколи алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу анжуманда, аввалгилардан фарқли ўлароқ, ривожланган мамлакатлар учун иссиқхона газларини атмосферага чиқаришни қисқартирилган ҳажмлари белгиланди. Музокаралар натижасида 2008-2012 йиллар давомида иссиқхона газларини 1990 йилга

нисбатан Европа Иттифоқи мамлакатларида 8% га, АҚШ – 7% ва Японияда 6% га қисқартириш мажбурияти юкланди. Башқа ривожланган давлатлар учун ҳам энг юқори “чегаралар” белгиланди (Икlim узгариши түгрисида ... 1999, 32-бет).

Ўзбекистон Республикаси аниқ мажбуриятлар олган мамлакатлар қаторига кирмаса-да, унга АҚШ томонидан билдирилган “улушлар савдоси”га тегишли таклифлар (чиқиндилар квотаси савдоси) аҳамиятлайдир. Ушбу таклиф бўйича ривожланган мамлакатлар ўз мажбуриятларидан ортиқ атмосферага чиқарган газлари учун, эмиссия даражаси кам бўлган мамлакатлардан уларнинг улушларини сотиб олишлари мумкин. У пул эквивалентини тұлаш ёки янги технологияларни бериш, ёхуд маблаг билан таъминлаш орқали амалга оширилиши мумкин Айни даврда Томонлар (мамлакатлар) Киото Протоколи мажбуриятларини бажариш мақсадида ўзларининг ижтимоий-иктисодий салоҳиятига мос ҳолда тузилган миллий дастурларига эга.

Киото Протоколи инсонияттинг иссиқхона эффектини хосил қилувчи газ чиқиндиларини ўсишига карши кураш борасидаги биринчи амалий қадамидир.

Ўзбекистоннинг глобал иқлим исиши муаммосига муносабати

Истикюл туфайли Ўзбекистон БМТнинг teng ҳуқуқли аъзоси бўлди ва у Инсоният тақдири ва келажаги ҳамда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган Ҳалқаро ҳамкорликни узлуксиз қўллаб-куvvatlab келмоқда. БМТнинг Доиравий Конвенцияси (РКИК ООН) 1993 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон ҳукумати томонидан ратификация қилинди. Уни урганиш ва ечимини топишга умумдавлат мақоми берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази

Ўзбекистонда РКИК ООН мажбуриятларини бажаришга масъул ташкилот деб белгиланди. Уни амалга оширишда қатнашувчи 34 та муассасалар ва уларнинг ишини мувофиқлаштирувчи котибият таъсис этилди (1995 йилда Миллий вакил қилиб Ўзгидромет бошлиги В.Е.Чуб тайинланган). 1999 йилда БМТнинг иқлим ўзгариши Доиравий Конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллий ахбороти тақдим этилди (2008, 137-бет). Ўзбекистон бўйича 1933-2007 йиллар учун ҳаво ҳароратининг ўртача йиллик ўзгаришлари таҳлил қилинганда, унинг ҳар 10 йилда $0,2^{\circ}\text{C}$ га ортиб бораётганлиги маълум бўлди. Бу шимолий ярим шар бўйича ҳаво исишининг ўртача суръатидан 40% га ортиқдир. Исиш оқибатида Орол денгизи ҳавзасида жойлашган тоглардаги қор ва музлик майдонлари $1/3$ дан ортиққа қисқарган. Минтақада йиллараро иқлиминг барқарор исиш йўналиши (тренд) кузатилмоқда. Стандартлаштирилган ёғингарчиликлар индексининг (таянч деб олинган 1961-1990 йилларга нисбатан фоиз хисобида) ўзгариши ҳам исиш негизида атмосфера ёғинларининг нисбатан қўпайиши кузатилмоқда (“Географик башорат ва амалиёт” мавзусига қаранг). Киото Протоколи мажбуриятларини бажариш бўйича республикада эътиборли ишлар амалга оширилмоқда. Бевосита иссиқхона газлари ҳисобланган (метандан ташқари) карбонат ангидриди (CO_2) ва азот (закиси бижитқиси)ни атмосферага чиқаришни (1990-2005 йиллар давомида) камайтиришга эришилди.

Иқлиминг исиши сув ресурсларининг сув-бетидан бугланиши ҳисобига 10-15%га, транспирация туфайли эса 10-20% га камайишига олиб келади. Йиллик ҳароратлар йигиндиси 5-10% га ортади, совук даврнинг давомийлиги 5-15 кунга қискаради. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинларини

етиштиришда агроиклиний шароитларининг ўзгаришига олиб келади (Миллий маъруза ... 2008, 34-бет).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси шинг 2007 йил 10 апрель куни “Киото Протоколи тоза тараққиёт механизми доирасида инвестиция лойихаларини тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори глобал иқлим исишини юмшатиш ва унга мослашиш йўлидаги вазифаларни белгилаб берди. Иқлим исишининг экологик, ижтимоий-иктисодий оқибатлари жуда мураккаб ва кўп қирралидир. Уни узлуксиз ўрганиш ва унга мослашиш стратегияси асосида иш кўриш мақсадга мувофик.

Иқлим исиши, яъни ҳаво ҳароратининг глобал ортиши муаммосини бартараф қилиш жуда мураккаб вазифадир. Чунки бу муаммо ҳам “табиат-инсон-жамият” муносабатларига, яъни бу учликнинг мувозанатда, уйғун ривожланишига бориб тақалади. Ушбу мувозанат йўлларини топиш ва уни сақлаш учун қўйидаги амалий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқлим ўзгариши муаммоси мазмун-моҳиятини чукур англаш, Ер шари аҳолиси, давлатлар, халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлигига эришиш;
- иссиқхона ҳосил қилувчи газлар эмиссиясини (атмосферага чиқишини) камайтириш имкониятини берадиган янги технологияларга ўтиш;
- имкон даражасида шамол, сув, қуёш энергияси каби экологик жихатдан тоза, тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланиш;
- экинзорлардан, айниқса, шолипоялардан метаннинг ажралиб чиқишини камайтирадиган технология ва усулларга эришиш;

- чорвачиликда, уларнинг сонини эмас, балки метан эмиссиясини камайтириш йўлларидан бири бўлган ҳар бош чорванинг маҳсулдорлигини оширишга эришиш;
- уй-жой ва капитал қурилиш биноларини иситища тежамкор, экологик талабларга жавоб берадиган усуllарни жорий этиш;
- технологик ва транспорт ҳалокатлари ҳамда ёнғин офати хавфсизлиги чора-гадбирларини кучайтириш;
- ҳалқ оммаси орасида иқлим ўзгариши түгрисида тарғибот ишларини узлуксиз олиб бориш;
- ҳар бир инсонда “сайёрамиз-умумий уйимиз” туйгуси ва масъулиятини хис килишга лойиқ маданиятни шакллантириш. Чунки табиат ва жамият муносабатларини мувофиқлаштирища Инсон шахсияти ҳал қилувчи урин тутади;
- уй-рўзгор ва ишлаб чиқариш тармоқларидаги чиқиндиларни оқилона бартараф қилиш технологиясини такомиллаштириш;
- иқлим исиши индикаторлари ва оқибатларини ҳудудлар доирасида ўрганиш ва уни бартараф қилишнинг географик асосларини излаш ва ушбу мавзудаги муаммоларни тарғибот қилиш.

Чўлланиш муаммосининг мазмун-моҳияти

Чўлланиш ҳам глобал мақомга эга бўлган муаммолардан бири бўлиб, экологик муаммолар тоифасига кирадиган табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши оқибатидир. Муаммонинг ҳалқаро жамоатчилик зътиборига тушишига асосий сабаб Африкадаги Саҳрои Кабир чулининг жанубий чегарасида жойлашган Саҳель зонасида рўй берган суртикали қурғокчилик ва унинг фожеали оқибатларидир.

Таниқли француз олим О.Шевалье 1900 йилда дунёда энг катта хисобланган Саҳрои Кабир (майдони 7 млн.км²)

чўлининг жанубида жойлашган Атлантика океанидан Кизил дентиз ва Ҳинд океани соҳилларигача бир неча минг км чўзилган ва кенглиги 150 км атрофида бўлган йулакни "Сахель" деб атайди. Бу атама арабча "чегара зонаси", "чеккаси" маъносини билдиради Сахель ярим курғоқчилик саваннадан иборат бўлиб, кумли, тошлокли ерлардир. Ушбу худуд ўндан ортиқ (Сенегал, Мавритания, Мали, Чад, Нигер, Буркина-Фасо, Гана, Нигерия, Марказий Африка Республикаси, Судан, Эфиопия, Сомали, Кения) давлатларига тегишли бўлиб, асосий ҳалқ бўлган туареглар ўтрок ва кўчманчи чорвачилик билан шугулланади. Мазкур Судан-Сахель зонасида 1964, 1968, 1970-1972 йилларда рўй берган сурункали қурғоқчилик туфайли Саҳрои Кабир чўлининг чегараси 1965 йилдан сўнгти 10 йиллик давомида ҳар йили уртacha 9 км жанубга сурилган (Зонн, Орловский, 1984, 81-бет). Кейинги 1968-1973 йилларда рўй берган "буюк қурғоқчилик" туфайли ушбу ўлканинг 250 млн. аҳолиси очлик, касаллик натижасида ҳалок бўлган, икки млн. бош чорва кирилиб кетган.

Чўлланиш жараёни Ер юзидағи қуруқликнинг 30%га яқин майдонини эгаллаб турган арид (қурғоқчилик) иклими худудлар учун хосдир. Чўлланиш баъзан ярим нам иқлими жойларда ҳам кузатилади. Қурғоқчилик эса чўлланиш жараёнининг "хамиртуруши" дир. X-XVIII асрлар давомида Россияда 40 марта қурғоқчилик содир бўлган, XIX асрда эса 9 марта. Ҳозирги даврда ўрмон-дашт ва дашт зоналарида ҳам ҳар 3-4 йилда ушбу заарли оғат такрорланмокда.

"Чўлланиш" атамаси Африканинг нам тропик ўрмонларини ургантган француз геоботаниги А.Обревиль томонидан 1949 йилда фанга киритилган. Чўлланиш атамасининг мазмун-моҳияти ҳақида турлича талқинлар мавжуд. Лекин кўпчилик олимлар чўлланишни ландшафтларнинг (эко-тизимларнинг) камбағаллашуви, яъни уларнинг биологик

маҳсулдорлигининг пасайиши (камбагаллашуви), деб эътироф қиласилар. Чулланиш жараёнида тупроқларнинг шурланиш даражаси ортади, шамол, сув эрозияси кучайди, атмосферанинг таркиби чанг-тузон аэрозоллари билан ифлосланади, экологик мухит сифати пасаяди ва ниҳоят жуда катта ижтимоий-иктисодий, маънавий заараларга олиб келади. Чулланишга олиб келадиган сабаблар жуда кўп, улар иккى турухга мансуб омиллардан, яъни табиий ва инсоннинг табиатга қўрсатаётган таъсир кучидан иборат.

Табиий омиллар ичида иқлим етакчи аҳамиятта эга (Иқлим ўзгариши тўғрисида, 1999, 19-бет). Айникса, арид иқлими (чўл ва чала чўл зоналар) ерлар чулланиш учоги хисобланади. Чунки чўл ландшафтларининг барқарорлиги кучиз бўлади. Яъни улар қурғоқчилик билан боғлиқ ташки таъсирларга чидамсиз бўлади ва тез ўзгаради.

Арид - лотинча "arid" – қуруқ, қурғоқчил маъносига эга. Шундан келиб чиқиб, экстраарид - ута арид, семиарид - лотинча "semi" – ярим арид гумид - лотинча "humius" – нам, суб гумид – "суб" – "ёни" маъносига эга. Аникроқ қилиб айтганда, ландшафтларнинг барқарорлиги уларнинг биоиқлими (курғоқчилик) даражасига боғлиқ бўлади, яъни табиий намланиш ортган сари уларнинг барқарорлик даражаси ортиб боради (5-жадвал).

5-жадвал

Биоиқлимий (арид) зоналарнинг қурғоқчилик даражаси (Зонн, Орловский, 1984.)

Биоиқлимий зоналар	Йиллик атмосфера ёгиналари микдори, мм	Намланиш коэффициенти
Экстраарид	< 100	< 0,03
Арид	100 – 200	0,03 – 0,20
Семиарид (ярим арид)	200 – 400	0,20 – 0,50
Субгумид (намлик етишмайдиган худудлар)	400 – 800	0,50 – 0,75

Ушбу жадвалга күра, Ўрта Осиё чўллари арид зонага киради. Лекин Газли – Урганч (Туямуйин) ҳалқаси доирасида жойлашган чўллар нисбатан қурғоқчили. Мазкур ерларни ярим экстраарид биоиклимий зонага тегишли деб хисоблаш лозим. Чунки ушбу ландшафтларда уртача йиллик ёгинлар миқдори 100 мм дан ҳам кам.

Чўлланиш жараёни глобал табиий, ижтимоий-иктисодий муаммо сифатида БМТнинг 1974 йилда булиб утган XXIX Бош Ассамблеясида тилга олинган ва бу борада маҳсус кенгаш утказишга қарор қилинган. Ниҳоят, уч йил давом эттан тайёргарлиқдан сўнг, Кениянинг Найроби шаҳрида 1977 йилнинг 29 августида иш бошлаган БМТ Конференциясида чўлланиш муаммоси муҳокама этилди. Ушбу нуфузли анжуман 20 кун давом этиб, унда жаҳоннинг 100 та давлати ва 50 дан ортиқ Ҳалқаро ташкилотлардан 1500 дан ортиқ делегатлар қатнашади. Ушбу анжуманда собиқ Иттифоқ чўлшунос олимларидан И.П.Герасимов, А.Г.Бабаев, В.А.Ковда, Б.Г.Розанов, Т.Н.Нечаева, М.П.Петров, В.Н.Кунинлар фаол иштирок этганлар. Анжуманда инсоннинг самарасиз хўжалик фаолияти туфайли содир булаётган инқирознинг олдини олиш, яъни табиатни асрраб-авайлаш зарурлиги дунё ҳамжамиятининг вазифаси деб белгиланди ва “Чўлланишга қарши кураш Режаси” қабул қилинди. Ушбу режа тарафдор мамлакатлар ва ҳалқаро илмий жамоатчилик учун дастури амал вазифасини бажариб келди. БМТ раҳнамолигида ушбу мавзу буйича бир неча Ҳалқаро ва минтақавий анжуманлар булиб ўтди.

БМТнинг Бош Ассамблеясида 1992 йилда Ҳукуматлараро Қумита тузилди (бош қароргоҳи Женевада). Чўлланиш муаммоси БМТнинг 1994 йилнинг 14-15 октябрида Париж шаҳрида булиб утган конференциясида қайта қуриб чиқилди ва бу борадаги камчиликларни хисобга олган ҳолда янги дастур – “Чўлланишга қарши кураш Конвенция”си

қабул қилинди. Ҳозирги кунда бу Конвенция 100 дан ортиқ давлатлар томонидан қабул қилинди ва құпгина давлатлар олинган мажбуриятларини бажариб келмоқдалар. Қайд қилиш жоизки, собиқ Иттифокда ва Үрта Осиёда چұлланишга қарши кураш, яъни унинг ташкилий ва бевосита амалиёти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда Туркманистан Фанлар Академияси ҳузуридаги Җұллар институты жамоасининг үрни бекиёс бўлди. Бу институт 1962 йилда ташкил этилган. Мазкур илмий марказга 1967 йилдан бошлаб собиқ Иттифок ҳудудидаги қурғоқчил (арид) ҳудудларнинг табиий ресурсларини үрганиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича фаолият қурсатётган илмий жамоалар ишини мувофиқлаштириш ҳукуки берилди. Институт ҳузурида “Үрта Осиё ва Қозогистон چұл ҳудудларини үрганиш ва ўзлаштириш” муаммолари бўйича Илмий кенгаш ташкил қилинди. 1967 йилдан бошлаб ҳар йили 6 марта “Җұлларни ўзлаштириш муаммолари” номли Халқаро илмий-амалий журнални чоп этиш йўлга қўйилди. Ушбу журнални چұлланишга қарши кураш, چұлшунослик илми ва چұл зонаси табиий ресурсларида оқилона фойдаланиш ва уларни асраб-авайлашнинг жарчиси деб баҳолаш лозим. Муаллиф сифатида мен ушбу институттинг аспирантурасида ўқиганлигимдан фахрланаман.

Җұллар институты ҳузурида 1978-1992 йилларда Халқаро мақомга эга бўлган “Җұлланишга қарши кураш бўйича ўқув курслари” ташкил қилинди. Уқув дарслари “кўчма кумларни мустаҳкамлаш” ва “шўрланган сугориладиган ерлар мелиорацияси” муаммолари бўйича олиб борилди. Ушбу йиллар давомида 3 та Халқаро симпозиум, 40 та ўқув курслари, семинарлар, маърифий сафарлар, 10 та маслаҳат берувчи, баҳоловчи учрашувлар ўтказилган. Ушбу тадбирларда 81 мамлакатдан 700 дан ортиқ мутахассисларнинг иштироки таъминланган. 1984 йилда Җұллар институты

арид ўлкаларни ўрганиш, чулланишга қарши кураш усуларини ишлаб чиқилганилиги, ривожланётган мамлакатлар учун мутахассислар тайёрлаб берганлиги учун БМТнинг атроф-муҳит Дастури (ЮНЕП) ташкилотининг кумуш медали билан мукофотланган(Бабаев, 1995).

Чуллар институти жамоаси томонидан 1992 йилда “Орол ҳавзасидаги ерларнинг антропоген таъсир туфайли камбағаллашуви” картаси ишлаб чиқилди (масштаб 1:2500000). Мазкур ишланманинг изохига бағищланган рисолада чулланиш даражаси (кучиз, мұттадил. кучли), үсимликлар қопламининг камайиши, құмли чүллардаги дефляция, сув эрозияси, Орол дегизининг қуриши туфайли тупроқларни шұрланиши, сугориладиган ерларда шурланиш, техноген чүлланиш ва яйловларнинг ботқоқланиши буйича баҳолаш мезонлари ўз аксини топған. Бундан ташқари Қозоғистон, Туркменистан, Тожикистан, Қирғизистон. Узбекистон Республикалари ва ниҳоят Орол ҳавзаси буйича антропоген таъсир туфайли инқирозга юз тутған ерлар майдони, чүлланиш типлари таркиби аниқланған. Ушбу услугий ишланма минтақаларда чүлланиш жараёнларини ўрганиш ва уларни баҳолаш учуң дастури амал вазифасини утаб келмоқда.

Күп йиллик тадқиқотлар натижасида чүлланишнинг 45 сабаби аинқланған булиб, улардан 13% табиий, 87% эса антропоген фаолият билан бөліккелер (Бабаев, 1991). Аммо икlimнинг глобал исиши хуруж қилаёттган ҳозирги даврда чүлланишга сабаб буладиган омиллар күлами ва нисбатини янада ойдинлаштириш мақсадда мувофиқ.

Ўзбекистонда чүлланиш ва унга қарши кураш

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиё ўлкасининг марказий қисмида жойлашган, қурғокчил икlimли давлатлардан бири. Унинг 75% дан иборат текислик қисми чүл ва چала чүлли ерлардан иборат. Чүлланиш жараёни айнан ушбу

худудлар учун хос. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси БМТнинг чўлланишга қарши кураш ҳаракатларини дастлабки кунларданоқ қўллаб-кувватлаб келмоқда. Ўзбекистонлик чўлшунос олимлар, айниқса, Ўзбекистон ФА ҳузуридаги география бўлими (хозир у Сейсмология илмий-текшириш институти ҳузурида) А.А.Рафиқов раҳбарлигидаги олимлар турухи бу муаммони ўрганишга биринчилар қаторида киришдилар. Чўлланишга бағишлиланган изланишлар натижасида 1988 йилда “Ўзбекистонда чўлланиш ва унга қарши кураш” монографияси “Фан” нашриётида рус тилида чоп эттирилди. Шу билан бирга, “Ўзбекистоннинг қурғоқчилиқ зонасида чўлланиш хавфи” карта-чизмаси яратилди (масштаб 1:500 000). Ўзбекистонда 1980-1990 йилларда чўлланиш билан боғлик илмий тадқиқотларнинг аксарияти Оролденгизи муаммоларига қаратилган эди.

Чўлланиш жараёнига қарши кураш республикамиз тараққиёти учун зарурлигини инобатга олиб, БМТнинг “Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш Конвенцияси” 1995 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан қабул қилинди ва ижрочи ташкилот сифатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Гидрометеорология маркази масъул ташкилот деб белгиланди. Ушбу ташкилот жамоаси ва республиканинг мутахассис олимлари иштирокида 1999 йилда “Ўзбекистон Республикасида чўлланишга қарши кураш Миллий Дастури” (130-бет) ишлаб чиқилди. Ушбу Дастурни тайёрлашда географ олимлардан А.А.Рафиқов, И.Қ.Назаровлар фаол иштирок эттанлар. Уни бажариш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари ва уларнинг яқунлари ҳамда бажарилиши лозим бўлган вазифаларга бағишлиланган учрашув, семинарлар, ҳатто Халқаро илмий конференциялар утказилиб келинмоқда. Чўлланишга бағишлиланган Халқаро анжуманлардан бири 2000 йилнинг 16-18 октябрида Самарқанд шаҳрида “Арил

зоналарида чўлланиш муаммолари" мавзусида булиб ўтди. Профессор Л.А.Алибеков ташаббуси билан уtkазилган ушбу анжуманда АҚШ, Польша, Россия, Арманистон, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда узбекистонлик чўлшунос олимларнинг 107 маърузаси тингланди ва мавзуга тегишли бўлгуси режалар белгилаб олинди. Узбекистонда чўлланиш жараёнлари билан боғлик вазият Туркманистонлик олимларнинг маълумотларига кура қуидаги кўрсаткичларга эга:

6-жадвал

Узбекистонда чўлланишга чалинган ер майдонларининг тақсимланиши (км^2 ва фоизда)

Т/п	Чўлланиш (деградация) типлари	Чўлланиш синфаари			Жами
		Кучисз	Ўртача	Кучли	
Фойдаланилаётган ёки фойдаланишга ярокли ерлар					
1	Усимлик копламининг чўлланишга учраганилиги	132475 37,4	93370 26,4	16635 4,4	241480 68,2
2	Дефляция	3955 1,1	-	-	3955 1,1
3	Сув эрозияси	9825 2,8	325 0,1	-	10150 2,9
4	Сугориладиган ерларнинг шурланиши	-	65745 18,5	-	65745 18,5
5	Орол дентизи сатҳининг па- сайиши туфайли шурланиш	6115 1,7	2140 0,6	14895 4,2	32150 6,5
6	Техноген чўлланиш	-	-	9975 2,8	9975 2,8
	Жами	152370 43,0	161680 45,6	40508 11,4	354455 100
	Кучма қумлар				3635
	Шурхоклар				3330
	Сувли майдонлар				27810
	Туб жинслар чиқиб ётган юзалар				16615
	Жами				51390
	Ўзбекистон бўйича хаммаси				405845

Манба: Пояснительная записка к карте антропогенной дегра-дации земель в бассейне Аральского моря. Ашгабат, 1993, 87 стр.

Жадвалда чүлланишнинг 6 та типи бўйича, чүлланиш даражалари ифодаланган. Келтирилган маълумотларга кура, республикада фойдаланилаётган ва фойдаланишга ярокли ерларнинг 88,6 фоизи кучсиз ва мўтадил даражада чүлланишга чалинган. Чүлланиш типлари бўйича энг кучли индикатор ўсимликлар қоплами ҳисобланади, аниқроқ қилиб айтганда, республиканинг 68,2 фоиз майдонида ўсимликлар қоплами турли даражада чүлланишга чалинган, яъни камбағаллашган. Ҳозирги даврда эса иқлим ўзгариши (исиши) ва антропоген юкни тобора ортиб бораётганилиги туфайли чүлланиш жараёни жуда жиддий тусда хуруж қилмоқда. Унинг оқибатлари эса ландшафтлар биоресурслари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятининг пасайишига экологик муҳит сифатининг, ахолининг яаш шароити ва саломатлигининг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Қайд қилиш жоизки, Республикада кейинги йилларда чүлланишга бағишлиланган илмий изланишлар ва чүлланишга қарши кураш чора-тадбирларининг шиддати бирмунча пасайди. Глобал иқлим ўзгаришлари содир бўлаётган ҳозирги даврда чүлланиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф қилишга бағишлиланган илмий изланишлар эндилиқда устувор илмий вазифалардан бири бўлмоғи лозим.

Бугунги кунда чүлланиш жараёнларини юмшатиш ва унга қарши кураш мақсадида биринчи навбатда қуйидаги илмий-амалий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувоғик:

- шамол ва сув эрозиясига қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштириш;
- чўл-воҳа, чўл-яйлов зоналаридаги ерларнинг иккиласми шўрланиш, кимёвий, бактереологик ифлосланишини бартараф қилиш;

- биологик жиҳатдан камбағал, бузилган, ташландык ерларни рекультивация қилиш;
- чүл-воҳа, чүл-яйлов зоналарида жойлашган ахоли манзилгоҳларини махаллий табиий шароитни ҳисобга олган ҳолда ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш;
- кенг халқ оммасига, айниқса, маъмурий раҳбарлар, табиатдан фойдаланувчиларнинг экологик маданиятини юксалтиришга бағишиланган чора-тадбирларни кучайтириб бориш зарур.

Илмий-назарий нұқтаи назардан чулланиш жараёнини үрганиш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- чулланиш жараёни мониторингини (космик ва ер усти минтақавий кузатув тизими асосида) олиб бориш ва унинг натижаларини инсбатта олган ҳолда иш юритиш;
- чулланишга қарши курашнинг қонуний-хуқукий асосларини такомиллаштириш;
- чулланиш жараёнларининг махаллий, минтақавий ва дунёвий моҳияти ва оқибатларини илмий таҳдил қилиш, уларнинг картографик тасвирларини яратиш ва чулланишга қарши кураш бўйича хулоса ва тавсиялар ишилаб чиқиши лозим.

Таянч тушунчалар:

Глобал муаммолар, иқлим, об-ҳаво, музланишлар, иқлимий омиллар, иқлимий давриилик, астрономик омил, ташки геофизик омил, ички геофизик (циркуляцион) омил, генетик иқлимий классификация, экваториал, тропик, мұтадил, арктика (антарктика) ҳаво массалари, узун түлкини инфрақизил нурлар, "иссикхона" газлари, Стокгольм Декларацияси, Доиравий конвенция (1992), Киото Протоколи (2005), "улушлар савдоси" (чиқиндиilar квотаси савдоси), Гидрометеорология маркази, ёғингарчиликлар индекси,

чұлланиш, Сахель зонаси, "буюқ қурғоқчилик", биоиклиний зоналар, экстраарид арид семиарид (ярим арид), субгумид, "Чұлланишга қарши кураш Режаси" (1977), "Чұлланишга қарши кураш Конвенцияси" (1994), ЮНЕП, дефляция, иккиламчи шүрланиш, чұлланиш даражаси, сув эрозияси, чұлланиш омиллари, чұлланиш типлари, чұлланиш жараёны.

Назорат учун саволлар:

1. Нима учун икlim үзгариши глобал муаммо ҳисобланади?
2. Иқлимга таъсир этувчи омилларни изохланг.
3. Б.Б.Алисов томонидан таклиф этилган иқлимининг генетик классификацияси моҳиятини изохланг.
4. Иқлимининг даврийлиги моҳиятини изохланг.
5. "Иссикхона эфекті" нинг мазмун-моҳияти нима?
6. "Чикиндилар квотаси савдоси" нима?
7. Киото Протоколининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
8. Иқлим үзгаришлари оқибатларини изохланг.
9. Ўзбекистонда иқлим үзгаришига қарши кураш.
10. Иқлим үзгаришини юмшатиш борасидаги илмий-амалий вазифалар нималардан иборат?
11. Чұлланиш муаммосининг сабаблари ва дунё ҳамжамияти томонидан тан олиниши.
12. Судан –Сахель зонасининг моҳияти.
13. Биоиклиний зоналар ва уларнинг моҳияти.
14. "Чұлланишга қарши кураш Режаси" (1977).
15. "Чұлланишга қарши кураш Конвенцияси" (1994).
16. Чұлланиш типларини изохланг.
17. Ўзбекистонда чұлланишга қарши кураш.
18. Чұлланишга қарши кураш борасидаги вазифалар.

Адабиётлар:

1. Бабаев А.Г. Основные направления научных исследований аридной зоны СССР. Проблемы освоения пустынь. 1991, №3-4, стр. 5-15
2. Бабаев А.Г. Проблемы освоения пустынь. Ашгабат, "Ылым", 1995, 340 стр.
3. Бабаев А.Г., Зонн И.С. Международное сотрудничество СССР в области борьбы с опустыниванием. Ашгабат, 1989, 48 с.
4. Бабаев А.Г., Зонн И.С., Дроздов Н.Н., Фрейкин З.Г. Пустыни. Москва, Издательство "Мысль", 1986, 318 стр.
5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши Рамкавий конвенцияси буйича Ўзбекистон Республикасининг биринчи Миллий ахбороти. Тошкент, 1999, 137-бет
6. Географический энциклопедический словарь. Москва, "Советская энциклопедия", 1988, 432 стр.
7. Жекулин В.С. Введение в географию. Ленинград, Изд-во АГУ, 1989, 272 стр.
8. Зонн И.С., Орловский Н.С. Опустынивание: стратегия борьбы. Ашгабад, "Ылым", 1984, 320 стр.
9. Иқлим ўзгариши түгрисида нималарни биласиз? БМТнинг иқлим ўзгариши түгрисидаги Тегравий Конвенциясини янги ўрганувчилар учун кўлланма (ўзбекчарусча). Алматы, 1999, 65-бет.
10. Иқлим ўзгариши узи нима: иқлим ўзгариши ҳакида БМТ Доиравий Конвенцияси ва ушинг Киото протоколини урганишни бошловчилар учун кўлланма. Тошкент, 42 бет
11. Конвенция Организации Объединённых Наций по борьбе с опустыниванием в тех странах, которые испытывают серьёзную засуху и или опустынивание, особенно в Африке. Printed in Switzerland, 1995, 78 стр.
12. Материалы международной научной конференции "Проблемы опустынивания в аридных землях". Самарканд, 2000 (16-18 октябр), 99 стр.
13. Назаров И.К. Тенденция антропогенного опустынивания в Юго-Западном Узбекистане. Материалы международной

научной конференции "Проблемы опустынивания в аридных зонах". Самарканд, 2000, стр. 75

14. Национальная программа действий по борьбе с опустыниванием в Республике Узбекистан. Ташкент, 1999, 130 с.

15. Опустынивание в Узбекистане и борьба с ним. Ташкент, "Фан", 1988, 156 стр.

16. Осокова Т.А., Спекторман Т.Ю., Чуб В.Е. Изменение климата. Ташкент, 2005, 54 стр.

17. Осокова Т.А., Ҳикматов Ф.Ҳ., Чуб В.Е. Иқлим ўзгариши. Ўқув қўлланма (ўзбекча-русча). Тошкент, 2003, 80-бет.

18. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. Тошкент, "Ўқитувчи", 1997, 112 бет.

19. Розанов Б.Г., Зонн И.С. План действий по борьбе с опустыниванием в СССР: оценка, мониторинг, предупреждение и борьбы с ним. Пробл. осв. пустынь, 1981, №6, стр. 22-30

20. Сойко Т.А. Международный симпозиум СССР/ЮНЕП и борьба с опустыниванием (Ташкент, 1981). Проблемы освоения пустынь, 1982, №3

21. Толба М. Опустынивание можно остановить. Проблемы освоения пустынь. Ашгабад, 1985, №3

22. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тутрисида миллий маъруза. Тошкент, Chinor ENK, 2008, 288-бет.

23. Харин Н.Г. и др. Методические основы изучения и картирования процессов опустынивания (на примере аридных территорий Туркменистана). Ашгабад "Ҷылым", 1983, 97 стр.

24. Харин Н.Г. и др. Пояснительная записка к карте антропогенной деградации земель в бассейне Аральского моря. Ашгабат, 1993, 86 стр.

25. Хромов С.П., Мамонтова Л.И. Метеорологический словарь, Ленинград, Гидрометеоиздат, 1974, 568 стр.

26. Экологический обзор Узбекистана основанный на индикаторах. 2008, Ташкент, Mega Basim, 2008, 88 стр.

8-мавзу: АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТШУНОСЛИК ВА АМАЛИЁТ

Режа:

1. Табиат-инсон муносабатларининг тарихийлиги.
2. Антропоген ландшафтлар ва уларнинг табақаланиши.
3. Маданий ландшафтларни яратишнинг назарий асослари.
4. Маданий ландшафтлар яратишнинг асосий тамойиллари.
5. Маданий ландшафтлар келажақда.

Табиат-инсон муносабатлари география фанида ўзига хос, хусусий муаммолардан биридир. Одам биологик тур сифатида табиат ривожининг олий маҳсали булиб, 3-5 млн. йил мұқаддам, ҳозирги физиологик ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган одам зоти – *Homosapiens* – ақлли одам эса бундан 50-40 минг йиллар мұқаддам пайдо бўлган (Иб. Каримов, 2007, 20-бет).

Дастлабки даврларда инсон табиатга мослашув тамойили асосида яшаган бўлса, кейинги даврларда эса у ўзининг яشاши ва меҳнати учун қулай шароит, имконият яратишга интилиб келган. Инсон дастлаб термачилик билан шугулланган, яъни ўзига керакли бўлган табиат неъматларидан баҳраманд бўлган бўлса, кейинчалик овчилик ва дехқончилик юмушига ўтган. Ёввойи ҳайвонларни хона-килаштириш, ўсимликларнинг маданий турларини яратиш табиат ва инсон муносабатларининг дастлабки ютуқларидандир. Кундалик рўзғоримизда ишлатиладиган картошка, сабзи, пиёз, узум, олма, анор каби маданий ўсимликларнинг дастлабки ватанлари бор. Қайд қилиш жоизки, маданий ўсимликларни яратиш дастлаб иқлим жиҳатдан қулай бўлган минтақаларда рўй берган. Рус

олими академик Н.И.Вавилов (1887-1943) маданий ўсимиликларнинг келиб чиқиши (яратилиши) марказлари, уларнинг географик тарқалиши тұгрисидаги таълимотни яратди. Бу марказлар еттита: Жанубий Осиё (Хиндистон, Хиндиҳитой яримороли); Шарқий Осиё (Шарқий Хитой, Корея); Жанубий-Гарбий Осиё (Кавказорти, Туркия, Үрта Осиснинг жануби, Афғонистон); Үрта денгиз бүйі; Абиссиния (Эфиопия, Яман), Марказий Америка (Панмасиз); Анд ёки Жанубий Америка (Чили, Перу, Колумбия). Юқорида қайд қилинган “Вавилов марказлари”ни табиат ва инсон муносабатларининг тұнғич марказлари деб аташ мүмкін. Чунки бу ерларда инсоннинг табиатта таъсири туфайли дастлабки маданий ўсимилик турлари ва маданий ландшафтлар яратылған.

Таныкли рус олими Ф.Н.Мильков (1990) инсоннинг географик қобиққа таъсири бундан 2,5-3,0 млн. йил мүқаддам, балки ундан ҳам олдин бошланған, ақллы одамнинг пайдо булиши туфайли эса унинг табиатта таъсир кучининг ортганилиги туфайли антропоген босқичнинг бошланғанлигини қайд қиласы да уни 4 даврға ажратади:

1. Эң қадимги давр узок давом этган булиб, 40-10 минт аввалги йилларни үз ичига олади (қадимги тош даври). Инсон сунъий олов олишга эга бұлған, уй куриш, дастлабки кийимларни тикишни билған. Овчилик равнақ топади. Ер юзида ақолининг Австралия, Шимолий Америка, ҳатто Субарктика зоналаригача тарқалиши рүй беради. Үрмөнларнинг күйдерилиши туфайли яланглик, ташланғып ерлар күлами ортади.

2. Қадимги давр мезолит, неолит ва бронза асрларига тұгри келади. Бу давр 7 минг йил атрофидаги муддатни (10-3 минг йил аввал) үз ичига олади. Музланишлардан кейинги бу йилларда инсон янги ерларни эгаллайди, кулолчилик, балиқчилик, чорвачилик, деҳқончилик ривожланади.

Инсоннинг табиатга таъсир кучи ортиб боради Яқин Шарқда юқори палеолит ва мезолит чегарасида – 12 минг йил муқаддам дәхқончилик равнақ топади. Тұнғич қулдор-чилик давлатлари-Миср, Ассирия, Вавилония қабиларга асос солинади. Милоддан аввалги 3000-2700 йилларда Миср әхромлари бунёд этилади (шулардан бири Хуфунинг узунлиги 233 м, баландлиги 146,6 м, унда 2,6 млн. гранитнинг ишлов берилған харсанглари төрилған, умумий оғирилиги 65 млн. тонна).

3. Янги давр милоддан аввалги мингинчи йилнинг бошидан (темир даври) XX асрнинг ўрталаригача муддатни (3 минг йил) үз ичига олади. Ҳунармандчилик (темирчилик) ривожланади, ахоли, қишлоқ, шаҳарлар сони күпаяди. Табиат бағрига үйғуналашиб кеттән майда антропоген ландшафтлар үрнига яхлит ва узлуксиз құламга эга бўлган ўзлаштирилган ерлар бунёд этилади. Ер шари ахолисининг сони тез суръатлар билан ўса бошлайди. Уларнинг сони милоднинг бошларида 250 млн. атрофида бўлган бўлса, 1820 йилга келиб 1 млрд.га, 1927 йилда 2, 1959 йилда 3 млрд.га етади. Инсон ўз ақлининг ҳосиласи бўлган фан ва техника туфайли қудратли кучга айланади. Натижада темир даврида қуруқликтиннинг 47 фоизини қоплаб ёттан ўрмонлар майдони XX асрнинг ўрталарига келиб 27% гача камайиб кетади. Салбий антропоген фаолият туфайли күргина биологик турлар буткул қирилиб кетади. Кейинги 400 йил давомида 4226 тур сут эмизувчилардан 36 тури, 8684 тур қушлардан 94 тури йўқ бўлиб кеттән. Денгиз сигири, тарпан (ёввойи от) ўрмон хайвони - тур (буқа) шулар жумласидандир. Ер ости бойликларни қазиб олиш кучайди, ташланғык ерлар майдони күпайган. Ерларнинг камбагаллашуви ва мелиоратив ҳолатининг бузилиши орта бошлайди. Шунинг билан бир қаторда, инсоннинг ижобий, бунёдкорлик ишларини ҳам қайд килиш жоиз. Инсоннинг ақл-заковати,

идроки билан боғлар, замонавий иншоотлар, шаҳар ва кишлоклар яратилди. Ҳатто үзлаштириш учун нокулай бўлган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб обод ерларга айлантирилди. Нодир ва камёб органик дунё вакилларини муҳофаза қилиш учун маҳсус қўриқ масканлари ташкил қилинди. Инсон омили туфайли маданий ўсимлик, хонаки ҳайвонларни ер юзида тарқалиши ва улардан фойдаланиш йўллари такомиллашди.

4. Ҳозирги давр, XIX асрнинг ўрталарида рўй берган илмий-техника инқилобидан кейинги йилларда рўй берган ўзгаришлар ўзига хос. Бу даврда инсон ядро энергиясига эга бўлди, у космосга чиқди ва уни үзлаштиришга киришди. Инсон тобора табиатга таъсир кўрсатадиган қудратли техникага эга бўлиб бормоқда. XXI аср-ахборот технологиялари ва глобаллашув асли. Табиатнинг янги тараққиёт босқичи ноосферага (акл соҳаси) кирганлиги қайд қилинмоқда (Иб. Каримов, 2007. 19-бет). Дунё аҳолиси сонининг ўсиб боришин камайган бўлса ҳам давом этмоқда. 2011 йилнинг 27 октябрида дунё аҳолиси 7 млрд.га етди. Ер юзида табиий, ижтимоий-иктисодий жараёнлар шиддати тобора жадаллашиб бормоқда.

Синергетик тил билан айтганда, табиатда, дунё ҳам жамиятида бекарорлик, тартибсизлик, тез ўзгарувчанлик, хилма-хиллик каби “чизиқсиз” воқеалар рўй бермоқда (Маърифат, 13.05.2006). Хуллас, табиат тобора антропогенлашиб, унга инсоннинг таъсир юки тобора ортиб бормоқда. Инсон онги, тафаккури такомиллашиб, ўзи эса ижтимоийлашиб бормоқда. Машхур француз океанологи Жак Ив Кусто айттанидек, табиат аввал инсонни қўрқитган бўлса, эндилика инсон табиатни қўрқитмоқда. Табиат – инсон – жамиятнинг бир-бирига баглиқлиги ва такомиллашуви давом этмоқда. Табиат ва инсон (жамият) муносабатлари, айниқса, уларнинг салбий оқибатлари XIX асрнинг

ўрталарига келиб яққол намоён була бошлади. Бу ўз навбатида қатор табиатшунос, айниқса, географ олимлар томонидан маҳсус таҳлил килина бошланди. Д.П.Марш (1864), Ю.Г.Саушкин (1970, 1980), Ф.Н Мильков (1973), А.Г.Исаченко (1974), Ш.С.Зокиров (1998), Абдулқосимов, Абдурахмонова (2001), Абдулқосимов, Назаров (2012) каби олимларнинг ишлари шулар тоифасига киради. Бу ўринда қайд килиш жоизки, Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон доирасидаги антропоген ландшафтларни ўрганишда А.А Абдулқосимовнинг хизматлари алоҳида эътиборга лойик (Солиев, Аббосов, 2004).

Инсон фаолияти туфайли табиий географик мұхитда рүй берган ўзгаришларни ўрганишни илк бор бошлаб берган америкалик олим Д.П.Марш (1801-1882) хисобланди. 1864 йилда Лондонда унинг "Инсон ва табиат" асари чоп этилган (у 1866 йилда рус тилига таржима қилинган). Мазкур асарда инсоннинг хұжалик фаолияти туфайли үсимликтің ҳайвонот дүнёсі ҳамда сувли ва қумли майдонларда рүй берган салбий ўзгаришлар таҳлил килинди, табиий мувозанатнинг бузилаёттанилиги боис табиат инсондан келажакда ўч олиши қайд қилинади (Исаченко, 1974, 204-бет).

Табиат ва инсон муносабатларини ёритишда В.В.Докучаев ва А.И.Воейковнинг хизматлари катта. В.В.Докучаев Ресеке текислигидаги дашт ва ўрмон-дашт зоналарининг инсон таъсирида нафақат ўзгариши, балки ушбу зоналарни узлаштириш (урмон йұлаклари, сув ҳавзалари яратиш, юқори агротехниканиң күллаш) буйича тавсиялар ишлаб чыкали. "Ершұнослик" журналида 1894 йилда А.И.Воейковнинг "Табиатта инсоннинг таъсири" номидаги иккита маколаси чоп этилади. Бу маколаларда иқлиминшунос олим, инсоннинг табиатта онғыз таъсири туфайли ўрмонарнинг киркилиши, эрозион жәрликларнинг жадаллашуви, тоғларда сел тошқынлари ва карст жараёнларининг жадаллашуви,

кўчма қумли майдонларнинг ортиб бораётганилигини аниқ далиллар билан асослайди. У Ўрта Осиёга қилган сафарида туплаган маълумотлари асосида Орол денгизини сугорма дехқончилик туфайли қуришини башорат қилади.

Инсоннинг табиятга таъсир кучини ортиб бораётганилиги у яратган қобикни Д.Н.Анучин (1902 й.) “антропосфера” деб атайди (грекча *antropos* – одам, *sphere* – шар). Таникли иқтисодчи географ Ю.Г.Саушкин инсон фаолияти натижасида ландшафт компонентлари орасидаги ўзаро алоқалари ўзгарган ҳар қандай табиий комплексни маданий ландшафт деб атайди. У 1946 йилдаёқ маданий ландшафтларни ўрганиш учун географиянинг алоҳида тармоги булиши керак деган фикрни билдирган эди (Зокиров, 1998, 8-бет).

1970 йилда Воронеж давлат университети профессори Ф.Н.Мильков “Ернинг ландшафт қобиги” номли асарида “инсон томонидан ўзлаштирилган ва барпо этилиган геокомплексларни ўрганиш билан антропоген ландшафтшунослик фани шуғулланиши керак” деган холосаси антропоген ландшафтшунослик йўналишини шакланишига асос бўлди. Ҳозирги даврда ушбу илмий йўналишини асосчиси Ф.Н.Мильков эканлигини аксарият географлар эътироф этадилар. Ф.Н.Мильков ландшафтшуносликда иккита йўналиш, яъни табиий ва антропоген ландшафтшунослик шаклланганилигини қайд қиласи. Бунда антропоген ландшафтшунослик йўналиши табиий ва иқтисодий география киррасида эканлигини эътироф қиласи. Бу ўринда табиий ландшафтшунослик ҳозирги антропоген ландшафтларни таҳлил қилиш учун палеогеографик пойдевор булиб хизмат қилиши уқтирилади (Мильков, 1973, 14-бет). У антропоген ландшафтларни инсоннинг хўжалик фаолиятини инобатта олиб қўйидаги саккизта синфга ажратади: қишлоқ хўжалиги, саноат, чизиқли-йўл (транспорт турлари), ўрмон антропоген, сув антропоген,

рекреацион, селитеб (шахар, кишлоқ, ландшафтлари), беллигератив (лотинча *belligero* – “уруш қилиш” маъносига) ландшафтлар. Бунга қадимги ҳимоя қўргонлари, ҳарбий қисмларнинг туар жойлари, полигонлар киради (Мильков, 1981, 64-бет) 1973 йилда ёқ, олим яқин келажакда антропоген ландшафтлар Ернинг ландшафтлар қобиги таркибида етакчи ўринни эгаллайди деб башорат қиласди. В.И.Прокеев антропоген ландшафтларнинг моҳияти уларнинг қайси табиат зонасида яратилганлигини асослайди У антропоген ландшафтлар инсон назоратидан четда қолганда, аслига қайтиш жараёни рўй беришини қайд қиласди ва уларни табиий зоналардаги “антропоген модификация” деб хисоблайди.

Ландшафтшунос Я.Демек маданий ландшафт Ер ўзасининг бир қисми бўлиб, у аралаш (гибрид-табиий-ижтимий-иктисодий) суперсистемадан иборатлигини асослайди (Жекулин, 1989, 176-бет). Қайд қилиш жоизки, антропоген ландшафтлар қайси зонада яратилган бўлса, улар айнан шу зонага хос сифатларга эга бўлади. Бошқача қилиб айттанди, инсонларнинг хўжалик фаолияти зонал хусусиятларга эга. Бу ҳақда В.В.Докучаев (1846-1903) инсон узининг барча ҳаётий юмушларида зоналлидир. Урф-одат, кийиниш, кундалик ҳаётий мухит, маданий ўсимликлар, уйжой, овқат ва ичимликлар, ҳатто уй ҳайвонлари ҳам зонал хусусиятларга эга, деб таъкидлайди (Бабаев, Фрейкин, 1977, 189-бет). Геокимёшунос олим А.И.Перельман 1987 йилда табиий ландшафтларни янги – маданий ландшафтларга айлантириш учун маҳсус фан зарур, деб ёзган эди (89-бет). А.Г.Исаченко ландшафтшуносликнинг пировард максади маданий ландшафтлар лойиҳасининг илмий асосларини ишлаб чиқишидир, деб қайд қиласди (1991, 319-бет).

А.Г.Исаченко (1991) инсон фаолиятининг ландшафтларга таъсири ва унинг назарий масалалари ҳақида фикр

юритиб, инсон томонидан ўзгартырилган ландшафтлар таснифи табиий ландшафтлар таснифига боғлиқ булиши лозимлигини үктиради. У антропоген ландшафтларни ўзгартырилганлик даражасига кўра тўртта гурӯхга ажратади:

1. Шартли ўзгартырилган (ибтидоий) ландшафтлар. Улар бевосита инсон таъсирига ва хўжалик фаолиятига тортилмаган ландшафтлардир. Уларда инсон фаолиятининг кучсиз ва бильосита таъсири изларини пайкаш мумкин.

2. Кучсиз ўзгартырилган ландшафтлар. Булар асосан экстенсив (овчилик, балиқчилик, танилаб кесилган ўрмонли мавзелар) хўжалик таъсирида бўлган ландшафтлардир. Бундай ландшафтларда инсон фаолияти “иккинчи” даражали унсурларга таъсир этиб, табиий алоқадорлик ҳали бузилмаган ва аввалги ҳолатини тиклаб олиши мумкин. Бунга тундра, ўрмон, чўл, экваториал каби зоналарга тегишли бўлган ва ҳанузгача хўжалик ишларига фаол жалб қилинмаган ландшафтлар киради.

3. Бузилган (кучли ўзгартырилган) ландшафтлар. Ушбу гурӯхга киритилган ландшафтлар инсон фаолиятининг жадал таъсири туфайли ўзгартырилган геотизимлардир. Уларда кўп компонентлар ўзариб, ландшафтлар структурасининг сезиларли бузилиши рўй берган. Бу ерларда жамият манфаати нуқтаи назардан ноқулай бўлган жараёнлар (иккиламчи эрозия, дефляция, тупрокларнинг шўрланиши, сув ва атмосферанинг ифлосланиши) етакчилик қиласи.

4. Маданий ландшафтлар. Буларга инсон манфаатлари йулида структураси инсон томонидан илмий асосда самарали ўзгартырилган ландшафтлар киради. Ушбу ландшафтлар келажақда катта истиқболга эга.

Қайд қилиш жоизки, чўл зonasида ландшафтларни инсон томонидан ўзгартырилганлик даражаси бошқа зона-

ларга нисбатан тубдан фарқ қиласи. Чунки чүл зонасида сув омили азалдан ҳал қилувчи ўрин тутиб келган. Шу боис чүл ландшафтларини ўзлаштирилганик даражасига кўра яқол ифодаланган икки зоначага ажратиш ўринили:

1. Чүл-воҳа ландшафтлари. Бу ландшафтлар асосан суғорма дехқончилик майдонлари бўлиб, юқори самарадорликка эга. Аҳолининг 90-95 фоизи, саноат ва инфратузилмаларнинг асосий қисми ушбу воҳаларда жойлашган. Мазкур ландшафтлар инсон томонидан бошқарилади.

2. Чўл-яйлов ландшафтлари эса ҳайдаб бокиладиган майда туёкли чорванинг масканлариdir. Ушбу ландшафтлар, йуллар ва зовур тармоқларини хисобламаганда, бошқарилмайди. Улардаги иқтисодий самарадорлик воҳаларга нисбатан ўртача бир неча ўн мартағача кам.

Айрим олимлар маданий ландшафтлар яратишнинг бир неча ўзига хос тамойилларини тавсия қиласи. Ушбу қўлланма муаллифи узоқ йиллар давомида олиб борган илмий изланишлар натижаларига таянган ҳолда маданий ландшафтлар яратишнинг тұққизта асосий тамойилларига амал қилиш лозимлигини тавсия қиласи

1. Яратилган маданий ландшафтлар, қайси соҳага (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, сервис, тиббиёт, таълим ва тарбия, маданият) тегишли бўлмасин, иқтисодий жиҳатдан тежамли, самарали бўлиши лозим.

2. Маданий ландшафтлар органик дунё, энг асосийси, инсоннинг яشاши (купайиши), меҳнат қилиши ва дам олиши учун қулай, соглом мухитга эга бўлмоғи лозим.

3. Яратилган маданий ландшафтлар эстетик жиҳатдан юксак дизайн, чирой ҳамда мазмун ва сифатга эга бўлмоғи лозим. Бу ўринда ландшафтлар дизайнни дикқат марказида бўлмоғи зарур.

4. Яратилган ландшафтлар айни жой табиати қонуниятларига мос ва ўзига хос бўлмоғи лозим. Бошқача қилиб

айтганда, табиат ва жамият уйғунлиги таъминланиши, академик В.Б.Сочава тили билан айтганда, инсоннинг "табиат билан ижодий ҳамкорлиги" (сотворчество) амалга оширилмоги керак.

Таникли эколог Р.Риклефс (1979): "Агар биз табиат билан қайсиdir даражада муросага эришмокчи бўлсан, унда куп холларда унинг шартини қабул қилишга туғри келади", -деган эди.

5. Аҳолининг турар ва иш жойлари ҳамда корхона биноларини жойлаштиришда рўпаралилик ва рўпарасизлик тамойиллари асосида иш кўриш лозим. Бу ўринда қуёш нури, йил давомида етакчи йўналишга эга бўлган шамол йўналишларини инобатта олиш кўзда тутилади. Масалан, Бухоро вилоятининг чўл иқлими шароитида биноларни шимол-жануб йўналиши асосида жойлаштириш мақсадга мувофик. Чунки Бухоро вилоятида шамоллар асосан шимолдан жанубга йўналишига эга. Бу эса уй хоналарида ҳаво алмашинувини (елвизак) таъминлайди, қуёш ва ҳароратдан самарали фойдаланиш имконини беради.

6. Миллийлик тамойили. Яратилган маданий ландшафтлар айни жойда яшайдиган халқ ва миллатнинг маданияти – маънавияти, яъни айни миллатнинг менталитети рамзини акс эттириб турмоги лозим. Масалан, Бухорода яратилган маданий ландшафтларда Ибн Сино, Абдухолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломаларнинг сиймолари ҳамда урф-одат ва маҳаллий табиий шароит билан боғлиқ қадриятлар (балх тути, шотут, жийда, ўриқ, чини гужум ўстириш ёки сарховуз, мовий гумбазли бинолар куриш) ўз аксини топмоги зарур.

7. Ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаси бўйича яратилган ландшафтлар (истироҳат боғлари, маданият марказлари, мактаб, боғча, академик лицей, олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасидаги бинолар, касалхона, санатория кабилар) ташки

киёфаси, безатилиши, ижтимоий шароити тұла-тұқис күзде тутилған мақсадларга қаратылмоги керак.

8. Яратылған маданий ландшафтлар худудида мавжуд бұлған әндемик ва камёб үсімлик, ҳайвонот турлари, нодир табиий ёдгорликлар, археологик-тарихий обидалар, зиёратгоҳ жойлар иложи борича сақланиб қолинмоғи лозим (Назаров, Мирзаева, 2011).

9. Замонавийлик тамойили. Маълумки, табиат, ижтимоий ҳаёт, инсон тафаккури доимо ҳаракатда, ривожланишада. Бу үринде замон билан ҳамқадамлық зарур. Инсоният күлгө киритган янгилик, ютуқлардан баҳраманд булиши, уларға үйғун ҳолда иш тутиши лозим бұлади. Янгиланиб бориш диалектикалық қонуналар талабидир. “Маданий ландшафтларни маданиятли кишилар яратади” десек, мантикий жиҳатдан тұғри бұлади.

Юқорида қайд қилинған географик тамойиллар асосида ташкил қилинған маданий ландшафтлар мүккаммал илмий географик асосга эга бұлади ва ижтимоий ҳаёт учун самарали нағижалар беради. Эңг мұхими, “табиат-инсон-жамият” коэволюцияси йұлида тұтри ташланған қадам бұлади.

Таянч түшүнчалар:

Ақли одам, термачилик, овчилик, чорвачилик, дехқончилик, маданий үсімликтер марказлари, эң қадимги давр, қадимги давр, янги давр, ҳозирғи давр, ахборот технологиялари, глобаллашув, синергетика, ноосфера, антропосфера, антропоген ландшафтшунослық, табиий ландшафтшунослық, табиий ландшафтларнинг үзгартырылғанлық даражасы, шартли, күчсиз, кучли үзлаштырылған ландшафтлар, маданий ландшафтлар, коэволюция.

Назорат учун саволлар:

1. Одам (инсон) – табиатнинг таракқиёт маҳсали.
2. Антропоген ландшафтларнинг яратилиш тарихи.
3. Ландшафт қобигининг антропоген босқичда ривожланиш тарихи.
4. Антропоген ландшафтлар ҳақидаги фикрлар.
5. Антропоген ландшафтларнинг ўзлаштирилганлик даражасига кўра табақаланиши (А.Г.Исаченко бўйича).
6. Чўл-воҳа, чўл-яйлов ландшафтларининг мазмун-моҳияти.
7. Маданий ландшафтлар яратишнинг асосий тамойиллари.(И.К.Назаров бўйича).
8. Табиат-инсон-жамият коэволюцияси ғоясининг мазмун-моҳияти.

Адабиётлар:

1. Абдулқосимов А.А., Абдурахмонова Ю.Х. Зарафшон ботиги антропоген ландшафтлари ва уларни таснифлаштириш. География ва қадриятлар. Тошкент, 2001, 34-37-бетлар.
2. Абдулқосимов А.А., Назаров М.Г. Антропоген ландшафтларни тадқиқ этишнинг назарий асослари. Ўзбекистон география жамияти ахбороти 40-жилд. 2012, 14-17-бетлар.
3. Бабаев А.Г., Фрейкин З.Г. Пустыни СССР вчера, сегодня, завтра. Москва, "Мысль", 1977, 351 стр.
4. Жекулин В.С. Введение в географию. Ленинград. Изд-во ЛГУ, 1989, 272 стр.
5. Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Тошкент, "Университет", 1998, 68-бет.
6. Исаченко А.Г. География в современном мире. Москва, "Просвещение". 1998, 160 стр.
7. Исаченко А.Г. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование. Москва, "Высшая школа", 1991, 366 с.

8. Исаченко А.Г. Развитие географических идей Москва, "Мысль", 1974, 416 стр.
9. Мильков Ф.Н. Общее землеведение. Москва, "Высшая школа", 1990, 335 стр.
10. Мильков Ф.Н. Человек и ландшафты. Москва, "Мысль", 1973, 224 стр.
11. Назаров И.Қ., Аллаёров И.Ш., Тошов Х.Р., Мавлонов А.М. Маданий ландшафтлар яратишнинг тамойиллари хусусида. Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари. Тошкент, 2002, 22-23-бетлар.
12. Назаров И.Қ., Мирзаева И.Э. Кичик ҳудудларни оқилона ташкил қилишнинг географик тамойиллари. Узбекистон География жамияти ахбороти. 37-жилд. Тошкент, 2011, 11-13-бетлар.
13. Перельман А.И. Изучая геохимию (О методологии науки). Москва. "Наука", 1987, 152 стр.
14. Риклефс Р. Основы общей экологии. Пер. с англ. Москва, 1979, 424 стр.
15. Саушкин Ю.Г. Введение в экономическую географию. Изд. 2-е. Москва, 1970.
16. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем, будущем. Москва, "Просвещение", 1980, 269 стр.
17. Саушкин Ю.Г. Культурный ландшафт. "Вопросы географии". Вып. 1.1946.
18. Салиев А.С., Аббосов С.Б. Ландшафтшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари Али Абдулқосимов нигохида Узбекистон география жамияти ахбороти. 24-жилд. Тошкент, 2004, 3-6-бетлар.

Режа:

1. Ресурсшунослик ва унинг мазмун-моҳияти.
2. Ландшафтлар ресурсшунослиги.
3. Ландшафт ресурсларини баҳолаш.

1. Ресурсшунослик ва унинг мазмун-моҳияти.

Ер юзида унинг “гултожиси” бўлган Инсоннинг яشاши, меҳнат қилиши ва маънавий юксалиши учун барча шароитлар мавжуд. Бу табиий шароит ва у билан боғлиқ бўлган табиий, моддий ва номоддий ресурслардир.

Табиий шароит нисбатан кенг маънодаги тушунча бўлиб, жойнинг географик ўрни, табиий хусусиятлари ва ресурсларни ўз ичига олади. Табиий шароит Ернинг узоқ палеогеографик ривожланиши давомида диалектик ва умумгеографик қонуниятларлар асосида юзага келган воқелиқдир. Табиий шароит ҳозирги даврда антропогенлашган географик мухитдир. Ҳозирги тил билан айтганда, атроф-мухитдир.

Табиий ресурслар эса табиат ва табиий шароитнинг ажралмас қисми, уларнинг ҳосиласи бўлиб, инсоннинг моддий ва номоддий эҳтиёжларини кондириш учун зарур бўлган табиий бойликлардир.

Моддий ресурслар деганда, тоз жинслари, минерал бойликлар, ер ости ва ер усти сувлари, усимилик ва ҳайвонот дунёси ҳисобланса, номоддий бойликларга қўёш энергияси билан боғлиқ бўлган иқлимий шароит (ёруғлик, иссиқлик, намлик, булутлилик, шамол кабилар), бошқача қилиб айтганда, яшаш, даволаниш, туризм билан боғлиқ имкониятлар тушунилади.

Табиий шароит билан табиий ресурс ўртасида кескин чегара йўқ, аксинча, улар субъектнинг (инсоннинг, жамият-

нинг) талабига, моҳиятига кўра турлича баҳоланиши мумкин. Масалан, жойнинг рельефи асаларичилик учун табиий шароит бўлса, альпинизм нуқтаи назаридан русурс сифатида муҳимдир.

Худуднинг иқлимий шароити темир йўл, автомобиль транспорти учун табиий шароит, лекин сугорма дехқончилик учун энг муҳим шароитдир. Ёки шамолнинг тезлиги туризм учун табиий шароит бўлса, электроэнергетика учун ресурс хисобланади. Демак, табиий шароит ва табиий ресурс субъектнинг талабига кўра турлича қимматга эга. Бундан ташқари, табиий ресурслар ҳақидаи тушунчалар тарихийликка эга. Фан ва техниканинг ривожланиши даражасига bogлиқ ҳолда табиий неъматларга муносабат ўзгариб боради. Бунга сабаб, биринчидан, жамият ривожланган сари табиий шароит ва ресурсларга бўлган талабнинг турлари ва кўлами ортиб боради. Иккинчидан, фан ва техниканинг ривожланиши табиат бағрида мужассам бўлган ресурсларнинг янги турларини топиш ва улардан фойдаланиш имкониятини беради. Бошқача қилиб айтганда, бир вақтлар табиий шароит таркибида бўлган имкониятлар, эндиликда ресурс мақомини олиши мумкин. Техника, фан ютуқларининг имкониятлари туфайли ҳозирги даврда 2-4 км чуқурлиқда жойлашган олтин, нефть, газ маъданлари қазиб олинмоқда.

XVIII асрда инсоният кимёвий элементларнинг атиги 30 тасидан фойдаланган бўлса, XIX асрда 50, XX асрга келиб бу курсаткич 90 дан ошиб кетган. Ҳозирги кунда ҳатто табиатда учрамайдиган сунъий негизга эга бўлган кимёвий ашёлар ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига кириб келди. Фан ва техниканинг ривожланишига уйгун ҳолда бу жараён бундан кейин ҳам давом этаверади.

Табиий ресурслар сарфланишига кўра тугайдиган ва тугамайдиган гуруҳларга бўлинади. Қайта тикланишига

кура эса улар тикланадиган ва тикланмайдиган моҳиятга эга. Иқлимий ресурслар, сув, тупрок қоплами, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тикланадиган ресурслар қаторига киради. Лекин инсониятнинг табиатга салбий таъсири туфайли йўқолиб кетган ўсимлик ва ҳайвонот турларини тиклаб бўлмайди. Минерал ресурслар эса тикланмайдиган ресурслар тоифасига киради, уларнинг захираси тугаса тиклаб бўлмайди.

Тикланадиган табиий ресурслар келажак ресурслариdir. Чунки улардан фан ва техника ютуқларига таянган ҳолда самарали фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, биологик ресурсларни мелиорация ва интродукция усуллари ёрдамида кўпайтириш имконияти бор. Инсоннинг яратувчаник фаолияти туфайли ҳам худудларнинг ресурс имкониятларини кўпайтириш, юксалтириш мумкин. Масалан, тарихий, диний, агротуризм, рекреацион ресурсларни барпо қилиш инсоннинг бунёдкорлик фаолияти билан ҳам боғлиқ.

Табиий ресурсларни ўрганиш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш кўп киррали муаммо бўлиб, улар иқтисодиёт, геология, география, тупроқшунослик, ботаника, зоология, техника ҳамда ижтимоий фанларга тааллуқли. Ушбу мавзудаги тадқиқотлар умумилмий мақомга эга бўлган ресурсшунослик фанига тегишилдири.

2. Ландшафтлар ресурсшунослиги

Умумилмий мақомга эга бўлган ресурсшуносликнинг ўзак қисми географик ресурсшунослик хисобланади. Чунки ресурслар табиий ёки антропоген негизга эга бўлмасин, улар аниқ макон ва мазмунга эга. Ҳар бир макон эса табиий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан фарқланиб туради. Географик ресурсшунослик эса айнан шу фарқланишларнинг моҳиятини ўрганади ва улардан самарали фойдаланишининг илмий асосларини ишлаб чиқишини кўзда

тутади. Географик ресурсшунослик умумгеографик мазмунга эга. У үз моҳияти билан амалий географияга тегишли булиб, географик тадқиқотларнинг асл мақсадини, яъни ресурслардан жамият фаровонлиги йўлида самарали фойдаланиш ва асраб авайлашни кўзда тутади.

Географик ресурсшуносликнинг илмий-назарий пойдевори 1960-1970 йилларда собиқ Иттифоқ даврида СССР ФАнинг География институти (Москва) жамоаси томонидан яратилган. Бу, энг аввало, таниқли иқтисодчи-географ Н.Н.Баранскийнинг талантли шогирди А.А.Минцнинг (1929-1973) фаолияти билан баглик. Москва илмий мактаби рухида тарбияланган бу олимга 1963 йилда География институтининг иқтисодий география булимини бошқариш топширилади. У ушбу нуфузли илмий жамоада иқтисодий-географик тадқиқотларни жадаллаштиришга, айниқса, табиий ресурсларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ва улардан мажмуали фойдаланишнинг географик жиҳатларига алоҳида эътибор беради. Унинг “ресурслар цикли” ғоясининг асосчиси И.В.Комар (1907-1985) ва ландшафтшунос В.С.Преображенский каби олимлар билан ҳамкорликда ижод килиши, табиий ресурсларни иқтисодий баҳолашнинг илмий-методик асосларини яратишга кўмак беради (Минц 1972). Бу борада у табиий ва иқтисодий географиянинг ҳамкорлигини кучайтиришга интилади. Нодир истеъодали олим ўзининг ҳамкорлари билан “СССРнинг табиий шароити ва табиий ресурслари” номли кўп жилли фундаментал сериални яратища фаол иштирок этади. Бугунги кунда А.А Минц географик ресурсшуносликнинг асосчиси сифатида тилга олинади (Экономическая и социальная география ... 1987, стр. 316).

Агар умумилмий мақомга эга бўлган ресурсшуносликнинг ўзаги географик ресурсшунослик бўлса, географик ресурсшуносликнинг ўзагини ландшафтлар ресурсшунонос-

лиги ташкил қиласы. Чунки, бириңчидан, ландшафт табиий комплексларнинг энг кичик бирликларидан иборат булиб, инсонларнинг табиий шароит ва ресурслар билан бевосита боғлиқ бўлган муносабатлари шу маконда намоён бўлади. Иккинчидан, табиий шароит ва ресурсларнини келиб чиқиши умумгеографик қонуниятлар (зоналлик, азоналлик, секторлик, даврийлик) асосида шакланади. Учинчидан, инсоннинг бунёдкорлиги туфайли яратилган тарихий, диний, рекреацион ва туристик объектлар ҳам айнан мазкур ландшафтларнинг табиий шароити таъсирида бўлади.

Энг асосийси, ландшафт табиий ва антропоген ресурсларнинг худудий мажмуи булиб, табиий ресурсларни баҳолаш учун энг қулай обьект -табиий-тарихий худуддир.

Ландшафт географик қобиқнинг кичик бўлаги булиб, ўзининг сифат кўрсаткичлари билан фарқланиб, бошқа ҳудудларда ҳам тақорланиб турадиган, бир бутунликка эга бўлган типологик мазмундаги геотизимлардир. Ландшафт морфологик жиҳатдан ландшафт типи, кичик типи ва турларидан иборат (Гвоздецкий, 1979; Назаров, Тошев, 2008).

Таниқли ландшафтшунос В.С.Преображенский 1981 йилда "ландшафт бир бутун тана бўлса, унинг таркибий кисмлари бир-бирига уйғун ҳолда мувозанатда, ландшафт доирасида модда ва энергия алмашинувининг кичик айланма ҳаракати содир бўлади", деб таъкидлайди (11-бет). Геокимёшунос М.А.Глазовская "ландшафтни биз табиий жараёнларнинг самараси эмас, балки ана шу ўзаро таъсирини амалга оширувчи тизим деб тушунмогимиз лозим" эканлигини қайд қилган эди (1988, 18-бет).

Ландшафт табиий қонуналар асосида яшайдиган, ўз-узини бошқарадиган, тиклайдиган моддий ва номоддий ресурсларни сарфловчи, яратувчи ва тупловчи геотизимдир. Кейинги йилларда ландшафтларнинг табиий шароит ва

ресурс имкониятлари ва ниҳоят ижтимоий салоҳияти тобора ойдинлашмоқда ва амалиётда фойдаланилмоқда. "Ландшафт - яшаш ва меҳнат фаолияти учун макон", "ландшафт - биохилма-хиллик ва генофондни асровчи ҳудуд", "ландшафт - ўтмиш табиатни даракчиси, ахборот манбаи", "ландшафт - гузаллик манбаи", "ландшафт - ижодга ва маънавиятга чорловчи манба", "ландшафт - жамиятни ҳудудий ташкил қилишининг табиий ва моддий асоси", "ландшафт - табиат ва инсон муносабатларининг ойнаси" каби ҳикматомуз тушунча ва тамоилилларни бугунги кунда инкор килиб бўлмайди. Ландшафт-моддий ва номоддий ресурслар манбаи. Ландшафтларнинг табиий шароит ва ресурслари жойларда фарқланади. Масалан, субтропик севояли ўрмонларда фитомасса 1000-4250 тонна/гектар бўлса, бир йилик маҳсулдорлик эса бир гектар майдонда 27 тоннадан ортади. Шувок-шўрали чўлларда бу курсаткич тегишли равишда 4,0; 1,2 тонна/гектарга teng. Булар ўртасидаги фаркланиш 250-1000 ва 23 мартағача боради (Исаченко, 1991, 175-б.)

Ер ости бойликлари геологик эралар давомида содир бўлган жараёнлар билан боғлиқ. Уларниг турлари, кўлами Ер юзида жуда нотекис жойлашган. Ер усти бойликлари (табиий шароит ва ресурслар) умумгеографик қонуниятлар асосида шаклланган. Шу боис улар геотектоник, зонал, азонал, секторлик негизга эга. Пировард натижада табиий шароит ва ресурслар маҳаллий мақомга эга бўлган ландшафтларда намоён бўлади. Инсон яшashi ва меҳнат фаолияти туфайли уларни камайтириши ва кўпайтириши мумкин. Ҳозирги даврда эса аксарият ландшафтларнинг ресурслар салоҳияти табиий имкониятидан пастлиги аниқланган.

3. Ландшафт ресурсларини баҳолаш

Юқорида көлтирилган асослар имкон берадыки, ландшафтларни баҳолаш умумгеографик мазмунга эга. Чунки Ер қозыда инсон таъсиридан холи бүлган ландшафттар йүқ хисобида, улар түрли даражада үзгәртирилган ва ийллар сайин антропогенлашиб бормоқда. Ландшафт ресурсларини баҳолашнинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Лекин баҳолашнинг илмий асослари иқтисодий географик баҳолаш билан уйғун ҳолда 1960 ийларда бошланган. Уларни қисқача таҳлили А.Г.Исаченко (1998), Ш.С.Зокиров (1998) асарларидан көлтирилган. Қайд қилиш жоизки, дастлабки даврларда ландшафтлар қишлоқ хұжалиги нүктаи назардан баҳоланған, баҳолаш мезонлари мүкаммал ишланмаган. Баҳолаш күрсаткичи одатда иккى погонали булиб, "яроқли", "яроқсиз" деб хulosаланған, холос (Звонкова, 1965; Умаров, 1967). Кейинчалик эса, тармоқ соҳалар учун ландшафт ресурсларини баҳолаш мезонлари ва усуллари бирмунча тақомиллаштирилди.

Ландшафт ресурсларини баҳолашда қуйидаги талабларға амал қилиш зарур. Бириңчидан, баҳолаш объекти, яъни қайси худуд баҳоланиши аниқ булиши лозим.

Чүл-яйлов зонасида баҳолаш объекти сифатида ландшафт типи жуда құл келади. Масалан, құмли, гилли, шұрхок, гипсли, сувли чүл ландшафт типлари кабилар. Чүл-воҳа зонасида эса шаҳар, қишлоқ, йўл, сув ландшафтлари, агроландшафтлар (нахтазор, бугдойзор, мевазор, узумзор, полиз, бедазор кабилар) хисобланади.

Иккинчидан, ландшафт типининг қайси жиҳати, нима баҳоланади? Бу ўринда ўрганиш предмети сифатида иқлим (иссиқлик, намлиқ, шамоллар), рельеф, ер усти сувлари, тупрок, ўсимлик, ҳайвонот, рекреацион, туристик, минерал ресурслари баҳоланади.

Учинчидан, ресурс турининг, яъни айни ландшафтнинг ижтимоий-иктисодий салоҳиятни юксалтиришдати аҳамияти, бошқача қилиб айтганда, айни ландшафт тили учун истиқболли бўлган ресурс турини инобатта олиш лозим

Масалан, чўл-яйлов зонасида яйлов чорвачилиги эн самарали соҳа, үсимлик-яйлов ресурсларини баҳолаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ландшафт ресурслари турларини баҳолашнинг бир неча усуслари яратилган. Бу борада санкт-петербурглик ва москвалик олимларнинг етакчилик қилиб келаётганлигини тан олиш лозим. Таниқли ландшафтшунос А.Г.Исаченко ландшафт ресурсларини талқин қилишда тушунмовчилик мавжуд бу экологик муаммолар билан табиий ресурслар хақидаги тушунчаларни фарқига бормаслик, деб таъкидлайди ва ландшафтларнинг жамият олидидаги бурчини иккига ажратади. Биринчisi, ландшафтларнинг экологик бурчи. Бу уларнинг инсониятнинг ҳаётий талабларини (макон, ҳаво, иссиқлик, сув, овқат кабилар) қондириши. Бошқача қилиб айтганда, умумий табиий шароитнинг инсон ҳаёти билан боғлик хусусиятларидир. Иккинчisi, эса ландшафтларнинг ишлаб чиқариш олдидаги ресурслик бурчи, яъни ишлаб чиқариш тармоқларини табиий ресурслар билан таъминлашdir (2003, 29-бет).

Ландшафтларнинг экологик имкониятларини баҳолаш жуда мураккаб вазифа, чунки инсоннинг табиий шароит ва унинг ландшафтларига бўлган талаби кўп қиррали ва турлича ўлчамларга эга. Бу борада инсон эҳтиёжлари асосини яратувчи асосий омилларга таяниш лозим. А.Г.Исаченко (2003, 84-бет) табиий мухитни белгиловчи асосий кўрсаткич деб, иқлимининг биологик самарадорлиги индексини асос қилиб олади. Бу кўрсаткич Н.Н.Иванов

томонидан таклиф қилинган булиб, $T_K=TK$ формуласига эга. Бу ерда T – ўртача кунлик ҳароратнинг 10° дан юкори бўлган йиллик ўғиндиндисининг юздан бири. K – намланиш коэффициенти, яъни ўртача йиллик ёғин миқдорининг мумкин бўлган буғланиш миқдорига нисбатидир (аниқ мисолда, $T = 1720^{\circ}\text{C}$, ўғинлар $750 \text{ мм}/\text{йил}$, мумкин бўлган буғланиш $500 \text{ мм}/\text{йил}$ бўлса, $K = 750/500=1,5$ $T_K=17\cdot1=17$ бўлади). Иклимининг биологик самарадорлиги индекси (T_K) ландшафтнинг экологик имкониятини (ЛЭИ) белгиловчи кўпгина кўрсаткичлар билан уйғуналашиб кетади. А.Г.Исаченко шу асосда Россия худуди мисолида экологик ландшафт типларининг экологик имкониятларини ўрганади ва картографик тасвирини яратади (Исаченко, 2003). Олим Россиянинг текислик қисмига хос бўлган 19 та ландшафт типини ажратади ва уларни олти погонали сифат кўрсаткичлари асосида баҳолайди (7-жадвал). Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ландшафтларнинг экологик имкониятлари зонал ва азонал қонуниятларга мос ҳолда ўзгаришга эга. Энг юкори кўрсаткич намланиш коэффициенти, $K=1$ бўлган, яъни кенг барғли ўрмонлар ва ўрмон-дашт зоналарига тўғри келади (Шимолий Кавказ ва Кавказолди – Кора денгиз бўйида $T_K=24-42$ атрофида).

7-жадвал

Россия ландшафтларининг экологик имкониятлари
(А.Г.Исаченко, 2003, 85-бет)

№	Ландшафтлар нинг экологик имкониятлари даражаси	T_K	Ландшафтлар типи
1	Жуда юкори	>20	Шимолий Кавказ субтропиколди ўрмонлари, Кавказолди кенг барғли ўрмонлари ва даштлари, кенг барғли ўрмонли, ўрмон дашти, Шарқий

Европа тайга этаги			
2	Нисбетан юкори	16-20	Шарқий Европа тайга этаги (жануби кирмайды), Фарбии Сибирь үрмон дашгли, Шарқий Европа оддий даштли, жанубий тайгали (Үрта Сибир кирмайды)
3	Үртача	12-16	Үрта тайгали (Марказий Ёкутистон кирмайды), Үрта Сибирь, Жанубий тайга, Волгаорти ва Фарбий Сибирь типик даштлари, Шарқий Европа қуруқ даштлари
4	Паст	8-12	Шимолий тайга (Шарқий Сибир кирмайды), Марказий Ёкутистон, ўрта тайга, Сибирь қуруқ даштлари, чала чұллар
5	Жуда паст	<8	Шарқий Сибирь шимолий тайгаси, субарктика (урмон тундра ва тундра), чұллар (шимолий)
6	Үта паст (экстремал)	0	Арктика
7	Түрли даражали	0-20	Баландлык минтақаларға әга бўлган тоглар

Мазкур йулақдан ($K=1$ дан) шимол ва жанубга томон ландшафтларнинг экологик имконияти, намланиш коэффициентининг ўзгаришга мос ҳолда пасайиб боради. Келгусида ландшафтларнинг экологик имкониятини баҳолаш усуларини янада такомиллаштириш лозим. Биринчидан А.Г.Исаченко томонидан текисликлар буйича тавсия килинган олти погонали баҳолаш мезонлари билан экологик имкониятларига кўра жуда хилма-хил бўлган Ер юзидағи ландшафтларни тўлик қамраб олиб бўлмайди. Иккинчидан, баҳолаш мезонлари, энг аввало, инсон ҳёти ва меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган маҳаллий (типологик) кўламдаги ландшафтларни қамраб олмоғи лозим. Масалан, чўл ландшафт типлари (А.Г.Исаченко

бўйича) мўтадил, субтропик, тропик мингақаларида учрайди, шунга мос ҳолда уларнинг экологик имкониятлари турли даражада. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг жанубий чўллар зонасига кирувчи худудларда инсон томонидан яратилган шундай гузал, сўлим воҳа ландшафтлари борки, уларнинг экологик имкониятларини баҳолаш маҳсус ёндашувларни талаб қиласи.

Ландшафтларнинг инсон ва жамият олидидағи иккинчи бурчи, юқорида қайд қилинганидек, ишлаб чиқариш тармоқларини табиий ресурслар билан таъминлаштириш.

Ландшафтларнинг ресурс имкониятларини баҳолашнинг мураккаб томонларидан бири шундан иборатки, табиий ресурслар ландшафтларда алоҳида-алоҳида учрамайди, улар ландшафтларни ташкил қилувчи компонентлар сифатида бўлиб, бир бутун ҳолда намоён бўлади.

Кейинги йилларда ландшафт ресурсларини миқдорий ва сифат кўрсаткичлари асосида баҳолаш оммалашиб кетди. Бозор муносабатлари уларни миқдорий баҳолашни тақозо этмоқда. Ҳанузгача ландшафтларни худди тупроқлар каби кадастрлаш йўлга қўйилмаган, хозирча у фақат илмий вазифалар рўйхатидан жой олган холос (Алибеков, 2004).

А.Г.Исаченко ландшафт ресурсларини ялпи (комплекс) миқдорий баҳолаш жуда мураккаб вазифа, чунки ландшафт компонентлари учун ягона ўлчам ва баҳолаш бирлигини топишнинг иложи йўқ, бу ҳолатдан чиқишининг асосий йули уларни балл тизими асосида баҳолаш, деб хисоблайди ва унга амал қиласи (1998, 128-б.). Олим Ладога қўли ҳавзасида мавжуд бўлган 96 та ландшафтларнинг сув, ўрмон, тупроқ, иклим (қишлоқ хўжалиги) ва минерал ресурсларини 5 балли (жами 20 балл) жадвал асосида баҳолайди (А.Г.Исаченко бўйича ландшафт мингақавий бирликларнинг энг кичиги, табиий географик районга тенг). Унинг хисоблашларига кура, мазкур ландшафтларнинг баҳоси амалда 4-

15 балл атрофида фарқланган. Ушбу маълумотлар тенг тұртбұрчакли катаклар орқали ландшафтлар картасига туширилған. Баллар йигиндиси эса картада 5 та шартлы белгиларда акс эттирилған (6-7, 8-9, 10-11, 12-13, 14-15 балл). Шунга қарамасдан, тадқиқотчи ландшафт ресурсларини миқдорий күрсаткичларига бағишиланған мазкур карталар факат тасвирий аҳамиятта зәғ, улар амалиётда жиғдий хужжат бўла олмайди, деб таъкидлайди (1998, 139-бет).

Ландшафт ресурсларини сифат жиҳатдан баҳолашда А.Г.Исаченко субъект талабига алоҳида эътибор беришни уқтиради.

Бу ўринда татқиқотчи ландшафтнинг субъект талаби учун қулай ва уни чекловчи (ноқулай) сифатларини инобатта олишни тавсия этади ва уни икки (яроқли, яроқсиз), уч (қулай, нисбатан қулай, ноқулай) ва беш погоналигача бўлған сифат күрсаткичлари асосида баҳолаш мумкинлигини Ленинград области ландшафтларининг муҳандислик шароитини баҳолаш картаси мисолида асослайди (1998, 146-147-бетлар).

Ўзбекистонда ландшафтларни баҳолаш билан боғлиқ тұнғыч тадқиқотлар В.М.Четиркин (1892-1958) Н.Л.Бабушкин ва Н.А.Когай (1964) томонидан амалга оширилған. Улар Ўрта Осиё үлкесини табиий географик районлаштириш жараённанда табиий комплексларнинг қишлоқ хўжалиги имкониятларига алоҳида эътибор бергандар. Мазкур олимлар томонидан илгари сурىлған ғоялар Т.В.Звонкова (1965), М.Умаров (1967), Ш.С.Зокиров, И.А.Ҳасанов, А.Соатов (1943-2005) каби олимлар томонидан такомиллаштирилди. Ш.Зокировнинг изланишлари Оҳангарон дарёси ҳавзасининг табиий шароити ва уни қишлоқ хўжалиги мақсадларида баҳолашга бағишиланған (1998). Тадқиқотчи ҳавза ландшафтларининг обикор, баҳорикор ва яйлов чорвачилиги учун энг муҳим бўлған термик ресурслари, тупроқлари ва рельеф

тузилишини (қиялиги) 100 балли тизимда баҳолаган. Табиий комплекслар “яхши”, “ўртача”, “ёмон” ва “жуда ёмои” каби кўп поғонали сифат кўрсаткичлари буйича баҳоланган.

И.А.Ҳасанов (1981) Қарши дашти табиий комплексларининг суғорма дехқончилик (пахтачилик) учун яроқлилик даражасини ўрганган. Табиий комплекслар даставвал мелиоратив хусусиятларига кўра яроқли ва яроқсиз гурухларга ажратилган. Яроқли ҳисобланган ландшафт мелиоратив комплекслар узлаштириш учун қулайлик даражасига кўра “мураккаброқ”, “ўртача мураккаб”, “мураккаб” ва “жуда мураккаб” районларга ажратилган. Тадқиқотчи суғорма дехқончилик туфайли табиий комплексларда содир бўладиган ўзгаришларни башорат ҳам қилган.

А.А.Соатовнинг изланишларида Ўзбекистон ҳудудининг табиий шароити шаҳарсозлик мақсадида таҳлил қилинган (1993). Тадқиқотчи Ўзбекистон ҳудудини 46 та “ҳудуд турлари”га ажратган ва уларни 6 поғонали сифат кўрсаткичлари билан (энг юқори даражада яроқли, ўртача яроқли даражадан юқори, ўртача яроқли, ўртача яроқли даражадан паст, кам яроқли, жуда кам яроқли) баҳолаган. Ушбу тадқиқотлардан хабардор бўлган иқтисодий географлар А.Солиев ва Л.Қаршибоевалар Ўзбекистонда иқтисодий географияни табиий географиядан узоклашиб кетганилигини афсус билан қайд қиласилар. “Бунинг оқибати бўлса керак, иқтисодий географияда экологик тадқиқотлар, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, рекреация, тиббиёт, мелиоратив география каби иқтисодий ва табиий география қиррасидаги фан ва илмий йўналишлар нисбатан суст ривожланган”, деб хулоса қилган эдилар (1999, 177-бет).

Кейинги йилларда ландшафтларнинг табиий шароити ва ресурс имкониятларини дам олиш (рекреация), экологик туризм, яйлов чорвачилигини ривожлантириш мақсад-

ларида баҳолаш жадаллашиб бормоқда. Булар орасида И.К.Назаров ва Х.Р.Тошовнинг (2003, 2007, 2008) изланишлари ўзига хос. Таdkиқотчилар томонидан чўл зонасида жойлашган Бухоро вилоятининг (майдони 40,3 минг км²) типологик ландшафт карталари яратилди ва шулар асосида вилоят ландшафтларининг маҳаллий сув ва чўл-яйлов ресурслари баҳоланган ва карталаштирилган (масштаб 1:500000). Амалга оширилган мазкур тадқиқотлар бир неча босқичдан иборат булиб, биринчи босқичда вилоятнинг чўл-яйлов зонасида жойлашган ландшафтлар географияга “ёндош” бўлган фан вакиллари – чўлшунос олимларнинг изланишларига таянган ҳолда таснифланган ва таснифлаш бирликлари асосланган. Уларнинг картографик тасвири яратилган. Олимлар ландшафт - бу типологик бирликлар учун умумий тушунча, у ўз навбатида ландшафт типи, кичик типи ва турларидан ташкил топганлигини асослайдилар. Бухоро вилоятининг чўл-яйлов зонасидаги ландшафтнинг маҳаллий сув ва яйлов имкониятларини баҳолаш учун ландшафт типлари худудий асос қилиб олинган. Ландшафтларда атмосфера ёғинлари туфайли ҳосил буладиган маҳаллий сув имкониятлари (ўртacha кўп йиллик 1951-2000 йиллар бўйича) аниқланган. Ландшафт типлари маҳаллий сув имкониятларига кўра тўрт гурухга ажратилган. Улар “вақтинчалик аниқ оқимга эга”, “вақтинчалик скимга эга”, “вақтинчалик қисман оқимга эга” ва “оқимга эга бўлмаган” каби сифат қурсаткичлари билан баҳоланган ва уларнинг картографик тасвири яратилган.

Ландшафтларнинг сув ресурсларидан фитомелиорация, чорвачилик мақсадларида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Яйлов имкониятларини баҳолаш учун эса ландшафтларнинг ўсимликлар билан қопланганлик дараҷаси асосий мезон сифатида белгиланган. Ландшафтларнинг яйлов имкониятлари уч погонали (“қониқарли”,

“қисман қониқарли”, “қониқарсиз”) сифат курсаткичлари билан баҳоланган ва уларнинг картографик тасвири яратилган. Яйловларни бойитиш мақсадида тегишли чоратадбирларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Мазкур тавсиялар мутасадди ташкилотларга ҳавола қилинган.

Ландшафт ва унинг ресурслари жамият фаровонлигини моддий ва маънавий пойдевори экан, уни янада мукаммал даражада ўрганиш давр талабидир. Қайд килиш жоизки, ландшафтлар (маъмурий худудлар) ресурсшунослиги умумгеографик мазмунга эга. Ландшафтлар ресурсларини баҳолашда табиий ва иқтисодий географларнинг ҳамкорлиги зарур. Нафакат зарур, мазкур тадқиқотларда иқтисодий географларнинг етакчилик қилиши лозим. Ҳозирги даврда “тупроқлар кадастри”ни амалиётта жорий этилганлиги табиий ресурсларга, жумладан, ландшафт ресурсларига бир томонлама ёндашувининг айни үзидир. Чунки тупроқ ландшафтлар таркибига кирувчи бир компонентdir холос. Ландшафт ресурсларини баҳолаш эса айни жойнинг географик ўрни, тарихий, ижтимоий-иқтисодий, экологик ва геосиёсий жиҳатларини ҳам қамраб олади, яъни муаммога тизимли ёндашув амалга оширилади. Шу боисдан ландшафтлар кадастри, тупроқлар кадастридан ўзининг комплекслиги ва илмий жиҳатдан асосли эканлиги билан фарқланади.

Ландшафтлар қадастри амалиётта татбиқ этилганда, нафакат географлар ўз мақсадларига эришадилар, балки табиатда мужассам бўлган ҳақиқат ҳам ўз қарорини топади.

Ландшафтлар ресурсшунослиги бўйича навбатдаги вазифаларни қўйидагича белгилаш жоиз:

1. Ландшафтларнинг (худудларнинг) табиий ресурсларини ўрганиш ва уларни баҳолашнинг назарий- услубий асосларини такомиллаштириш лозим.

2. Мамлакатимиз ҳудудидаги ландшафтларнинг моддий ва номоддий ресурсларини акс эттирувчи "ландшафтлар кадастри"ни ишлаб чиқиш ва унинг картографик тасвирини яратиш зарур.

3. Мамлакатимиз ҳудудларининг ягона масштабдаги ландшафт типологик карталирини яратиш лозим. Бу ўз навбатида "ландшафтлар кадастри"ни яратишида, табиий ресурсларидан самарали фойдаланишда ва уларни муҳофаза қилишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

4. Ландшафтлар ресурсларини баҳолашда табиий иқтисодий географлар ҳамда географияга "ёндош" бўлган фан вакиллари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш лозим.

5. Ҳар бир ҳудуд, минтақа ландшафларининг узига хос имкониятларини ва уларни муҳофаза қилиш зарурлигини кенг оммага тарғиб қилиш чора-тадбирларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ландшафтлар ресурсшунослигига багишлиган юқоридаги вазифаларни бажарилиши география фанининг ривожланишига ва ўз навбатида унинг жамият олдидаги шуфузини мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутади.

Таянч тушунчалар:

Табиий шароит, табиий ресурс, моддий ва номоддий ресурс, антропоген ресурслар, тугайдиган ва тутамайдиган ресурслар, тикланадиган ва тикланмайдиган ресурслар, минерал ресурслар, дам олиш (рекреацион) ресурслар, экотуризм, агротуризм ресурслари, ресурсшунослик, географик ресурсшунослик, ландшафтлар ресурсшунослиги, умумгеографик конуниятлар, ландшафтлар маҳсулдорлиги, ландшафтлар кадастри, намланиш коэффициенти, иқлимининг биологик самарадорлиги индекси (ТК), ландшафтларнинг экологик имкониятлари (ЛЭИ), ландшафт ресурсларини миқдор ва сифат курсатқичлари буйича баҳолаш,

ландшафт мелиоратив комплекслар (ЛМК), ландшафтлар типи, ландшафтларнинг яйлов имкониятлари, ландшафтларнинг маҳаллий сув ресурслари, ландшафт ресурсларини ифода этувчи кўп погонали сифат курсаткичлари, ландшафт ресурсларини муҳофаза қилиш.

Назорат учун саволлар:

1. Табиий шароит ва табиий ресурс тушунчаларининг мазмун-моҳияти.
2. Табиий ресурс тушунчасининг тарихийлиги нима?
3. Тикланадиган ва тикланмайдиган ресурслар.
4. Ресурсшунослик тушунчасининг мазмун-моҳияти.
5. Географик ресурсшунослик ва ландшафтлар ресурсшунослиги тушунчаларининг мазмун-моҳияти.
6. Табиий ресурсларни ўрганиш ва баҳолаш тарихидан нималарни биласиз?
7. Ландшафтларнинг экологик бурчи, экологик имконияти нималардан иборат?
8. Ландшафт ресурсларини миқдор ва сифат курсаткичлари бўйича баҳолаш усуллари.
9. Ландшафт ресурсларини баҳолашга қўйиладиган талаблар.
10. Иқлиминг биологик самараадорлиги индексини (ТК) изоҳланг.
11. Россия ландшафтларининг экологик имкониятларини А.Г.Исаченко ишлари бўйича изоҳланг.
12. Ландшафт ресурсларини баҳолаш бўйича ЎзМУ олимлари изланишиларини изоҳланг.
13. Чўл ландшафтларининг маҳаллий сув ва яйлов ресурсларини баҳолаш бўйича И.Қ.Назаров, Х.Р.Тошов изланишилари моҳиятини изоҳланг.
14. Ландшафтлар ресурсшунослиги бўйича навбатдаги вазифалар нималардан иборат?

Адабиётлар:

1. Алибеков Л.А. Приоритетные задачи географической науки в Узбекистане. Известия Узбекского географического общества. Том 24. Ташкент, 2004. стр. 13-17.
2. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Физико-географическое районирование Узбекской ССР ТашГУ. Нов. сер. Геогр. науки. Ташкент, 1964, Вып. 231. Кн. 27.
3. Географический энциклопедический словарь. Москва. "Советская энциклопедия", 1988, 432 стр
4. Глазовская М.А. Геохимия природных и техногенных ландшафтов СССР. Москва, Высшая школа. 1988, 328 стр.
5. Звонкова Т.В. Бухарская область. Природные условия и ресурсы Юго-Западного Узбекистана. Ташкент, «Наука», 1965, стр. 306-336
6. Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафт-шунослик. Тошкент, "Университет", 1998, 68-бет.
7. Исаченко А.Г. Введение в экологическую географию. Учебное пособие. Изд-во С.Петербургского университета, 2003, 192 стр.
8. Исаченко А.Г. География в современном мире. Москва, «Просвещение», 1998, 160 стр.
9. Комар И.В. Рациональное использование природных ресурсов и ресурсные циклы. Москва, "Наука", 1975
10. Минц А.А. Экономическая оценка природных ресурсов. Москва, "Мысль", 1972
11. Мухина Л.И. Принципы и методы технологической оценки природных комплексов. Москва, 1973
12. Назаров И.К., Тошов Х.Р. Ландшафт-табиий ресурсларнинг ҳудудий мажмуи. Жануби-Фарбий Ўзбекистон географияси. Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 28-жилд. Тошкент, 2007, 37-39-бетлар.

13. Назаров И.К., Тошов Х.Р. Ландшафтлар ресурсшунослиги: муаммолар ва таклифлар. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 23 жилд. Тошкент, 2003, 18-19-бет.
14. Назаров И.К., Тошов Х.Р. Чул ландшафтларини таснифлашнинг асосий тамойиллари (Бухоро вилояти мисолида). Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 32-жилд. Тошкент, 2008, 18-20-бетлар.
15. Преображенский В.С. Поиск в географии. Москва, "Просвещение", 1986, 224 стр.
16. Соатов А. Анализ физико-географических условий Узбекистана для целей градостроительства. Автореферат. Ташкент, 1993, 25 стр.
17. Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянин назарий ва амалий масалалари. Тошкент, "Зиё" нашриёти, 1999, 181-бет.
18. Тошов Х.Р. Чул ландшафтлари ва уларнинг агроимкониятларидан самарали фойдаланиш (Бухоро вилояти мисолида). География фанлари номзоди илмий дарражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2008, 26 бет.
19. Умаров М. Природные ресурсы низовьев р. Зарафшан и их использование. Ташкент, Фан, 1967, 174 стр.
20. Ҳасанов И.А. Оценка природных территориальных комплексов Каршинской степи для оросительной мелиорации. Ташкент, "Фан", 1981, 112 стр.
21. Экономическая и социальная география в СССР. Москва, "Просвещение", 1987, 542 стр.
22. Четыркин В.М. Средняя Азия (опыт комплексной географической характеристики и районирования). Ташкент, 1960, 240 стр.

Режа:

1. Географик башорат ва унинг мазмун – моҳияти.
2. Башоратлаш тарихидан.
3. Географик башорат муддатлари.
4. Башоратлаш борасидаги түсиклар.
5. Географик башоратлаш методологияси ва усуллари.
6. Дунёвий муаммолар ва уларни башоратлаш.
7. Минтақавий географик башоратлар.
8. Маҳаллий кўламдаги географик башоратлар.
9. Географик башорат ва амалиёт.

1. Географик башорат ва унинг мазмун – моҳияти

Диалектик қонуналрга кўра, бутун борлик – табиат, жамият, инсон тафаккури доимий ҳаракатда ва ривожланишида. Шу боис инсон келажақда содир бўладиган узгаришларни билишга қизиқиб қелади, ҳаётда рўй беряёттган ҳодиса ва жараёнларни синчковлик билан кузатади, натижада маълум хуносалар чикаради.

Башорат – прогноз, юонча “prognosis” сўзидан олинган булиб, олдиндан кўриш, олдиндан айтиш деган маънони билдиради

Башоратлаш ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига тегишли. Шу сабабдан башорат тушунчаси барча фанларга тааллуқли.

Илмий башоратлар ичida географик башорат ҳам узига хос маъно ва мазмунга эга. Маълумки, география мажмуали (комплекс) фан булиб, у йигирмадан ортиқ тармоқларга эга. Бошқача қилиб айтганда, уни кенг ва тор (асл) маънода талқин қилиш тўғри булади. Кенг маънода, у барча тармоқ фанларини ўз ичига олса, тор маънода эса комплекс мазмундаги географик фанлардан иборат.

Географик башорат кенг маңнодаги тармоқ фанларни, яъни геоморфологик, иқлиний, гидрологик, биогеографик, ахоли географияси, қишлоқ хұжалиги, транспорт, социал география каби соҳаларни камраб олади. Тор(асл) маңнодагы географик башорат эса комплекс мазмундаги фанларни, яъни палеогеография, умумий ер билими, ландшафтшунослик, материклар ва океанлар табиий географияси, үлкашунослик, худудий ишлаб чиқариш мажмуалари, худудий – маъмурӣ, худудий – сиёсий ва иқтисодий – ижтимоий худудий геокомплексларга тегишилер.

Айрим олимлар ана шу комплекс (асл) маңнодаги географик башоратларни моҳиятан ҳақиқий географик башоратлардир деб таъкидлайдилар (Жекулин, 1989, 155-б.). Ш.С.Зокиров “... ҳақиқий географик башорат келажакнинг географик тизимлари ҳақида тасаввур бериши керак”, деб, хисоблайди (1998, 53-б.). Тармоқ географик башоратлар ичидә иқлиний, гидрологик башоратлар мазмун – моҳиятига кўра география фанига яқинлиги билан ажralиб туради. Чунки мазкур соҳада изланишлар олиб бораётган мутахассисларнинг аксарияти расмий мутахассислигига (хужжатларига) кўра географлардир. Кўп ҳолларда географик башоратлашда тармоқ соҳадаги башоратларга эътибор етакчилик қиласи. Масалан, иқтисодий географлар Ю.Н.Баженов, А.И.Чистобаевлар ахоли сонини, хом ашё манбалари, ёқилғи ва энергияни, иқтисодий ривожланишни, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ жараёниларни ва ниҳоят экологик соҳадаги башоратларни устувор вазифалар деб, қайд қиласидар (1987, 50-б.). Географик башоратларга оид тадқиқотлар тармоқ – географик ёки комплекс географик соҳаларда олиб борилишидан қаттый назар, мураккабликлар туғдиради. Зоро, бу соҳада тадқиқотлар изланувчидан тажриба, юқори малака ва юксак фалсафий мантиқни талаб қиласи. Таниқли географ олим В.С.

Жекулин таъбири билан айтганда, “Башорат – географик тадқиқотлар гултожи” (1989, 5-бет)

Хақиқатда эса географик башоратга оид асарларнини аксарияти тажрибали, етук олимлар томонидан яратилганига гувоҳ бўламиз (1-қўшимча). Географик башорат худудлар ва инсоният ривожланишини түгри ташкил қилиш ва бошқариш учун ниҳоятда зарур ҳисобланади. Илмий - техника тараққиёти, ахоли сонининг ўсиб бориши ва ижтимоий талабнинг жадәл суръатлар билан ортиб бораёттанилиги боис ҳозирги даврда, башорат истиқбол режаларни түғри белгилаш учун муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бозор муносабатларига асосланган бошқарув тизимиға утиш даврини бошидан кечираётган Ўзбекистон Республикаси учун географик башорат стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳалари йўналишини белгилашда ва шакллантиришда ўзига хос ўрин тутади. Бу эса илмий башоратнинг пишиқлиги ва аниқлигига бевосита боғлиқдир.

Қайд қилиш жоизки, илмий башоратлар мутлоқ аниқликка даво қилмайди. У келажакда маълум муддатлардан сунг содир бўладиган ҳолат, ўзгаришларни тахминий аниқлашга ёрдам беради. Башоратлаш ижтимоий талаб билан боғлиқ бўлган жараён булиб, у алоҳида тадқиқотлар йўналишидир.

Географик башоратнинг асосий мақсади айни худуд (табиий, маъмурий, миллий) ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни қўпайтириш ва маҳофаза қилиш, бошқача қилиб айтганда, жамиятни худудларда самарали ташкил қилишни кўзда тутади.

2. Башоратлаш тарихидан

Инсоният пайдо бўлганидан бошлаб, яъни эртанги кун, келажакка қизиқиб келади. Содир бўлаётган ҳодиса ва

жараёнлар, уларнинг турлича тақрорланишини инсонлар синчковлик билан кузатгандар. Оддийгина халқ мақолларини, об-ҳавони олдиндан айтиб бериш борасидаги хуласа ва тахминларни ҳам башоратта тегишли дейиш мумкин (5-қўшимча). Халқ орасида фолбиналар (негбин, башораттўйлар) пайдо бўлган. Гайритабиий истеъодога эга бўлган бундай кишиларни одамлар эъзозлаган, уларга муруватлар кўрсатилган. Уларнинг аксарияти халқ ишончиға кирган. “Фолбинга ишонма, фолбинсиз ҳам юрма”, деган ҳикматомуз сўзлар бежиз айтилмаган. Халқлар орасида буюк кароматтўй авлиёлар пайдо бўлган, уларнинг башоратлари аксарият ҳолларда тўғри чиқкан ва улар кишиларни, ҳатто айрим давлат раҳбарларини қизиктирган.

Буюк башоратчилардан бири, илми нужум – астрология (юн. *astrum*-юлдуз ва *logos* – фан) фани вакили, франциялик авлиё Мишель Нострадамусдир (1504 - 1566). Унинг 1555 йилда ёзилган “Юз иилликлар” номли китобида умумий Ер билими, минтақавий ва социал географияга тегишли қатор башоратлар мавжуд. М. Нострадамусни астрогеография фанининг асосчиси деса бўлади. У Ер юзасидаги минтақаларнинг алоҳида юлдузлар буржлари билан бодликини асослайди (1-қўшимча).

Башоратлашнинг илмий асослари XX асрнинг ўрталарида шаклана бошлаган. Бу фан футурология деб аталган. Футурология (лот. *futurum* – келажак ва *logos* – таълимот) – кенг маънода: инсоният келажаги, дунёвий муаммолар ҳақидаги тасаввурлар мажмуи; тор маънода ижтимоий жараёнлар ҳақида илмий - техника тараққиётига оид соҳалардаги жараёнларни изчилликда ўрганиш ва келажакни башорат қилиш ҳамда илмий-техника, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларни режалаштириш ва истиқболларни белгилаш имкониятини яратадиган фан соҳасидир. Бу

атама 1943 йилда немис социологи О.Флехтхейм томонидан ғанга киритилган. Футурология “келажак фалсафаси” деб тилга олина бошлади. XX асрнинг охириларига келиб футурологлар асосан икки йўналишга ажралди: бири “экологик пессимизм”, иккинчиси – иммий – техникавий оптимизм. (Фалсафа. Қомусий лугат, Т. 2004 437 б). 1960 йилларда башоратлаш купгина давлатларда режалаштириш ишларига жорий этила бошлаган. Географик башоратлаш асослари илк бор Москва давлат университети олимлари Ю.Г.Саушкин (1967, 1968), Т.В.Звонкова, М.А.Глазовская, К.К.Марков, Ю.Г.Симоновлар томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур университетнинг V курс талабаларига “Рациональное природопользование и географический прогноз” номли маҳсус курс ўқитилган. 1987 йилда Т.В.Звонкова: томонидан илк бор “Географическое прогнозирование” номли ўқув қўлланмаси чоп этилган. Т.В.Звонкова “Географик башорат мажмуали экологик муаммодир, унда башоратлашнинг назарияси, усуllibари ва амалиёти, табиий мухит ва унинг ресурсларини муҳофаза қилиш, режалаштириш, лойиҳаларни экспертиза – тафтиш қилиш билан узвий боғлиқдир”, –деб қайд қиласди. Ўзбекистонда географик башорат билан шугулланган тунгич олимлардан бири А.Рафиқовдир (1939-2003). Унинг илк бор ўзбек тилида “Географик прогнозлаштириш асослари” ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Миллий университети нашриётида чоп эттирилди (2003). Олим, “прогноз”, “прогностика” атамалари ўзбек тилида “башорат” ва “башоратлаштириш” маъносини билдириса-да, бу сўзлар тўла маънода “прогноз” ва “прогнозлаштириш”нинг муқобил варианти була олмайди. Кишиларнинг исми ҳам Башорат ва бошқа маъноларни англатиши туфайли улардан ҳакиқий атама сифатида фойдаланиш чегараланган, деб ёзади (Рафиков, 2003, 5-б.).

Лекин ўзбек тилининг изоҳли луғатида (1-жилд, 2006, 3-жилд, 2007) "башорат" ва "прогноз" сўзлари ўзбек тилининг захирасига (луғат фондига) киритилган. Луғатда башорат сўзининг учта маъноси изоҳланган. Шулардан бири "башорат – олдиндан кўриш, олдиндан айтиб бера олиш, олдиндан айтилган фикр, тахмин, мўлжал ёки башорат қиммоқ – бирор воқеа - ҳодисанинг натижасини олдиндан кўрммоқ, олдиндан айтиб бермоқ", деган талқинга эга. Бизнингча, ушбу талқин асосида иш тутиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув ўзбек тили ва миллий қадриятларимизга мос тушади ва уни тушуниш осон бўлади. Географик башоратга оид изланишлар тарихи Т.В.Звонкова (1987), Ш.С.Зокиров (1998), В.П.Максаковский (2004), В.Т.Богучарсков(2004)лар томонидан таҳдил қилинган (2-кушимча).

3. Географик башорат муддатлари

Бу борада тадқиқотчилар фикрларида фарқланишилар бор. Жумладан, А.Г.Исаченко ва Б.А.Поповлар географик башорат муддатларини қуийдагича табакалайдилар:

Ўта қисқа муддатли – 1 йилгача, қисқа муддатли 3 – 5 йилгача, ўрта муддатли 10–15 йилгача, узоқ муддатли – бир неча ўн йилликларгача, ўта узоқ муддатли – минг йилликларгача бағишиланган башоратлардир (Жекулин, 1989, 155-б.).

Географик тармоқ фанлар соҳасидаги башоратлар ҳам турлича муддатларни қамраб олиши мумкин. Айниқса, обҳаво ҳақидаги башоратлар одатда қисқа муддатли 1–3 кунлик, баъзида эса бир ойлик, қисман эса мавсумий муддатларни қамраб олади. Географик башоратлар одатда турли кўламдаги табиий, сиёсий-маъмурий, маъмурий худудларга ҳам тегишли бўлади. Башоратларнинг одатда ўрта ва узоқ муддатларни қамраб олиши эътиборга лойик.

4. Башоратлаш борасидаги тұсиқлар

Мамлакатимизда ҳозирги бозор иқтисодиётіндең үтиш, демократик қонунлар асосида фуқаролик жамиятини куриш жараёнида географик башоратта бұлған әхтиёж тобора ортиб бормоқда. Айникса, келгуси табиий, иқтисодий-ижтимаий, умумгеографик үзгаришларни башоратлаш; инсониятни табиатта таъсир қучининг жойлардаги хусусиятларини башоратлаш; тармоқ – географик соҳасидағи башоратларни такомиллаштириш; башоратлашда илмий жамоатчилик фикрларига таяниш каби вазифалар турибди.

Лекин ҳанузгача географик башоратлаш бүйича дүнөвий, минтақавий, маҳаллий ҳудудларга бағищланған тұлақонли, мұкаммал географик башоратлар жуда кам. Бунинг асосий сабаби башоратлаш борасида қатор түсиқларнинг мавжудлигидир. Бу түсиқларни В.С.Преображенский ва Н.И.Коронкевич (1987) түрттә гурухға ажратади (8-жадвал).

Буларга құшимча сифатида мамлакат рахбарлари ва ҳукуматлари томонидан қабул қилинган янги дастур, қарор, қонунлар географик башоратлашда үзига хос қийинчиликтер туғыздыради, яъни башоратнин аниқлик даражасини мураккаблаштыради. Масалан, Ўзбекистонда 2009 йил “Қишлоқ тарақкиети ва фаровонлиги йили”, деб эълон қилиниши ва бу борада қабул қилинган давлат Дастури қишлоқларимиз қиёфаси, иқтисодий - ижтимаий нуфузини тубдан ва тезкор яхшиланишига асос бўлмоқда.

Географик башоратлаш йүлидаги түсіклар			
Умумий түсіклар	Умумгеографик түсіклар	Ахборот билан бөгөлік түсіклар	Ташкилий-башқарув сохасидеги түсікләр
<p>1. Ривожланиш нинг жойларда нотекислиги, актуалистик усульні тула құлаб бұлмаслиги.</p> <p>2. Башоратлаш усулларини такомиллашмағандығы (экстраполяция, модельлаштириш)</p> <p>3. Башорат зарурлығини чукур англамаслик.</p> <p>4. Табиатта инсон таъсирининг ортиб бораёттандығы.</p>	<p>1. Геотизимлар нинг түлиқ үрганилмаганлығы.</p> <p>2. Геотизимлардан фойдаланиш жұналишини үзгариб бориши.</p> <p>3. Тармоклар буйича башоратлашни бир ёкламалығы.</p> <p>4. Ілмий – техник имконияттарнинг пастығы.</p>	<p>1. Жорий ахбороттарнинг аниқтап даражасини пастығы ва түлиқ әмаслиги ҳамда уларни йигиш, сақлаш ва оммалаштириш -нинг талаб даражасыда әмаслиғи.</p> <p>2. Маълумоттарнинг фақат маъмурлар чегаралар доирасыда эканлығы.</p> <p>3. Космик маълумотларнинг камёблігі.</p>	<p>1. Кузатувни тармокларини (мониторингни) жойларда оқилюна жойлаштирил маганлығы.</p> <p>2. Кузатувни бошқаришдағы камчиликтер.</p> <p>3. Кузатув натижаларини амалиётта күлмашнинг сүстілігі.</p>

Изөх: Жадвал В.С.Преображенский, Н. И.Коронкович (1987) буйича түзилди.

5. Географик башоратлаш методологияси ва усуллари

Барча фанларда булгани каби географик башорат учун ҳам методологик асос биринчи навбатда фалсафий-диалектик қонуналар хисобланади. Диалектик қонуналарни икки гурухга ажратадилар.

Биринчиси, борликнинг доимо ҳаракатда, уларни ташкил қилган қисмларининг модда, энергия туфайли ўзаро боғлиқлиги ва ниҳоят бир бутунилиги. Иккинчиси, эса борликни, аниқроғи, географик тизимларнинг узлуксиз ривожланишда эканлиги.

Бундан ташқари, умумгеографик ва минтақавий қонуниятлар (географик қобиқнинг бир бутунилиги, зоналлик, азоналлик, секторлик, даврийлик, интразоналлик, рупаралилик – рўпарасизлик, ҳавза назарияси қонунияти кабилар) ҳам башоратлашда назарий асос бўла олади.

Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлардан келиб чиқадиган қонуниятлар ҳам географик башоратлашда методологик асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Юқорида қайд килинган қонуниятлар жуда катта ҳаракатлантирувчи кучга эга. Булар ривожланишнинг мазмун - моҳиятини очиб бериш учун илмий - назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Географик башорат усуллари. Усул – борликни билиш воситаси. Географик башорат соҳасида узоқ йиллар хизмат қилган олима Т.В.Звонкованинг маълумотларига кўра (1987), башоратлашнинг 150 дан ортиқ усуллари мавжуд. Булар орасидан амалиётда 5–10 таси кенгрек қўлланилади. Қўйида уларнинг айримларини келтирамиз.

1. Мантикий усул. Бунда мантикий фикрлаш қурдати асосида бўлғуси жараён, ўзгаришлар башорат қилинади. Бу индуктив, дедуктив усулларни ўз ичига олади. Индуктив усулда жараён ва ҳодисаларнинг бир-бирига боғланиш

сааблари ўрганилади ва хусусийликдан умумийликка томон холосаланади. Дедуктив усулда эса, бир бутунликдан хусусийликка томон ўзгаришларга эътибор берилади. Мазкур усул башоратлаш стратегиясини белгилаб беради. Индуктив – дедуктив усуллар бир-бири билан узвий боғлиқ. Ҳар кандай дедуктив холоса индуктивдан сунг нихоясига етади. Индуктив усул география фани тарихида етакчи бўлиб келган бўлса, ҳозирги даврда математик –мантиқ усули дедуктив усулнинг ривожига катта йўл очиб берди.

2. Тарихий- генетик усул. Бунда жараён ва ҳодисаларнинг эволюцион ривожланиши йўналишини ҳисобга олиб, бўлгуси ўзгаришларни башорат қилиш, яъни ўтмишни (ретроспектив) ҳисобга олиб келажакни (перспектив) башоратлаш. “Тарих ўтмишнинг ойнаси, келажакнинг устозидир” деган тамойилга амал қилиш. “Ер юзасининг ўтмиши географлар учун унинг ҳозирги манзарасини билиш учун калитдир”, -деган эди академик К.К.Марков. Олимнинг бу холосасига қўшимча қилиб, ... ўтмиш, нафакат ҳозирги, балки келажак манзарасини билиш учун ҳам калитдир, дейиш мумкин. Бу усул кўп ҳолларда мантикий ва экстраполяция усуllibарни билан уйғунилашиб кетади.

3. Ўхшатиш усули (аналогия). Маълум жойда узок ийллар давомида рўй берган ҳодиса ва жараёнлар асосида ҳудди шунга ўхшаш бўлган бошқа жойларда рўй беришни мумкин бўлган ҳодиса ва жараёнларни башоратлаш демакдир, яъни уларнинг ўхшашигидан фойдаланиб, қиёс қилиб иккинчи жойда содир бўладиган ўзгаришларни башоратлашдир. Бундай башоратлар тўвалигича ўзини оқламасада содир бўлиши мумкин бўлган жараёнларнинг умумий йўналишини ва бўлгуси оқибатларни англашга имкон беради.

4.Статистик усул (статистик – математик). Ушбу усул экстраполяция усулига ўхшаб кетса-да, ўзига хосдир. Бунда

ракамларнинг аниқлык даражаси асосий урин тутади Бундай ракамлар “ұжар”, “қайсар” бўлади, уларни инкор этиб бўлмайди. Ракамлар асосида тузилган турли хил жадвал, диаграммаларни “тилга” киритиб, бўлгуси ўзгаришлар ҳақида зътиборга лойик хulosалар чиқариш мумкин. Масалан, қазиб олинаёттан минерал бойликнинг захираси аниқ бўлса, бир йилда қазиб олинаёттан курсаткичлар орқали бойликнинг тугаш муддатларини билиш кийин эмас.

5. Иммитацион моделлаштириш усули ҳам башоратлашда кўл келади. Бу мураккаб жараёнларни машинада, чизмаларда, курилмаларда намоён этилиши. Яъни аслига уҳшатиб ясалган нарса, курилмалардан фойдаланиб, бўлгуси жараён ва ҳодисаларни башорат қилиш мумкин.

6. Экстраполяция усули. Экстраполяция (лат. ekstra – тез, polio –түғрилайман) – бирор ҳодисанинг бир қисмини кузатиш натижасида олинган хulosани шу ҳодисанинг бошқа қисмига, келгусига тадбик этишини англатади. Бу усулда ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб келажак башорат қилинади. Буни баъзан генетик – тарихий усул ҳам дейилади. Айни даврга тегишли статистик маълумотлар келажакка томон йилма – йил сурилиб борилади. Демографияда бу иш “демографик суриш усули” воситасида амалга оширилади. Экстраполяция ички имкониятларга асосланади. Унда ташки омиллар ҳисобга олинмайди. Шу боисдан айрим тадқиқотчилар бу усулни “кўр” усул деб атайдилар.

7. Эксперт усули. Эксперт лотинча сўздан олинган бўлиб, “тажрибали”, “юқори малакали мутахассис” маъносига эга. Одатда эксперталар йирик муаммоларни ўрганиш, башоратлаш учун жалб қилинади. Масалан, фан ва техника тараққиёти, бозор муносабатларига ўтиш, минтақавий иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, урбанизация

жараёнилари кабиларни башоратлаш учун юқори малака^{ди} мутахассислар жалб қилинади. Улар бир-бирини таниши шарт эмас. Бунда ҳар бир мутахассис үз тажриба ва малакасидан келиб чиқиб муаммонинг келажагига оид фикрларини эркин холис баён қиласи. Эксперт усулини қуллашда иккита ёндашув мавжуд.

Биринчиси, индивидуал – шахсий, яъни “эксперт – хисобот” тарзида бўлиб, кун тартибидаги муаммо буйича эксперт ўзининг эркин холисона фикрини билдиради. Иккинчиси, жамоа усули, бунга 10 тадан 200 тагача эксперталар жалб қилинади. Бу “дельфий” усули сифатида 1964–1965 йилларда АҚШда ишлаб чиқилган бўлиб, у бир неча босқичдан иборат. Ҳар бир эксперт кун тартибига қўйилган муаммо буйича анкета саволларига алоҳида ёзма жавоб қайтаради. Турт босқичдан иборат бўлган бу танлов жараёни охирида энг юқори рейтинг балларига эга бўлган фикр ва хуносалар (вариантлар) қабул қилинади. Мазкур башоратларнинг аниқлик даражаси 2/3 қисмни ташкил қиласи (Звонкова, 1987, 37-бет).

Хуллас, башорат усулларини такомиллаштириш, дунёвий, минтақавий ва маҳаллий муаммоларни башоратлашнинг амалий аҳамиятини чукур англаш, унинг аниқлик даражасини ошириш каби вазифалар давр талаби хисобланади.

6. Дунёвий муаммолар ва уларни башоратлаш

Бугунги кунда инсоният олдида үз ечимини кутаётган катор муаммолар турибди. Рус олимлари С.Б.Лавров, Ю.Н.Гладков (2000) қўйидагиларни энг мухим деб ҳисоблайдилар: тинчликни сақлаш, иқтисодий ривожлашишни таъминлаш, энергетика, хом-ашё, дунё океани, маданият ва одоб инқизози, соғликни сақлаш, ишлаб чиқаришдаги ҳалокатлар, жиноятчилик ва терроризм,

демократияни тақчиллиги, урбанизация, миллатлараро муносабатлар, демография, озиқ-овкат, қолоқлик ва ниҳоят экологик муаммолар (жами 16 та).

Мазкур муаммолар фанлараро мазмунга эга бўлса-да, география фанининг вазифаларига яқин туради. Комплекс мазмунга эга бўлган бу фанинг ўрганиш обьектларидан бири географик қобикдир. Бундан ташқари, озон муаммоси, иклим ўзгариши, чўлланиш каби дунёвий муаммолар борки, улар бевосита география фанига тааллуқлидир.

Инсониятнинг дунёвий муаммоларига эътибор ва уни илмий ўрганиш ҳамда башорат қилишни илк бор АҚШ олимлари бошлиб берган деса тўгри бўлади. Бу борада 1946 йилда етакчи ишбилармонлар, Стэнфорд университети олимлари билан биргаликда Стэнфорд тадқиқот институтини ташкил қиласидилар. 1966 йилда Вашингтон шахрида "Дунёнинг келажагини ўрганувчи жамият"га асос солинган ("Общество по изучению будущего мира"). Хуллас, XX асрнинг 60 – йилларида АҚШда инсониятнинг дунёвий муаммоларини ўрганадиган 15 та йирик институт ва ташкилотлар юзага келган.

Шу йусиндаги ташкилотлардан бири 1968 йили италиялик социолог, йирик жамсатчи-ФИАТ концернининг бошқарувчиси Аурелио Печчеи ташаббуси билан ташкил қилинган "Рим клуби"дир. Мазкур клубнинг Рим шахрида асос солиниши бежиз эмас. Чунки Рим шахри инсониятнинг энг қадимги мәданий-илмий марказларидан биридир.

Шаҳарга милоддан аввалги 754 – 753 йилларда асос солинган. Илмий, иқтисодий ва ижтимоий мухитнинг тақозоси билан 1303 йилда Рим университети ташкил қилинган. Ушбу ҳалқаро нуфузга эга бўлган олий даргоҳда фанинг турли соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланади ва ҳозирги даврда 180 минг талаба таҳсил олади (УМЭ, 7

жилд, 2004, 331-б.). "Рим клуби" халқаро нодавлат ташкилот булиб, унга турли мамлакатларнинг етук олимлари, менежер, иқтисодчи, демографлар, жамоат арбоблари, иирик компания раҳбарлари аъзо сифатида қабул қилинган, уларнинг сони 100 киши атрофида. М.Горбачев унинг фахрий аъзоси, синергетика таълимотининг асосчиси И.Пригожин эса хақиқий аъзоси бўлган. Клубнинг штати расмий бюджети йўқ. Унга дунёнинг иирик компаниялари ҳомийлик қиласи ("Фиат", "Фольксваген" ва бошқалар). Клуб ишини 12 аъзодан иборат, унинг президенти раҳбарлигидаги ижроия қўмита бошқаради (Президенти: Аурелио Печчеи (1968–1984); А.Кинг (1984–1991); Р.Диес – Хохлайтнер (1991 й. дан). Клубнинг расмий идораси айни кунда Париж шаҳрида. Ҳозирги даврда 30 дан ортиқ мамлакатларда Рим клуби ишига қўмак берувчи миллий уюшмалар (ассоциация) мавжуд (Россияда бу ташкилотнинг президенти Д.В. Гвишиани (1989) эди.

Клубнинг асосий мақсади инсоният олдида юзага келган ва келиши мумкин бўлган дунёвий (асосан, иқтисодий – ижтимоий, сиёсий, экологик) муаммоларни ўрганиш, муҳокама қилиш, давлат раҳбарлари билан мулоқот ўtkазиш, дунё жамоатчилик фикрини ушбу муаммоларга қаратиш ва шу йўсиндаги тадқиқотларни рағбатлантиришdir. Клубнинг асосий "маҳсулоти" олимлар, тадқиқотчилар томонидан Рим клуби номига тайёрланган маъruzalariidir. Ҳозирги кунда Рим клуби буюртмаси билан 30 дан ортиқ маъruzalар тайёрланган ва кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилган.

Мазкур маъruzalар ичida Д. Медоуз ва унинг ҳамкорлари (АҚШ) томонидан 1972 йилда тайёрланган "Ўсиш чегаралари" ("Пределы роста") асари халқаро илмий жамоатчилик орасида эътиборга эга бўлганлардан биридир. Алармистик (инглизча – alarm, франц.- alarme – вахима,

безовталиқ) мазмунига эга бўлган бу асарда муаллифлар дунё бўйича демографик, иқтисодий ривожланишни секинлаштириш ва ниҳоят тургун ўсишни ("нулевой рост") таклиф қиласидилар. Унга асос қилиб, сайёрамизда ахолининг тез суръатлар билан кўпайиб бораётганлиги (ўша даврда йиллик ўсиш 1,9 % атрофида эди), озиқ-овқат ва саноат ишлаб чиқариш суръатининг ўта тезлиги, минерал ресурсларнинг камайиб бораётганлиги, атроф-муҳитни эса тобора ифлосланадиганлиги асос қилиб олинган эди. Асарда антропоген юкнинг табиятга таъсир қучининг ўсиш чегаралари таҳлил қилинган. Бу сайёрамизнинг экологик ҳолатини башоратлашга бағишлиланган тұнгич глобал модель эди. Лекин мазкур тадқиқотнинг бир ёқламалиги, минтақавий фарқланишлар ҳамда экологик муҳитни яхшилашга қаратилған ижтимоий құчларнинг инобатта олинмаганлиги кейинчалик танқид остига олинди. Ушбу тояға қарши боргандарнинг сони кам бўлган бўлса-да, у ўз мақсадига эришди, яъни дунё ҳамжамиятининг эътиборини қозонди, келажак ҳақида ўйлашга чорлади. Кейинчалик бу борада янги – янги тадқиқотлар пайдо бўлди (Максаковский, 2008, 38 – 42-бетлар).

Д. Медоуз раҳбарлигидаги тадқиқотларнинг навбатдаги натижаси 20 йилдан сўнг 1992 йилда "Ўсишнинг янги чегаралари" («Новые границы роста») модели таклиф қилинади. Бунда тадқиқотчилар аҳоли, иқтисод ва атроф-муҳитни ягона тизим эканлитини асослайдилар. Уларнинг фикрича, дунёвий ривожланишнинг формуласи қуйидагича: I= РАТ. Бунда I – атроф – муҳитга бериладиган юк, Р – аҳоли, А- фаровонлик, Т-технология.

Бу ерда фаровонлик жон бошига истеъмолнинг миқдорини билдиrsa, технология эса маҳсулот бирлиги қуламида келтирилган зарарни ифодалайди.

Дунё ҳамжамиятининг хоҳлаган ҳудудий қисми экологик вазиятни яхшилашга ўз улушини кўшиши мумкин. Муаллифлар бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ мустақил равишда ҳозирги кунда оммавий тус олган барқарор ривожланиш гоясини илгари сурадилар. Бундан ташқари, қуидаги тадқиқотчилар томонидан тайёрланган маъruzалардан америкалик Дж.Форрестер (1971), М.Месарович ва Э.Пестель (1974), Э.Ласло (1978) голландиялик Ян Тинберген (1975) ва А.Печчеи (1977) каби олимларнинг изланишлари эътиборга лойик (З-кўшимча).

Рим клуби дастлаб жамият ва табиат ўртасидаги қарама – қаршиликларга эътиборни қаратган бўлса, кейинчалик социал муаммолар унинг асосий эътиборига айланди.

Америкалик географ-олим С. Коэн дунёнинг сиёсий картасида рўй берадиган ўзгаришларни башоратлади. Унинг фикрича, дунёнинг сиёсий-маъмурий бўлиниши бундан кейин ҳам давом этади. 20-30 йилдан сунг мустақил давлатларнинг сони тахминан 300 тага етади. Улар 1900 йилда 57 та, 1938 йилда 71 та, 1959 йилда 92 та, 2000 йилда 193 та бўлган. С.Коэн башорати бўйича Европада Фландрия, Валлония, Бретань, Уэльс, Шотландия, Каталония, Басклар давлати, Осиёда – Минданао ороли, Панжоб, Тибет, Африкада- Катанга, Шимолий Америкада – Француз Канадаси каби мустақил давлатлар пайдо бўлади. Австралия, Афғонистон, ЖАР, Судан, Бразилия, Мексика, қисман эса Россия, Хитой парчаланиши мумкин. Дунёнинг сиёсий – маъмурий бўлинишига асосий сабаб миллий уйғониш, сиёсий ўз-ўзини бошқаришга, миллийликка интилишдир. Асарда “Бой – Шимол ” ва “Камбагал – Жануб”, ҳамда Европа – Америка ва ислом дунёлари ўртасидаги муносабатлар ҳам тилга олинган (Максаковский, 2008, 41-б.).

Бундан ташқари, Россия олимлари томонидан глобал экологик муаммоларни башоратлашга бағишиланган айрим тадқиқотлар ўзига хос (Мильков, 1990, Горшков, 1986). Ю.П.Селиверстов содир булаёттган дунёвий экологик муаммоларга оптимистик рухда ёндашади. Унинг фикрича, биосфера инсоният томонидан табиатга кўрсатилаёттан салбий таъсир оқибатларини бартараф қилиш қобилятини ҳали йўқотгани йўқ. Атмосфера таркибини карбонат ангидриди ва зарарли газлар билан тўлдирилишида инсониятнинг улуши табиий жараёнарга нисбатан жуда кам. Улар сайёрамиз ва унинг таркибий қисмлари учун хавфли эмас. Глобал экологик инкиroz йўқ, у Россия Федерацияси миқёсида ҳам намоён эмас, фақат айрим минтақаларда қисман хавф мавжуд. Инсониятнинг ривожланиши жараёнида табиат билан уйғун яшаш тамойилига эришмок лозим, деб хулоса қиласи олим (Селиверстов, 1995).

Академик – математик Н.Н.Моисеев (1920 – 1999) раҳбарлигига Россия Фанлар Академияси хузуридаги хисоблаш марказида биосферадаги ўзгаришларни үрганиш борасида “Гея” номидаги математик моделлар тизими маркази ташкил қилинган эди. Тадқиқотлар натижасида олим биосферадаги экологик мувозанатни бузилганилиги ва инсониятнинг табиатта нисбатан ҳозирги муносабати туфайли глобал инкирознинг рўй бериши аник эканлигини қайд қиласи. Н.Н.Моисеев, инсоннинг табиатта қарамалиги келажакда камаймайди, аксинча ортади, инсон табиат билан уйғун яшамоги зарур деб таъкидлайди. Олим “Экологик императив” ғоясини илгари суради, яъни табиат конунларининг устуворлиги, инсон эса уларга ўз ҳаракатларини мослашга мажбур эканлигини қайд қиласи. Туғилишни меъёrlаштириш аҳоли сонини ҳамда табиатга

курсатылган антропоген юк (босим) ҳажмини 10 марта камайтиришни қайд қилади (Моисеев, 1998).

Хуллас, инсонияттынг келажаги ҳақида ҳозирги күнде сон-саноқсиз башоратлар мавжуд. Лекин уларнинг қайси бири тұлық үз исботини топади ёки йүк, буни вакт күрсатади. Бундан қаттың назар, футурологлар орасыда географлар фаол ва етакчи булиши зарур, чунки география фанининг нодир имконияти яъни муаммоларга мажмуали ёндашуви, интеграцион ва синтез құдрати бунга имкон беради.

7. Минтақавий географик башоратлар

Бунга табиий жиҳатдан үзига хос, бир бутунликка эга бўлган, йирик худудлар ва алохидавлатлар доирасидаги географик башоратлар киради. Қайд қилиш жоизки, бу борада тұлақонли умумгеографик мазмунга эга бўлган башоратлар жуда кам. Лекин география фанига тегишли тармок фан соҳалари бўйича эътиборга лойик тадқиқотлар амалга оширилган ва уларга эътибор ортиб бормоқда.

Үрта Осиё иқлимининг билимдони М.И. Будиконинг (1988) башоратларига кўра, Туркистанда иқлимининг табиий үзгариши сабабли намгарчилик ортади. XXI асрнинг үрталарига келиб ёғинлар миқдори қарийб 2 баробар кўпаяди ва натижада Туркистан чўллари намгарчилик бўйича жанубий Украинаға үхшаб кетади. Иқлимдаги бундай үзгаришлар табиат зоналарининг чегараларига ҳам таъсир этмай қолмайди (Зокиров, 1998, 56-бет). Лекин қайд қилиш жоизки, нуфузли олим М.И. Будиконинг бу башоратлари ҳозирги даврда үз исботини топмаётир, аксинча Үрта Осиёда чўлланиш жараёни хуруж қилмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда Ер шари ва айрим минтақаларда иқлимининг үзгариб бораётганлиги унинг салбий оқибатларини намоён булаётганлиги ҳақидаги

ташвишли ахборотлар кучайиб кетди. Иклиминг ўзгариши табиий ва антропоген омиллар таъсирида рўй беради.

Табиий омилларга космик, яъни Коинот, Куёш ва Ер муносабатлари, ички геофизик (вулканлар, ер қимирлаш), ташки геофизик (Ернинг шарсимионлиги ва унинг таркиби (атмосфера таркиби, ҳаво оқимлари, рельеф, океан ва куруқликнинг тақсимланиши), биотик (органик дунё ва унинг тақсимланиши) кабилар киради.

Антропоген омилларга эса ахолининг сони ва унинг иқтисодий ва ижтимоий фаолияти туфайли иқлимий шароитга кўрсатиладиган таъсири киради. Дунё бўйича иқлимий ўзгаришларга қарши ҳаракатлар XX асрнинг 70 - йилларидан бошланган эди. Мазкур соҳага тегишли расмий хужжат-Стокгольм Декларацияси купчилик давлатлар иштирокида 1972 йил қабул қилинди. 1979 йилда эса биринчи Жаҳон Иқлим конференцияси бўлиб ўтди. 1980 йилларда бир неча бор ҳукуматлараро анжуманлар утказилди. 1988 йилда эса иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро эксперталар гурухи (МГЭИК) таъсис этилди. 1992 йилда Рио-де Жанейро саммитида БМТнинг иқлими ўзгариши бўйича Конвенцияси қабул қилинди (РКИК ООН). 1997 йилда Киото Протоколи имзоланди. 1992 йилда Рио саммигида БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Доиравий Конвенцияси қабул қилинди. Мазкур ҳалқаро ҳужжатлар 1994 йилда кучга кирди (7-мавзуга каранг). Ўзбекистон Республикаси эса БМТ ташаббуси билан ўртага кўйилган бу борадаги дастурларни бажарилиши тарафдори.

Иклимда иссик давр, юкори ҳароратли кунлар кўпаймоқда, совук ва қорли кунлар сони қисқармоқда. Ўзбекистонда иқлим ўзгариши бўйича 4 вариантили модель бўйича олиб борилган изланишларга кўра, карбонат

ангидридинг ҳавода 1% га кўпайиб бориши туфайли 20 – 30 йилда 1961 – 1990 йилларга нисбатан ҳавонинг ўртacha йиллик ҳарорати $0,8 - 3,4^{\circ}$, $1,0 - 2,5^{\circ}$ ортади. Энг юкори кўрсаткич эса республикамизнинг шимоли-ғарбий қисмида кузатилади, тропик ва мўътадил иқлимий минтақаларни чегараси 150 – 200 км шимолга, тоғларда эса иқлимий минтақалар 150 – 200 м юқорига суриласди. Ёгинлар микдори қисман кўпайса-да, ҳароратнинг кутарилиши туфайли буғланиш микдори ортади ва совуксиз давр 8 – 15 кунга кўпаяди. Бундан ташқари, киш мавсуми баркарор бўлмаган “вегетацион қиш” тартибига ўтади ва чўл яйловзорларининг ҳосилдорлиги ҳам чорва маҳсулдорлиги ҳам пасаяди. Аҳоли ўртасида юрак, нафас олиш, асаб, буйрак, ошқозон -ичак билан боғлик касалликлар кўпаяди. Дарёларнинг серсувлити СССМ варианти бўйича Амударёнинг суви 1/3, Сирдарёники эса 1/5 ҳажмда камаяди, яъни тегишли равишда йиллик оқим $78,5 \text{ km}^3$ дан $47,1 \text{ km}^3$ ва $37,9 \text{ km}^3$ дан $27,3 \text{ km}^3$ гача камаяди. Дарёларнинг тўйинишида қорнинг улуши камайиб, ёмғирнинг улуши эса ортади ва унинг ёғиши муддати бир ойга, яъни баҳордан йилнинг илик томонига суриласди. Ёмғирлар билан боғлик тошқинлар (сел) ҳамда дарёлар сувининг лойқалиги ортади (Ососкова ва бошқа. 2005, 50-б.).

Келгусида иқлимини муҳофаза қилиш ва унинг салбий таъсирини юмшатиш учун сугорма ва ичимлик сувни тежаш, сув таъминоти тизимларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигига сувни сарфлашнинг тежамкор технологиясини жорий этиш, қурғоқчилик шароитга мос маданий экинларни экиш, бузилган ерлар ҳамда камбағал-лашиб қолган яйловзорларни фитомелиорация қилиш (бойитиши), ерли ахолининг экологик маданиятини юксал-тириш каби амалий тадбирларни амалга ошириш зарур.

8. Маҳаллий кўламдаги географик башоратлар

Бунга кичик худудларни, яъни табиий географик район, округ ёки маъмурий – худудий туман, вилоят доирасидаги башоратларни киритиш мумкин. Қайд қилиш жоизки, бундай худудлар катта географик тизимларнинг ажралмас булагидир, яъни катта гизим доирасида ривожланаётган кичик тизимдир. Шу боис мазкур худудларни географик башоратлашда асосан учта тамойилга таяниш лозим. Биринчидан, катта “ташки” тизимдаги ривожланишнинг умумий йўналиши (“тренд”) ва шиддатини яхши билиш зарур. Иккинчидан, башорат килинаётган худудни ташкил қилган “Табиат- аҳоли – хўжалик” учбирлигининг ўзига хос хусусият ва имкониятларни мукаммал билиш шарт. Учинчидан, ушбу худудга нисбатан давлат сиёсатининг моҳияти ва йўналиши нималардан иборат? Юқорида қайд қилинган асосларни мукаммал билган ҳолда таҳлил қилгандагина, географик башорат асосли ва пишиқ бўлади. Батъян давлатлар томонидан 3 – 5 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган қарорлар башоратлаш учун жуда муҳим урин тутади. Ёки айни худудга нисбатан олиб борилаётган давлат сиёсати ҳам башоратлаш учун жуда зарур. Масалан Қорақалпоғистон Республикаси учун Орол денгизини куткариш, худуддаги экологик вазиятни ҳамда аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган давлат сиёсати башоратлашга “оидинлик” киритади. Юқорида қайд қилинган асосларни мукаммал билган ҳолда таҳлил қилингандагина географик башоратнинг аниқлик даражаси ортади.

Хозирги даврда вилоят ҳокимиётлари томонидан иктисадий-ижтимоий ҳаётни барқарорлаштириш ва ривожлантириш буйича яқин келажакни кўзлаб тармоқлар буйича сон-саноқсиз дастурлар ишлаб чиқилган. Албатта, улар вилоят статистика бўлими маълумотларига асосланади. Лекин уларнинг илмий жиҳатдан асослилиги, пишиқ-

лиги ва кенг оммага етказилиши талаб даражасида эмас. Баъзи бир қарорларнинг илмий асосланмаганилиги йиллар утиб равшан булиб қолади ва натижада қилинган катта харажатлар самара бермайди.

Масалан, 2004 йилда Вазирлар Махкамаси қарори билан бошқа вилоятлар каби Бухоро вилояти ҳудудида ҳам саноатбоб ёғоч үрмонзорларини ўстиришга қарор қилинган эди. Жуда кўп арзигули тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, лекин кўзланган натижаларга эришиб бўлмади. Чунки бу қарорда чўл иқлимининг ўзига хос хусусиятлари етарлича инобатта олинмаган эди.

Иккинчи бир мисол, Бухоро вилоят ҳокимлиги томонидан Дамхужа – Бухоро сув қувурининг иккинчи навбатини қуриб ишга тушириш ўз вактида режа-лаштирилган эди (унинг биринчи навбати 1993 йилда ишга туширилган). Лекин Бухоро вилояти ахолиси учун жуда муҳим бўлган бу тадбир етарлича илмий асосга эга бўлмаганилиги туфайли бажарилмади. Қайд қилиш жоизки, кўпгина олимлар ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан алоҳида ҳудудларга тегишли, тармоқ соҳалар бўйича башоратомуз дастурлар ишлаб чиқилган. Лекин уларга маҳаллий раҳбарлар томонидан эътибор берилиши ва уларни амалиётта тадбиқ этилиши талаб даражасида эмас. Келажакда режалаштирилган дастурларнинг илмий асосланганлигига эътибор бериш зарур.

Географик башорат ва амалиёт

Фан – тараққиёт пойдевори. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат – аксиома. Илмнинг асосий мақсади қундалик амалиётга, аниқроғи, ҳалқларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилишdir. Бунинг учун хоҳлаган кўламдаги ҳудудни самарали ташкил қилиш, унинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш зарур. Шу боис географик башорат иқтисодий-ижтимоий

ҳаёт келажагини тўғри ташкил қилиш учун жуда муҳим Илмий изланишлар эса келажакни англаш ва уни башорат қилиш имкониятини яратади. Башорат келажакни тўғри режалаштириш ва уни амалга ошириш йўлларини очиб беради. Қайд қилиш жоизки, географик башоратлар ичida катта кўламдаги тизимларнинг бир булаги бўлган кичик геотизимлар келажагини башоратлаш устувор аҳамиятта эга. Яъни дунёвий муаммоларни ҳал қилишнинг қалити кичик ҳудудларда мужассам. Чунки табиатни ифлослайдиган, уни мувозанатини бузадиган жараёнлар, манбалар кичик ҳудудларда содир бўлади. Ҳар бир кичик ҳудуд самарали ташкил қилинса, антропоген омил билан боғлиқ бўлган дунёвий муаммоларни бартараф қилиш имконияти тутғилади. “Кичкина қалит катта эшикни очади” деган хикмат бежиз айтилмаган. Демак, антропоген омил туфайли содир бўлган дунёвий муаммолар қалитини “осмондан” эмас, ердан қидириш керак (Назаров, 2006; Назаров, Тошов, 2007).

Географик башорат пировард натижада ҳудудларни оқилона ташкил қилиш, яъни иқтисодий, ижтимоий ривожланиш келажаги учун хизмат қилиши керак. Масалан, бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатимизда узоқ муддатли истиқболга мулжалланган, стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда (И.Каримов, 2010 йил, 29 январь) Мазкур лойиҳалар йўналишини белгилашда ва уларни шакллантиришда географик башоратлар илмий назарий асос вазифасини ўтамоги лозим. Географик башоратлар қанчалик пишиқ ва асосли бўлса, келажак учун тузилган режалар ҳам тўғри ва самарали бўлади. Апа шундагина географик башорат ўз мақсадига эришиади.

Илмий изланиш бу келажакни кўра билиш, бу эса ўз навбатида иқтисодий-ижтимоий узгаришларнинг йўна-

лиши ва шиддатини белгилаб беради. Географик башорат худудий иктисодий-ижтимоий тараққиётни режалаштиришнинг назарий асосидир. У келажакда география фанни учун энг устувор вазифалардан бири бўлмоги лозим. Географик башорат география фанининг илмий-амалий нуфузини оширишнинг истиқболли йўлларидан биридири.

Таянч тушунчалар:

Башорат, прогноз, прогнозлаштириш, астрология, астрогеография, футурология, диалектика, географик башорат, башорат муддатлари, башорат қилинадиган худудлар кўлами, башоратлаш борасидаги умумий тўсиклар, умумгеографик тўсиклар, ахборот билан боғлик тўсиклар, ташкилий – бошқарув тўсиклари, башоратлаш методологияси, башорат усувлари, мантикий усул, дедуктив-индуктив усувлар, тарихий-генетик усул, экстраполяция усули, эксперт (дельфий) усули, ўҳшатиш усули, имитацион усул, статистик усул, Рим клуби, дунёвий (глобал), минтақавий, миллий, маҳаллий худудлар келажагини башоратлаш, географик башоратлаш ва амалиёт, башоратлаш ва режалаштириш, инвестицион лойиҳалар.

Назорат учун саволлар:

1. Башорат (прогноз) ва географик башоратнинг мазмун-моҳияти.
2. Футурология нима?
3. Географик башорат методологияси деганда нимани тушунасиз?
4. Географик башорат усувлари.
5. Башоратлаш йўлидаги тусиклар.
6. “Рим клуби”, унинг мақсади ва вазифалари.
7. Дунёвий иктисодий-ижтимоий, сиёсий, экологик муаммоларни башоратлаш.

8. Минтақавий ва (миллий) худудий муаммоларни башоратлаш.

9. Маҳаллий(локал) муаммолар ва уларни башоратлашнинг тамоилилари ва аҳамияти.

10. Географик башоратлашнинг амалий аҳамияти.

1 - қўшимча

Мишель Нострадамус (1504 - 1566)

Илми нужум (астрология) фанининг буюк вакилларидан бири, франциялик авлиё Мишель Нострадамусдир. У касалманд туғилган, юлдузларга қизиқиб, кузатиб юрган Мишелда, тиббиётта ҳам қизиқиш пайдо булади ва натижада у Европадаги машҳур табиблар қаторидан ўрин олади.

Кейинчалик Мишель Нострадамус Солон шахрига кучиб утади. 1555 йилда “Юз иилликлар” китобини ёзди. Китобда дунёнинг келажаги ҳақидаги башоратларини битади. Унинг айрим подшоҳларнинг ўлими ва булажак подшоҳлар, автомобил, телевизор, Й жаҳон уруши, одамзоднинг урушқоқлиги, атом бомбаси ҳақидаги башоратлари ўз исботини топди деса, тўгри булади. Кароматгўйнинг одамларни борган сари эринчоқ бўлиб қолишлиари, уларнинг ишини “темир маҳлуқлар” бажаришини, одамзод “темир” қушларда фазони ўзлаштириши ҳақидаги башоратлари эътиборга лойик. Нострадамус башарият ҳаётида 3797 йилгача юз берадиган булажак воқеалар ҳақида башоратлар қилган. У шахсий ҳаётидан рози бўлмаган, атрофдаги ҳасадгўй одамлар – каламушларнинг “бижғиб юришига” нафрат билан қараган ва 62 ёшида касаллиқдан вафот этган.

Машҳур башоратчи таваллудининг 500 ииллиги 2004 иилда жаҳон миқёсида нишонланди (“Даракчи”, 4.03.2004).

Нострадамуснинг оламшумул башоратидан намуналар

•Одамзод келажақда ичимлик суви муаммоси билан тұқнаш келади, бунга одамларнинг ўзлари сабабчи бұлади.

•1986 йилда Коинотдан комета Ерга еттита янги касалликни олиб келади.

•атом бомбасини яратилиши (1945), инсоннинг ilk бор фазога учишини (1961) башорат қылган эди.

•Ер ва Коинот ўзаро боглиқ бұлган ягона вужуддир. Ер юзасининг ҳар бир бұлаги самовий нурлар ҳамда Қүёш системасидаги сайёralар билан боглиқ.

Масалан, Ўрта Шарқ, Ўрта ва Жануби – Шарқий Осиё - Чаён буржы билан боглиқ. Ернинг ҳар бир мінтақаси юлдузлар буржидаги у ёки бу бурж билан боглиқ. Бундай боглиқликтарни астрогеография фани ўрганади.

•2032 йилда Буюк Британия худудининг бир қисми, Голландия, Дания, Финляндия каби мамлакатларнинг кирғоқолди худудлари аста-секинлик билан сув остида қолади.

•2023 йилда Ер үз айланиш доирасидан чиқиб кетиши мүмкін.

•Инглиз тили 2012 йилда үз мавқеини йүқтөді, дунё маданиятининг европача тарзига бархам берилади.

•2003 йилда "Буюк Аёллар ҳукмронлиги" даврига қадам қўйилади.

•Гайриоддий имкониятлар, айникса, 1 январь, 19 февраль, 7 апрель, 30 май, 30 июль, 17 сентябрь, 5 ноябряда туғилган инсонларда аниқ намоён бұлади.

•2170 йил улқаң курғоқчилик кутилади. Инсоният үзга сайёralарга күчиб ута бошлайди.

•2010 йилда Қора денгиз үз тубидан юзага күтарилиб чиқаётган сероводород туфайли ёнғин ичида қолади.

•Юксак мәннавияттга эришган янги жамият эрамиздинг тұртингичи минг йиллигидегина тұлық шаклланади.

- Машхур кароматтүй Нострадамус башоратларининг амалга ошиш эҳтимоллиги 95 фойзни ташкил қилади (Нострадамус, 1997, 8-бет).
- 3797 – охир замон булади.

**Дунёвий ва минтақавий муаммоларни башоратлашта
багишланган айрим асарлар**

2 - қўшимча

№	Муаллифлар	Асарлар номи
1.	Веденин Ю.А. и др.	Устойчивость природных комплексов и прогнозирование В кн. «Теория и методы прогноза» - Иркутск, 1973
2.	Сочава В.Б.	Прогнозирование – важнейшее направление современной географии. Докл. Ин-та географии Сибири и Дальнего Востока, №43, 1974, вып.43, стр.3-5
3.	Сватков Н.М.	Основы планетарного географического прогноза. Москва, 1974.
4.	Дьяконов К.Н.	Геотехническая система – методологическая база географического прогноза. Проблемы взаимодействия общества и природы. Москва, 1974.
5.	Давитая Ф.Ф.	Атмосфера и биосфера – прошлое, настоящее и будущее. Ленинград, 1975.
6.	Симонов Ю.Г.	Проблемы географического прогноза. В кн. Географические исследования в МГУ. Москва, 1976.
7.	Николаев В.А.	Проблемы регионального ландшафтоведения. Москва, 1979, 160 стр.
8.	Саушкин Ю.Г.	Географическая наука в прошлом, настоящем, будущем. Москва, 1980, 269 стр.
9.	Будыко М.И.	Климат в прошлом и будущем. Москва, 1980.
10.	Емельянов А.Г.	Комплексное физико – географическое прогнозирование измененной природы.

		Калинин, 1980.
11.	Абдулкасимов А.	Антрапогенная трансформация ландшафтов Средней Азии и вопросы ее прогнозирования. География и природные ресурсы, №3, 1980.
12.	Емельянов А.Г.	Теоретические основы комплексного физико – географического прогнозирования. - Калинин, 1982, 84 стр.
13.	Герасимов И.П.	Глобальные и региональные общегеографические прогнозы В кн. «Географический прогноз» Москва, 1986.
14.	Преображенский В.С.	Поиск в географии. Москва “Просвещение” 1986, 224 стр..
15.	Звонкова Т.В.	Географическое прогнозирование. - Москва. «Вышая школа» 1987, 192 стр.
16.	Жекулин В.С.	Введение в географию. Ленинград. Изд-во, ЛГУ 1989, 272 стр.
17.	Мильков Ф.Н.	Общее землеведение. Москва, 1990, 335 стр.
18.	Зокиров. Ш.С.	Антрапоген ва амалий ландшафтшунослик. Тошкент, “Университет”, 1998, 68-бет.
19.	Рафиқов А.А.	Географик прогнозлаштириш асослари. Тошкент, “Университет”, 2003, 268-бет.

3 – құшимча

Дунёвий географик башораттарға багишлиңган мухим асарлар

№	Мұаллифдер	Асарлар номи
1	Форрестер Дж.	“Дунёвий үзгаришлар” (“Мировая динамика”), 1971
2	Медоуз Д. ва бошқалар	“Ұсиш чегаралари” (“Пределы роста”), 1972
3	Месарович М. ва Пестель Э.	“Инсоният бурилил нұқтасида” (“Человечество на поворотном пункте”), 1974
4	Тинберген Ян	“Халқаро тартибни қайта күриб

		чиқиши” (“Пересмотр международного порядка”), 1976 (Голландия)
5	Шнайдер Б.	“Ялангоёклилар инқилоби” (“Революция босоногих”), 1988
6	Кинг А., Шнайдер Б.	“Биринчи глобал инкилоб” (“Первая глобальная революция”), 1991
7	Медоуз Д. ва бошк.	“Үсиш чегаралари ортила” (“За пределами роста”), 1992
8		“Олдинда XXI аср: истиқболлар, башоратлар, футурологтар” (“Впереди XXI век: перспективы, прогнозы, футурологи.”), Москва. Academica, 2000
9	Фестер Ф.	“Фикрашга ундаш санъати” (“Искусство заставляет думать”), 2002
10	Медоуз Д. ва бошк.	“Үсиш чегаралари - 30 йилдан сүнг” (“Пределы роста - 30 лет спустя”), 2004

4 – құшимча

Башоратчи файласуф

Иоганн Вольфганг Гёте (1749–1832) немис файласуфи, шоири, у башоратчилық қобилиятiga ҳам эга бўлган. 1775 йилнинг 7 нояброда (26 ёш) герцог Карл Ангуст тақлифига биноан Веймарга келади. У герцогнинг махфий маслаҳатчиси лавозимини адо этиб, маъмурий- бошқарув санъатига доир мұжизаларни намойиш этишга эришади. Қисқа вақт ичидә мұкаммал тартиб-интизом үрнатиб, давлат хазинасини бойитади. Гёте 1808 йилда Наполеон билан учрашган. Гёте күп воқеаларни олдиндан айтиб берган ва хеч қағон адашмаган. Гётенинг табиатида бекарорлик, жizzакилик, енгилтаклик каби хусусиятлар ҳам бўлган. Шу боис атрофдагилар уни бадфөъл одам деб хисоблашган. У кўл урмаган касб бўлмаган Гёте оғир сил хасталиги билан оғриган. Аммо, шунга қарамай, у 83 йиллик умрини мутлақо соғлом одамдек яшаб ўтган. Соғлиқни мустаҳкамлаш ва табиатидаги нуқсонларни

енгишда юксак иродасини, сабр-матонатни намойиш этиб замондошларини ҳайратга соглан (Ҳақиқат манзаралари 96 мумтоз файласуф, 2009, 338-бет).

5 - құшимча

Об-ҳаво үзгаришини олдиндан айтиб беришда халқ тажрибаси

Инсонларда кузатувчаник одати кучли. Улар томонидан об-ҳавонинг үзгаришига оид жуда күп фикрлар айтилған, холосалар қилинган. Шулардан айримларини көлтира-миз.

1. Янги ой туғилиши арафасыда об-ҳаво үзгаради.
2. Ой үтов қиласа, об-ҳаво айниши мумкин.
3. Шафак тилларанг -сариқ бұлса - әртасига ҳаво очық бұлади.
4. Мүридан чиқкан тутун тик күтарилса -ҳаво очық бұлади, ер бағирлаб тарқалса, ҳаво айнийди.
5. Шиддат билан ёқсан ёмғир тезда тугайди, майин шивирлаб ёғса, узоқ давом
этади.
6. Асаларилар учеб кетмай инида гувиллашиб турса,
ҳаво айниб, ёмғир ёғиши мумкин.
7. Мушук керишиб, деразаларни тирнаши ҳаво
айнишидан дарак беради.
8. Товуқлар баландроқ жойга чиқиб, патларини
тозаласа, ёмғирни кутиш мумкин.
9. Қалдирғоч ер бағирлаб учса, ёмғир ёғади.
10. Күшлар ҹуғурлашиб сайраса, ҳаво яхши бұлади.
11. Қарганинг қариллаши об-ҳавонинг айниш
аломатидир.
12. Қиша сичқон ва құнғизларнинг ер-бетига чиқиши
ҳавонинг исишидан дарак беради.

13. Бошингиз тепасида тұда-тұда чивин учеб юрса, ҳавонинг очық бўлишини кутиш керак.
14. Чумчукларнинг баҳорда гала-гала булиб пастлаб учиши ҳаво айнишидан дарак беради.
15. Мезонда (21сентябрь – 21 октябрь) ёмғир ёғса, қиш юмшоқ келади.

Адабиётлар

1. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтириш “Халқ сүзи”, 2010, 30 январь.
2. Богучарков В.Т. История географии. Москва-Ростов на Дону. Изд.-во «МарТ», 2004, 448 стр.
3. Баженов Ю.Н.; Чистобаев А.И. Мир географии. От проблемы к цели. Горизонты комплексных программ. Москва, “Мысль”1987, 239 стр.
5. Будыко М.И. Глобальная экология. Москва, «Мысль», 1977, 327 стр.
6. Будыко М.И. Климат XX века. Метеорология и гидрология, 1988 №10, стр.5-24.
7. Бестужев-Лада И.В.Прогнозирование социальных последствий научно-технической революции. Международный ежегодник. Будущее науки. Выпуск 18, - Москва, 1985, с. 244-258.
8. Горшков С.П. Проблема СО₂ пересмотр идей. Изд. Всесоюз. Геогр. о-ва. 1989, т. 119, вып 4. с. 297-305
9. Жекулин В.С. Введение в географию. Ленинград, изд – во ЛГУ, 1989, 272 с.
10. Звонкова Т.В. Географическое прогнозирование. Москва. “Вышая школа”, 192 стр.
11. Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Тошкент, «Университет», 1998, 68 бет.

11. Лавров С.Б., Гладкий Ю.Н. Глобальная география. 11 класс. Москва, «Дрофа», 2000, 352 стр.
12. Карл Саган. Мир потеплеет. Будущее науки. (Международный сборник). Москва, 1987, стр. 203-210.
13. Максаковский В.П. Географическая картина мира. Книга 1, Москва, «Дрофа», 2008, 495 стр.
14. Мильков Ф.Н. Общее землеведение. Москва , « Высшая школа», 1990, 335 стр.
14. Моисеев Н.Н. Экология в современном мире. Наука и жизнь, 1998, №3, стр 2-10.
16. Назаров И.К., Тошов Х.Р Чул – яйлов ландшафтларини келгусида ривожланишининг асосий йўналишлари (Бухоро вилояти мисолида) Фан ва техника тараққиёти. Самарқанд, 2007, 101-103-бетлар.
17. Ноstrадамус М. Келажак ҳақида башоратлар. Тошкент, "Ёзувчи" нашриёти, 1997, 40-бет.
18. Осоксова Т.А; Спекторман Т.Ю; Чуб В.Е. Изменение климата. Ташкент, 2005, 54 стр.
19. Преображенский В.С. Короневич Н.И. Барьеры на пути географического прогнозирования. Изв. АН ССР, серия географическая . 1987, № 1,стр.5 – 13 .
20. Рафиқов А.А. Географик прогнозлаштириш асослари. Тошкент. "Университет", 2003, 268 бет.
20. Реймерс Н.Ф. Природопользование. (Словарь-справочник). - Москва, «Мысль», 1990, 637 стр.
21. Селиверстов Ю.П. Экологические кризисы: реальность и причины, Мир и Россия. Новые идеи и пути. Спб: РГО, 1995. стр.25-44.
22. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Тошкент, "Янги аср авлоди", 2009, 372-бет.
23. Фалсафа.Қомусий луғат.–Тошкент,"Шарқ", 2004,496 б.
24. Интернет маълумотлари. 2011 й.

Ўқув қўлланмада учрайдиган айрим таянч тушунчаларнинг изоҳли луғати

Арид зона – лотинча aridus-қуруқ маъносида. Арид зона бу иклиний шароити курғоқчилик бўлган географик зона. Одатда бунга чўл ва чала чўл зоналари киритилади (Энцикл. геогр. словарь, 1988, 17-бет). Бу атама немис олими – геоморфолог А.Пенк (1910 йилда) томонидан таклиф қилинганди. Арид зонада атмосфера ёғинларининг йиллик миқдори 100-200 мм атрофида бўлади. Мазкур худудлар табиий ҳолатда фақат яйлов чорвачилиги учун яроқлидир. Одатда экстраарид (ёғинлар миқдори 100 мм), арид (100-200 мм), семи арид ёки ярим арид (200-400) биоиклиний зоналарни ажратадилар (Бабаев ва бошк., 1986).

Географик мұхит ибораси илк бор франциялик географ, социолог Жан Жак Элизе Реклю (1805-1905) томонидан фанга киритилганди. Географик мұхит иборасининг синоними “инсонлашган табиат”дир В.В.Вернадский тили билан айтганда, “ноосфера”дир. Инсоннинг табиатга таъсири туфайли турли даражада ўзgartирилган инсон билан бевосита уйғун бўлган табиатдир.

Географик мұхит-географик қобиқнинг бир қисми булиб, унда инсоннинг яшаши учун табиий шароит мавжуд. Географик мұхит чегараси ойкумена, яъни Ер юзида инсонларнинг тарқалган худудлари чегарасига тўғри келади. Фан ва техниканинг ривожланиши туфайли инсон борган сари ўзининг яшашиб ареалини кенгайтириб бормоқда ва географик мұхит, географик қобиқ чегарасини қамраб олмоқда. Географик мұхит иборасини кейинги йилларда атроф-мұхит тушунчаси эгаллади. Атроф-мұхит (географик мұхит), яъни бирламчи табиат (тунғич табиат) ва инсон

фаолияти туфайли юзага келган сунъий (иккиламчи) табиий шароитнинг қўшбирилигидан иборат. Географик мухит (атроф-мухит) борган сари антропогенлашиб бормоқда, яъни инсон томонидан бошқариладиган геотизимларнинг моҳияти такомиллашиб, қўлами эса ортиб бормоқда.

География фани кент ва тор(асл) маънода. Маълумки, география фани кўп тармоқли, табиий, иқтисодий-ижтимоий география ва уларнинг ҳар иккаласига тегишли оралик фанлар тизимидан иборат. География фани кент маънода география фани тизимидағи барча тармоқ фанларни қамраб олади, уларнинг сони 20 дан ортиқ (геоморфология, иклимишунослик, гидрология, ўсимликлар географияси, зоогеография, аҳоли географияси, саноат географияси, қишлоқ хўжалиги географияси кабилар).

География фани тор(асл) маънода эса бу комплекс мазмунга эга бўлган географик фанлар – ландшафтшунослик (антропоген ландшафтшунослик), минтақалар географияси, ўлкашунослик, мамлакатшунослик, иқтисодий-ижтимоий географик мажмуалар, география назарияси, география тарихи, географик ресурсшунослик (ландшафтлар ресурсшунослиги), геоэкология, тиббиёт географияси, туризм, дам олиш географияси, географик башорат кабилар киради. Мазкур фанлар тизимли ва умумгеографик синтез асосида ўрганилади.

Геосистема (географик система, географик тизим) – бу атама XX асрнинг ўрталарида тизимлар назариясининг фанларга кириб келиши туфайли 1963 йилда академик В.Б.Сочава (1905-1978) томонидан табиий географик комплекс сифатида таклиф қилинган. Грекча “ge”-ер ва “sistema”-қисмлардан иборат бир бутунилк маъносини билдиради. Ҳозирги даврда геосистема атамаси ҳақида уч хил талқин мавжуд:

1. Геосистема атамасига табиий географик мазмун берилади. Бундай талқинда геосистема табиий ландшафт тушунчасига яқин туради. В.Б.Сочава, А.Г.Исаченколар шундай фикрда. Баъзи олимлар табиий компонентларнинг бир томонга йўналган модда ва энергия оқимлари билан боғланган табиий географик тизимларни (дарё, кўл ҳавзаси) геосистема деб аташни таклиф қиласидар.

2. Геосистема деб Ер-бетида мавжуд бўлган табиат-аҳоли-хўжалик учбиралигини мужассам этган гетизимларни эътироф қиласидар, яъни уларга умумгеографик мазмун берадилар (А.Ф.Асланикашвили, Ю.Г.Саушкин).

3. Учинчи талқинда эса геосистема атамаси тармоқ соҳалар бўйича ажратилган ҳолда талқин қилинади. Масалан, табиий, иқтисодий-ижтимоий геосистемалар каби.

Қайд қилиш жоизки, геотизим тушунчаси асосида табиатдаги борликнинг модда, энергия, ахборот алмашинуви туфайли унинг бир бутунлиги ва тизимлар ичидаги тизим эканлиги тушунилади.

Хозирги даврда Ер юзида соф табиий геотизим йўқ хисобида, улар турли даражада антропогенлашган ва тобора антропогенлашиб бормоқда. Шу боисдан ҳам геосистемани интеграл, яъни умумгеографик мазмундаги географик тизим деб тушунмок лозим. Географлар эртами, кечми шубҳасиз шундай тўхтамга келасидар. Чунки табиат-инсон-жамият учбиралигини бир-биридан ажраттан ҳолда ўрганиш бир ёқламаликка олиб келади ва тўлақонли географик натижа бермайди.

Геотизимлар кўламига кўра дунёвий (глобал), минтақавий ва маҳаллий (локал) мақомга эга.

Коэволюция. Лотинча “ко” – биргалиқда, эволюция (evolutio) – авж олдириш, кучайтириш маъносида. Узлуксиз, аста-секинлик билан илгарилама, йўналтирилган тарихий ривожланиш. Табиат ва жамиятнинг ҳамкорликда тад-

рижий, зидди ятларсиз, сифат ўзгаришларига олиб келади-
ган ривожланиши. Бошқача килиб айтганда, табиат ва
жамиятнинг бир-бирига мослашув асосида ривожланиши.
“Эволюция” атамаси 1762 йилда швейцариялик олим
Ш.Бонне (1720-1793) томонидан фанга киритилган.

Ландшафт – тор (асл) ва кенг маънода. Ландшафт
географик комплекс. Ландшафт асл (тор) маънода типоло-
гик комплексларни ифода этувчи умумий тушунча. Ш.С.Зо-
киров (1999) ибораси билан айтганда, “кичик худудлар” дир.
Ландшафт асл маънода кичик худудий қуламга эга бўлган,
сифат кўрсаткичлари билан фарқланиб турадиган тарқоқ
ареалларга эга бўлган типологик географик комплексдир.
Ушбу комплексларнинг ўхшашлари бошқа жой, минтаقا-
ларда ҳам учрайди, яъни такрорланади. Ландшафт ўз
навбатида ландшафт тиги, ландшафтнинг кичик типи ва
ландшафт турларидан иборат. Масалан, қумли чўл
ландшафт типи, кучма қумлар ландшафтлари кичик типи,
барханли қум ландшафтлар тури (Назаров, Тошов, 2008).
Анъянавий адабиётларда ушбу комплекслар жой типи,
урочище, фация каби атамалар билан тилга олиб келинади
ва табиий комплекслар сифатида талқин қилинади.

“Ландшафт” тушунчаси кенг маънода эса, умумий ёки
кatta худудларга тегишли бўлган тушунчадир. Масалан, тоғ
ландшафтлари, текислик ландшафтлари, Ой ландшафт-
лари, сувли ландшафтлар, урмон, дашт, чўл, саванна
ландшафтлари каби. Асл маънодаги ландшафтларни
ландшафтшунослик фани ўрганади. Антропоген ланд-
шафтшунослик эса, умумгеографик мазмунга эга.

Литоэдафик омил. “Литос” юонча тош, “эдофос” –
тупроқ маъносини англатади. Бу тупроқ ва тоғ жинслари
қатламишининг ўсимликларнинг ўсиши шароити хусусият-
ларини белгиловчи тушунча. Чўлшунос олимлар М.П.Пет-
ров (1973), А.Г.Бабаев, З.Г.Фрейкин (1977) чўлларни типлаш-

тиришда ушбу омилни табиий географик асос килиб олганлар. Академик М.П.Петров (1964) собиқ Иттифок ҳудудида чұлларнинг 9 та эдафик типларини ажратади. Булар: 1) кумли; 2) чағиғли-қумли; 3) шағалли-гипсли; 4) тоғ ёнбағирлариңдеги тошлоқли; 5) Шимолий Оролбайидеги сур құнғир тупроқли енгил гиљли; 6) тоғ олди лёссли; 7) тоғ этаги ва дельталариңдеги гиљли; 8) палеоген паст тоғлардаги шурланған бедлендли; 9) пастқам ерлардаги шұрхокли чұллардир (52-бет).

Чұлланиш – қурғоқчил иқлими үлкаларда иқлимининг қурғоқлашуви ва инсон фаолияти таъсирида экологик мувозанатни бузилиши, яъни ландшафтлар биомаңсулдорлигининг камайиши, тупроқларнинг шурланиши ва унумдорлигини пасайиши кабилардир. Баъзи адабиётларда чұлланиш дегендә, табиий ва антропоген омиллар туфайли чұл ҳудудларининг көнгайиши тушунилади. 1970 йилларда чұлларнинг майдони ҳар йили 6 млн. гектарга көнгайиб бораёттандырылған жағдайда (Геогр. энцикл. словарь, 1988, 212-бет). “Чұлланиш” атамаси 1949 йилда, Африканың нам тропик үрмөнларини үрганған француз геоботаниги А.Обревиль томонидан фанға киристилған.

Экологик вазият (эквазият). Бу табиат ва инсон муносабатлари туфайли юзага келадиган, инсоннинг табиатта үтказған таъсири туфайли шаклланған сұнъий, яъни “иккіламчи” табиий шароитлар. Бу асосан инсоннинг хұжалик фаолияти туфайли юзага келади. Эквазият мөхиятига құра қулай ёки нокулай (салбий) сифатларға зерттеуде мүмкін. Экозамин ва эквазияттың құшбирилігі экологик шароитни ёки атроф-мухит түшүнчесини анықтайды. Яқын йилларгача инсонлашған табиий мухит географик мухит деб тилга олинған зерттеуде мүмкін. Ҳозирги даврда “географик мухит” түшүнчесини четда қолдириб, “атроф-мухит” түшүнчесини оммалашиб көттәнлиги ногеографик фанлар

соҳа вакилларининг эътиборсизлиги ва қасбий худбинлигидан бошқа нарса эмас. “Географик мухит” тушунчаси “атроф-мухит” тушунчасидан ўзининг аниқлиги ва қатъишлиги билан акралиб туради (А.Г.Исаченко, 1998, 132-бет).

Экологик замин (экозамин). Тирик организмлар, айниқса, инсоннинг яшashi, меҳнат қилиши ва ривожланиши (камол топиши) учун мавжуд бўлган тұнғич, ибтидоий ёки бирламчи табиий шароит. Масалан, тундра, ўрмон, дашт, чўл зонаси табиий шароити. Ёки текислик, тоғ, денгиз (сувли) шароит. Инсон мазкур табиий шароит билан уйғун, унга мослашган ҳолда яшашга интилади. Инсоннинг турмуш тарзи, урф-одатлари айнан ушбу шароитта мослашган ҳолда шакланади. Экозамин инсоннинг яшashi, меҳнат қилиши учун қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин. Инсонлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, чиқинциларнинг ҳам охирги “тақдир” уларни үраб турган экозаминнинг табиий шароити билан боғлиқ бўлади. Экозамин ва эковазиятнинг “қўшбирлиги” экологик шароитни, бошқача қилиб айтганда, географик мухит ёки атроф-мухитни ташкил қиласди.

И.Қ.Назаров томонидан география фани ва географлар шаънига айтилган ҳикматомуз хуносалар

- 1.География – хўдуллар фалсафаси (2006).
- 2.География – фалсафа ичидағи фалсафадир (2006).
- 3.Тизимли ёндашувсиз география фани йўқ.
- 4.Географиянинг “нони” худудий ва тизимли ёндашувда.
- 5.Географда “олтика кўз” бўлиши керак: улардан турттаси уфқнинг тўрт томонига, биттаси атмосфера ва юлдузларга, биттаси эса ерга – она замин ёки литосферага қаратилган бўлмоғи лозим.

6.Амалиётсиз фан – куруқ сафсата, шу жумладан география ҳам.

7.Географ булиш осон, лекин ҳақиқий географ булиш кийин. Географ “қаерда?” эмас, “нима учун шу ерда, уни қандай қилиб самарали ташкил қилиш керак?” деган саволларга жавоб бериши лозим.

8.Чулга бир кун чиқиши учун (урганиш учун) бир ой тайёргарлик қўриш лозим.

9.Ҳар бир илмий анжуман - сархисоб, илмий чархла-ниш, ижодий рухланиш ва келажакка йўлдир.

10.Олим учун тил (тилни билиш) нуфузли ва сермахсул ижод калитидир.

11.География фанининг “кучи” - унинг синтез қудратида.

12.География фанининг бош мақсади – жамиятни ҳудуд-ларда оқилона ташкил қилишнинг географик асосларини ишлаб чиқишидир.

13.География фанининг “математикаси” – ландшафт-шунослиқдир.

14.Маданий ландшафтларни маданиятли инсонлар яратади.

15. Географ – ҳудудлар файласуфи.

16. Географ – ҳудудлар менежери.

17. Географ – ҳудудлар экологи.

18. Карта – ҳудудлар ойнаси.

19. Карта – ҳақиқат ойнаси.

20.Дунёвий муаммоларни ҳал қилишнинг “калити” осмонда эмас, Ерда – Сизнинг қулингизда.

И.Қ.Назаров ҳаёти ва ижодидаги

муҳим саналар

♦1940 йил, 30 апрелда Бухоро вилояти Шоғиркон тумани Тезгузар қишлоқ фуқаролар йигинига қарашли Қурама қишлоғида туғилган. Миллати-узбек.

- 1957 йилда Тезгузар қишлоқ фуқаролар йигини худудидаги бұрта мактабни тутатған.
- 1958-1963 йилларда Ўзбекистон Миллий университети-нинг (аввали ТошДУ) география факультети табиий география бүлімінде таҳсил олған.
- 1963-1965 йилларда Қора денгиз буйындағы Белгород-Днестровский шаҳрида ҳарбий хизматни үтаган.
- 1965-1967 йилларда Шоғиркон туманинде А.П.Чехов номидагы рус мактабида география үқитувчиси булып ишлаган.
- 1967 йил август ойидан Бухоро давлат педагогика институтига тақыя асосида ишга кабул қилинған.
- 1971-1974 йилларда Туркменистан ФА Чүллар институти аспиранти.
- 1975 йилда Туркменистан ва Россия ФАннинг академиги А.Г.Бабаев раҳбарлығында “Бухоро-Қоракүл воҳабўйи кумлари ва уларни ўзлаштириш масалалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилған.
- 1979-1984 йилда йилларда БухДУ касаба уюшмасы қумитасининг раиси.
- 1994 йилда унинг “БухДУ да хизмат курсынан доцент” фахрий унвони берилған.
- 1982 йилдан бүён Ўзбекистон География жамиятининг Бухоро бүліми раиси.
- 1982-1986; 1992-2010 йилларда БухДУ география кафедрасы мудири вазифасыда ишлаган.
- 2010 йил 7 июндан БухДУ география кафедрасы профессори илмий унвони берилған.
- У 50 дан ортиқ халқаро, республика миқёсида утказылған анжуманларнинг иштирокчиси.
- И.Қ.Назаров томонидан 70 дан ортиқ номзодлик, докторлық диссертациялари ва уларнинг авторефератлари-

га тақризлар ёзилган. Бир неча номзодлик диссертацияларга оппонентлик қилган.

►Унинг илмий раҳбарлигида кафедра ўқитувчиси Х.Р.Тошев номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган (2008), мустақил изланувчи Г.С.Халимова эса илмий излашилар олиб бормоқда.

►И.Қ.Назаров ташаббуси билан кафедра олдида “Глобус” ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил қилинган булиб, лабораторияда вилоят музейлари, академик лицей, коллекциялар ва умумтаълим мактаблари учун рельефли макетлар тайёрлаш йўлга қўйилган эди.

►И.Қ.Назаров 2009-2011 йилларга мўлжалланган “Чулландафтларининг маҳаллий сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш (Бухоро вилояти мисолида)” мавзусидаги Давлат гранти лойихаси совриндори ва раҳбари бўлган. Лойиҳа муваффақиятли бажарилган.

►Муаллиф томонидан турли нашрларда эълон қилинган мақолалардан ташқари 250 дан ортиқ илмий мақола, рисола, ўқув-услубий қўлланма, монографиялар чоп эттирилган, шулардан 30 дан ортиги эса Ўзбекистон Миллий энциклопедияси саҳифаларидан жой олган

►И.Қ.Назаров 1982 йилда “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” медали, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиги, 2002 йилда Халқаро “Экосан” жамғармасининг фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

►И.Қ.Назаров-катта оиланинг сардори, у 6 фарзанд – ўғилни вояга етказган ота, педагог олим, меҳнат фахрийсидир.

МУНДАРИЖА

Кириш	7
1-Мавзу. Фан. Фаншунослик. Географиянинг фанлар тизимидағи үрни.....	11
2-Мавзу. География фанининг мазмун-моҳияти, урганиш объекти, предмети, тадқиқот усуллари ва томойиллари.....	30
3-Мавзу. Фалсафа ва география	49
4-Мавзу. Табиий географик районлаштириш ва унинг амалий аҳамияти.....	63
5-Мавзу. Ландшафтларни таснифлаш ва амалиёт.....	77
6-Мавзу. География ва экология: муаммолар ва амалиёт	97
7-Мавзу. Иқлим үзгариши ва чулланиш муаммолари	114
8-Мавзу. Антропоген ландшафтшунослик ва амалиёт....	137
9-Мавзу. Ландшафтлар ресурсшунослиги.....	150
10-Мавзу. Географик башорат ва амалиёт	169
Үкув күлланмада учрайдиган айрим таянч тушунчаларнинг изоҳли лугати.....	201
И.Қ.Назаров томонидан география фани ва географлар шаънига айтилган ҳикматомуз хуносалар.....	206
И.Қ.Назаров ҳәёти ва ижодидаги муҳим аналар.....	207

CONTENTS

Introduction	7
1-topic. Subject. Subject studying.....	11
The role of geography at scie.....	
2-topic. The concept of geography subject, object of learning, its subject, ways and principles of research.....	30
3-topic. Philosophy and geography.....	49
4-topic. Natural geographic districting and its practical value.....	63
5-topic. Landscape classification and practice.....	77
6-topic. Geography and ecology: problems and pract.....	97
7-topic. Climate change and deserting problems.....	114
8-topic. Anthropogenic landscape studying and practice.....	137
9-topic. Landscape resource studying.....	150
10-topic. Geographic prediction and practice.....	169
Definitions dictionary of the main basic notions used in the text-book.....	201
Wise conclusions told in the honor of geographers and geography subject by I.K.Nazarov.....	206
Important points of I.K.Nazarov's life and creative activity.....	207

Исройл Қиличевич Назаров

**ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ
АСОСИЙ МУАММОЛАРИ**

Мухаррир:

Абдугафур Исқандар

Техник мухаррир:

Мирзиёд Миродилов

Мусаҳҳиҳ:

Дилағұрҙ Жураев

Оператор-дизайнер:

Назиржон Тураев

"Мухаррир" нашриёті, Тошкент шаҳри, Элбек кӯчаси, 8.

Бичими: 60x84 1/16. "Virtec Times Uz" гарнитурасида
оффсет босма усулида босилди. 13,5 шарт. б.т. 13,25 хисоб-нашри т.
Адади 1000 нусха. 31-сон буюртма.
Баҳоси келишилган нархда.

"STANDART POLIGRAF"
хусусий ишлаб чикариш корхонасида чоп этилди:
Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кӯчаси, 6-й.
Тел: 223-47-08. E-mail: standartpol@list.ru